


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Р.А.Мавлянова, Н.Х.Рахманқулова

# БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ

(методик қўлланма)



041404/1

ТОШКЕНТ - 2007

## **А Н И О Т А Ц И Я**

Мазкур ўкув методик кўйлланмада инновацион педагогиканинг вужудга келиши, унинг илмий ва ижтимоий жиҳатлари, педагогик инновация мундарижаси ва йўналишининг асосий нетизи, моҳиятлари, ўқиш фаолиятининг инновацион тузилиши, мактаб ўкувчилари тарбияси, ўқитишининг муқобили воситалари, ўкув юрги турларининг фарки, инновацион мактабларда таҳчикотлар натижалари таърифланади, педагогикада инновация тушунчасининг шаклтаниши, инновацион мактаб ривожланишини таъминлашда экологик мезёрий хуқук ўзлаштиришни мукаммалаштириш ва технологияни ишлаб чиқиши жараёни тавсифлаб берилган.

### **Тақризчилар:**

Педагогика фанлари доктори,  
профессор У.М.Махкамов  
Педагогика фанлари доктори,  
профессор Файзулина С.Х.

Илмий методик бирлашималар фаолиятини мувофиқтурувчи кенгашининг  
2006 йил 29 авгуstdаги 1/3 сонли қайдномаси билан нашрга тавсия этилган.

## ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИКА ТУШУНЧАСИ

Инновацион педагогика – хозирги даврда норасмий фан сифатида маълум бўлган, бироқ кун сайин бутун жаҳон соҳа мутахассисларининг ёътиборнга тушиб, жадал ривожланиб бораётган билимлар тизимиdir. Унинг таълимий ахамиятини тан олган педагоглар жамоаси, олимлар, шу боисдан ҳам мавжуд анъанавий педагогикага танқидий ёндашмоқдалар.

Хозирги кунларда шакллабиб, ривожланиб бораётган мазкур янги фан ҳакида жiddий фикрлар билдирилди, унинг асосий вазифаси ҳукмрон бўлиб турган бутун ўкув тарбия тизими назариясини инновация асосида кайта ташкил этиб ўзлаштиришидир.

Инновацион педагогика-ҳукмрон назария, назарий ва амалий муаммоларни ҳал этишининг асоси килиб олинган. Инноваторлар фикрига асосан одатий мумтоз педагогик назариялар эскириб колган, янги шароитда хозирги авлодни бу йўл билан тарбиялаш мумкин эмас.

Хозирги педагогик фандаги вазият умумий холда шундан иборат. Бу вазиятда инновация жуда муҳим. Педагогика-билимлар тизимиdir. Объективлик, максадга мувофиқлик, мустаҳкамлик, бир-бирига зид бўлмаслик-унинг асосий ҳарактеристикалариидир. Педагогика тизимини ҳар кандай илмий назария каби тизимини ташкил этувчи тамоиллари лойихалаштириди, бирлантириди ва ушлаб турари яъни ушбу тизим асосий билимларга асосланishi асосий ҳолдир.

Объектив назариянинг асосий тамоиллари факатгина илмий принципи бўлиши шарт аммо ғоявий бўлмаслиги лозим.

Инсоннинг аклий ривожланганлиги ва тарбияси ҳақидаги билим даражасининг талабга мувофиқлиги - объективликкунинг ягона талабидир.

Идеология (ғоявийлик) - бу ҳар доим ҳам у ёки бу ижтимоий гурухларнинг бир томончами ижтимоий қизиқишлари бўлиб, улар буни кимматли йўл-йўрик ва ғоя сифатида бошқаларга мажбурлайдилар. Жаҳон педагогик назарияси тарбиявий жараён билан боғлиқ юкорида турган одамларнинг ғоялари кандай бўлиши билан боғлиқ бўлмаслигини аллақачон эътироф этганлар. Ўсib бораётган авлодлар тарбияси жуда жiddий иш бўлиб, унинг ўткинчи нарсаларга боғлиқ этиб кўйиш мумкин эмас.

Мустабидлик даврида мамлакатимизда кўп вакт инсонни (собиқ) коммунистик ғоялар руҳида тарбияланга оид педагогик кўрсатмалар устун бўлиб келган, унинг жуда таъсирилиги, турли чакирикларни хаётга татбик этиш каби максадига қарамай, уни илмий деб бўлмайди, чунки бундай ғояларни ташкил этувчи қоидалар инсон табиати ва унинг ривожланиши ҳақидаги тизимини фақатгина фан ўрнатган объектив асослар ва амалиётда тасдиқланган қоидалар ёрдамила ривожлантириш мумкин.

Маълум бўлишича, амалиётда йўл кўрсатувчи педагогик назариямизнинг асосий камчиликларидан бири билим ва таълимнинг устулигини қаттик бўрттириб (кучайтириб) юборишдадир.

Инсоний, маънавий, меҳнат тарбияси зарарига билимда ёдлаб олиш хажми кўпайиб бориши мактаб хаётида одатий ҳол бўлиб колди, Хозирги

тарбия назарияси ва у бошкараётган амалиётнинг хамма белтилари бўйича инкириз ҳолатда экани кўринниб турибди.

Бу ҳолатдан чиқиш учун бўлган ҳар қандай харакат инновацион деб хисобланаяпти ва бу ҳолда улар ўз номларига мосдир. Инновацион педагогикани кўпинча анъанавий, муқобил педагогика деб атайдилар. Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас, хеч бўлмагандан энг оддий тушунчалар бўйича; синф ҳам, ўқитувчи ҳам ва дарс мазмуни ва дарслерлар йўқолиб кетмайди-ку. Агарда, педагогик тизим сакланиб колса, унда факат уни мукаммаллаштириш ҳакида ганириш мумкин.

Фараз килаётган ривожланиш стратегиямиз "ривожлантирувчи ўқитиши" йўналтиришларидан энг аввало ўз интилишларини мактабда ўқишига бошлишгача яхши ривожланган тузилмаларни шакллантириш ҳамда бу харакатларга энди пайдо бўлиб келаёттан жараёнларни уйгулаштириб, олиб боришига каратилган.

Стратегик йўлимиз "Бутун тараккиётнинг ўз авлодлари ҳакида иғамхўрлиги мантиқига асосланган дидактик ва педагогик тизим тузишида амал килишидир". Ҳудди ана шунинг учун ҳам методологик асос негизи сифатида, кенг маънода табиатни ўргатувчи соҳа бўлиб, ҳалқ педагогикаси хисобланади.

Болалар қандай бўлиб туғилиши унинг ота-онасидан бўлак хеч кимга боғлиқ эмас. Лекин ҳар бир инсоннинг етарлича ривожланиши, баркамол шахс даражасига эришиши, ўзига ёккан машғулот ва ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз умрини ҳаётий меъёrlарга муносабиб ўтказниши-аввало мактабга боғлик. Ҳар бир бола шахсини севиш, хурмат килиш ва унинг ривожланиши учун зарур шароитларни яратиб бериш лозим. Агарда табиатни ўргатувчи педагогика мослашишни талаб этмаган бўлса, гуманистик педагогика бу масалани муносабатлар марказига қўйинши ва бола меъёрий даражада ривожлана олиши учун: ... ҳамма ишни килишини талаб киласди. Гуманистик педагогикани кўпинча инновацион деб атайдилар. Лекин унинг инновационлиги факатгина айрим таълим тизимларига алокадор. Ҳозирги замон Farb мамлакатлари таълим тизимлари учун эса аллакачон гуманистик йўналишига ўта бошлаган. Таълим аста- секин янги муносабатларга айлана бошлаган. Гуманистик педагогикани инновацион педагогика деб аталанганда сўзнинг тўла маъносига айтиш мумкин: у ташқаридан "инъекция" талаб кизимайди, юкори ўкув гарбиявий таъсири натижалари тизимининг ички қайта ташкил этилиши эвазига эришилади.

Гуманизм (инсонпарварлик)-инсоннинг дунёдаги энг кимматли маънавий бойликлар ягона концепцияси. Бу концепциянинг асосий коидаси шахс кадр-кимматини химоя қилиш, унинг эркинлик, баҳт, ривожланиш ва ўз кобилиятини намоён этиши хукукини тан олиш, буният учун зарур, кулай шароитларни яратиб беришдир.

Гуманизм - инсон турмуши ягона ва хусусан алоҳида шахс учун ахамияти умумий эканини тасдиқловчи ғоя ва қадриялар йигиндинеидир. Қимматли йўналтириш ва кўрсатмалар тизими сифатида гуманизм ижтимоний тоя мазмунини олади.

Гуманистик педагогика — ўкув-тарбия жараёни иштирокчисини, ўз имконияти бўйича ривожлантирувчи тенг хукуқли, онги, фаол тарбияланувчининг етишиб чиқишида рол ўйновчи илмий-назарий тизимдир.

Инсон - кадр-кимматини энг юкори ўринга қўйилган бизнинг давлатимизда

инсонпарварлик нуктаги назаридан тарбиянинг асл мақсади, ҳар бир тарбияланувчи муносабатлар, ўзлаштириш фаолияти тўла хуқуқли субъекти, мустакил эркин шахс бўлиб етишидан иборат. Тарбия жараёнининг инсонпарварлик даражаси, ушбу жараён шахс ўзини намоён эта олиши, ўзидаги хамма табий имкониятларини очиб бера олиш, унинг эркинликка қобилияти, ижодга мъсулиятини очиб бериш учун шарт-шароит яратиб берини билан (белгиланади) ва баҳоланади.

Инсонпарварлик педагогикаси шахсга қаратилгандир, Унинг белгилари: мъалумотлар эгаллаб олиш ва мъалум доирадаги маҳорат ва қўникмалар юзага келтириш ўрнига техник, жисмоний, интеллиектуал (аклий) ривожланишига диккатнинг қаратилиши: эркин, мустакил фикрловчи ва харакат қилувчи шахсни шакллантиришга қаратилган кучларни жамлаш, ҳар кандай ҳаётий ва ўкув вазиятларida асосланган карорини танлай-қабул кила оладиган инсонпарвар фуқаро бўлиб етишиши: ўкув-тарбия жараёнини муваффакиятли кайта йўналтиришга эришиш учун керакли ташкилий шарт-шароитлар билан таъминлаш.

Ўкув-тарбия жараёнини инсонпарварлаштиришни авторитар педагогикадан унинг шахсга педагогик босимдан воз кечиб, ўкувчи ва педагог ўртасида ҳакиқий инсоний муносабатлар ўрнатиш ўкувчи фаолияти ва шахсий эркинлигига асосий ахамият касб этувчи шахсга қаратилган педагогикага ўтиш деб тушуниш керак.

Бу жараёни инсонпарварлаштириш шундай шароит яратиш деганини, бунда ўкувчи илим олмаслиги, имкониятларидан наст даражада олмаслиги мумкин эмас, тарбиявий ишларга бефарқ ёки муддагин ўтиб борувчи ҳаётта кузатувчи бўлиб колиши мумкин эмас. Гуманистик (инсонпарвар) педагогика мактабни ўкувчига мослашуви, кулай шароит ва «психологик ҳимоя» билан таъминлашини талаб қиласди.

Инсонпарварлик мактаби амалиётини инновацион фаолиятининг аник шакл ва услубларини ишлаб чиқини.

Улардан бўзилиари:

1. Ўкув-тарбия фаолиятини дефференциялаш.
2. Ўкув таълим жараёnlарини ҳар бир шахс хислатига қараб мувофиқлаштириш.
3. Ҳар бир тарбияланувчини ва қизиқишини ривожлантириш учун керакли шароитларни яратиб берини.
4. Готовен синфлар ва шунга ўхшашларни ташкил этиш.
5. Ўкув - тарбия фаолиятининг қулайлиги.

6. Психологик хавфсизлик, ўқувчиларни химоялаш.
7. Ўқувчига, унинг кучи ва имкониятларига ишониш.
8. Ўқувчини кандай бўлса шундай кабул килиш.
9. Тазлим-тарбия муваффакиятини таъминлаш.
10. Мактаб махсад йуналишини ўзгартриши.
11. Хар бир ўқувчи ривожланиш даражасининг асосланиши.
12. Сиртки таълимими (экстронат) «ўқувчи билан маънавий алоқаси йў» таъминланмаслиги сабабли тўхтатиш. Йукотиш.
13. Ўқитувчи шахсий ички йўл-йўрик кўрсатмаларини қайта йуналтириш.
14. Инсонпарварлик таълимими кучайтириши.

Инсонпарварлик педагогикасини статистик баҳолаш жуда кийин. Аммо шу нарса аникланганки, аутентинглиги, эмпатия ва сўзсиз маъқуллаш ўқувчилар ривожланиши билан мослашиб, боғланиб кетиши ва интизом, мактабга салбий муносабат каби муаммолар билан ёмон мослашуви аникланган

## ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛANIШИНинг УМУМИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Инноватика муаммоларига мурожаат этиш ва уларни мухим замонавий илмий фикрлаш йўналишларига кўшиш, жамиятда инновацион жараёнлар динамикаси ўсиб бораётганини тушуниш натижаси бўлди.

Бизнинг алабиётларимизда инновация муаммолари кўп вактгача иктисодий тадқикотлар тизимида ўрганиб келинди.

Аммо вакт ўтиши билан жамият хаёти фаолиятининг хамма соҳаларидан инновацион ўзгаришлар сифат характеристикаларини баҳолаш муаммоси юзага келади, аммо бу узгаришларни факаттина иктисодий назариялар билан аниқлаб булмайди.

Инновацион жараёнларни ўрганиш учун бошка йўллар зарур, унда инновацион таҳлил фактнга Фан ва техника эришган замонавий ютукларидан фойдаланишнингина ўз ичига олмай, балки бошқариш, таълим, ҳукуқ ва бонка соҳаларни ҳам камраб олади.

Инновацион педагогик муаммоларини счилишини излаш таъзим соҳасидан инновацион жараёнлар бориши хусусиятлари, мазмуни, таркиби ва классификациясини текшириш натижаларини таҳлил (анализ) қилиш билан боғлик.

«Инновация» тушунчаси биринчи марта XIX асрда маданиятшунослар ўрганишларида пайдо булди ва бир маданият элементларини бошқасига жорни килиш маъносини билдирган. Унинг бу маъноси хозиргача этаографизла сакланиб колган.

XX аср бошларида янги билим соҳаси-янгиликларни киритиш, куллаш юзага келди. У махсулот ишлаб чиқариш соҳасидан техник янгиликларни киритиш конуниятларини ўргана бошлади. Янгиликларни киритиш хакидағи фан - инноватика - фирмаларнинг янги режа, хизматларни ишлаб чиқиш ва татбик этиш фаолиятига талабалари кескин ошиб бориши акс эттирилган ҳолда пайдо бўлди.

30 йилларда АҚШда «фирма инновацион сиёсати», «инновацион жараён» атамалари пайдо булди. 60-70 йилларда ғарбда фирмалар ва бошқа корхоналар амалга оширилаёттан янгиликларни эмпирик текширишлар көнгө күлөч ёди. Шу билан биргә диккәт иккى асосий текширишлар соҳасига қаратылади, уларнинг ҳар бирида ўз назарий - методология маданияти устун туради.

Фирма янгиликларни киритиш ташаббускори ва яратувчиси сифатида бўлиб, унинг янгиликларни киритишга «сезувчанлигини», «таъсирчанлигини» ва бу таъсирчанлик боғликлити бошқаришнинг тузилиши ва услублари билан боғлиқдир.

Текширишлар дастури сифатида «қарор қабул қилиш жараёни» концепцияси ҳисобланиб, бунда альтернативаларни танлаш ва анализ қилиши қабул қилинган қарорларни кетма-кет боқичлар билан амалга оширишга ўтилади.

Маркетинг ёки фирманинг бозорга янгилик киритишга, таваккалчилик омиллари, киритилаётган янгиликлар муваффакиятини олдиндан билиш методлари, алоҳида боқичлар самарадорлиги иктисадий кўрсаткичлари ва янгилик киритиш умумийлигига: устун турувчи текширишлар парадигмаси бўлиб, очик тизим ва ўйин сифат ёндашуви назарияси ҳисобланади, унда фирмалар бозор билан ўз мухитлари сифатида ўзаро муносабатда бўлиб ва у ерда инновацион жараённинг якунловчи боқич кўпгина субъектлар ўзаро боғликлити натижаси бўлиб колади, бу субъектларнинг ҳар бири ўз манфаатига қараб иш олиб боради ва ўз шериклари харакатларини эҳтимолини ҳисобга олади.

Бу иккى соҳада янгиликларни киритишни амалий текширишлар бир катор фанлар назарий янгиликларидан фойдаланадилар. Улар турмуш ва меҳнат техник воситалари ривожланиши конуниятларига мурожаат этиб, ўрганилаётган техника тарихи, таҳник ва ижтимоий ўзгаришлар ўзаро боғликлити ўрганидилар: янгиликларни киритишни бошқариш амалиётига янги ғояларни рағбатлантирувчи омиллар ва услублар ҳақидаги социолог ва ижтимоий психологлар хulosаларини, инновацион янгилик киритивчилар ва бошқа иштирокчилар хислатлари ҳақидаги мулоҳазаларини фаол татбик эталилар.

Олимлар янгиликлар киритишни текшириш уч боқичтага ажратадилар. Биринчи боқич янгиликлар муваффакиятига ёрдам берувчи ёки тўсқинлик килювчи омилларни ўрганиш ва турли хил янгиликлар кўпгина эмпирик маълумотларни анализ қилиш билан боғлик.

Иккинчи боқич янгилик киритиш жараённинг ўзини, уларни бир соҳа мухитида иккинчи соҳага олиб ўтиш механизмини ҳисобга олиш билан биралакда ўрганиш деб қарайдилар.

Учинчи боқичда тадқиқотчи диккәти турали хил инновацион вазиятларни анализ қилиши, таваккалчиликни баҳолаш методларини ишлаб чикиш, янгиликларни киритиш соҳасидаги тавсияномалар юзага келтиришга қаратылади. Бу боқичда инновацион сиёсат давлат фаолияти бўлиб колади.

Педагогик инновацион жараёнларни Ғарбда 50 йиллар охирларидан

бошлаб бизнинг мамлакатимизда кейинги 10 йилликдан бошлаб олимлар махсус ўргана бошладилар.

Жаҳон педагогик жамоатчилигининг кизикиши маҳсус инновацион хизмат, нашрнёт, журнallар инновацион маколалар кўринишидан бўляти. Хусусан ЮНЕСКО кошида таълимни ривожлантириш Осиё педагогик инновациялар маркази мавжуд бўлиб, дунёдаги турли мамлакатларига педагогик янгиликларни умумлаштириб, таълим масалалари бўйича халқаро бюро билан биргаликда педагогик жамоатчиликка маҳсус нашрларда узар хакида маълумотлар тарқатади.

Бизнинг мамлакатимизда педагогик инновациянинг ривожланиши кенг жамоатчи-педагоглар харакати мактабнинг тез ривожланишига бўлган талаб ва уни педагоглар амалга ошира билмасликлари ўртасидаги юзага келган қарама-каршиликлар билан бўлгик. Янгиликларни кўллаш умумийлиги кенгайди. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, янги «янгилик», «янги инновация», «инновацион жараён» тушунчаларини англаш талаби кескинлашди.

«Инновация» сўзи лотинчадан келиб чиқсан, унинг таржимаси янгилини, ўзгартириш, янгилик киритиш деган маънони билдиради.

Инновацион жараённинг микроструктурасини ўрганиб олиялар янгилик киритишнинг «ҳаётй цикли, (даври)» концепциясини алоҳида кўрсатдилар, у янгилик киритиш вакт давомида ўтаб борадиган жараён деган фикрдан келиб чиқади. Ен жараёнда янгиликини яратилиши ва ижро этилишини таъминловчи фаолиятларни турларга ажратувчи босқичларга бўлинади. Шу даврга келиб илмий адабиётларда кўйидаги инновацион жараённи босқичларга ажратиш схемаси мавжуд:

1. Янги ғоя пайдо бўлиши ёки янгилик концепцияси юзага келиши босқичи; уни шартли равишда фундаментал ва амалий илмий текширишлар (ёки бирдан пайдо бўладиган) натижаларидан келиб чиқадиган янгилик босқичи деб атайдилар.

2. Кашф этиш вақти, яъни амалга ошган обьект, моддий ёкя маънавий маҳсулот намуна кўринишидаги янгилик яратиш.

3-босқичда яратилган янгиликка амалий кўпайиш топилиб уни кўшимча ишлаб мукаммаллаштириш амалга оширилади; бу босқич янгилик киритивдан мустаҳкам самарадорликка эришиш билан якуланади. Шундан сўнг янгиликтининг мустакил мавжудлиги бошланиб, янгилик киритиш жараёни кейинги босқичга ўтади, бу босқич факатина янгиликни қабул қилиш шартидагина амалга ошади. Янгиликдан фойдаланиш даврида кейинги босқичлар кўринади.

4-босқичда янгиликтининг тарқалиши унинг янги соҳаларга диффузияланиб (кўшилиб) кенг татбиқ этилишидан иборат.

5-босқич янгиликтин бирор соҳада хукмрон бўлиши, бунда хусусан янгилик ўз янгилигини ўйкотиб, янгилик сифатида мавжуд бўлмай колади.

Бу босқич янги самарали янгилик пайдо бўлиши ёки унинг янада самараси билан алмashiши билан якунланади.

6-босқич янгилик кўлланилиши доираси кискариб унинг янги маҳсулдори билан алмашади.

!Окорида көлтирилгән инновацион жараённинг бир-бируни вакт босқичида кетма-кет алмаштириб, мунтазам тизим унинг реал ривожланиб боришининг солалаштырылған схемасини ифодалайды. Бирор аник инновацион жараён бу босқичларни ўз ичига олиб, улар кетма-кетлеги ва боғлиқлигига сўзсиз риоя килиши шарт эмас.

Янгилик киритишни янгиликни яратиш ва тарқатиш комплекс ва мақсади мувоғиқ жараёни сифатида караб, унинг мақсади инсон талаб ва эктийжаларни янги воситалар билан кондириш бўлиб, бу самарадорлиги, мунтазам ва ҳаётийлигини таъминловчи услугуб ва тизимларни маълум сифатли ўзгаришига олиб келади.

Инновацион жараён бошқа сифатли холагта ўтиш, эскириб қолган коида, вазият ва аҳамиятларни кайта кўриб чиқиши билан боғлиқ бўлади. Бир даражалин катор янгиликлар (йигинидиси) умумийлиги инновацион яхлитлигини тақиқият этади.

Янгилик киритишни ички мантиқ ва йўналишшарга эга бўлиб, у янгилик гояси (фикрни) туғилишидан то унинг фойдаланиши бошланышигача бўлган ҳарактерларни ривожлантириш ҳам инновацион жараёни иштирокчилари ўргасидаги муносабат мангигини ифодалайди.

Шу тарика янгилик киритиш динамик тизим бўлиб, ички мантиқ каби вакт давомида қонуний ривожланиши, унинг атроф мухит билан ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Инновацион жараёни тузилиши янгиликнинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтиб бориши билан ўзгариб боради.

Шу билан бирга янгиликнинг динамик хусусиятларидан унинг натижка-якунни ва самараси боғлиқ бўлади. Янгиликнинг якунланганлиги ёки унинг имкониятлари амалга оширилганлик даражаси инновацион жараёнинг ҳамма босқичлари қанчалик мувваффакиятли ўтиб боришига боғлиқ бўлади. Оддий ишлаб чиқаримдан кенгайтирилганига ўтиш кескин вазият ҳисобланади, бу ўтиш амалиётда кўп холларда амалга оширил-майди, бу хол кайси бир янгиликнине якунланмаслигига сабаб бўлиб, кўпгина инновацион муаммолар мавжудингини юзага келтиради.

Янгиликнинг якунланганлигидан унинг самарадорлигини белгилаш керак, яъни инновацион жараён амалга оширилаётган тизим, турли қўрсақчиchlарга янгиликнинг амалга оширилган имкониятлари таъсирини аниглаш мумкин, шу билан бирга уларнинг ўзаро боғлиқлиги яққол кўринади.

«Инновация» терминига якин бўлган тушунчалар «ўзгариш», «мукаммаллаштириш», «қислоҳ килиш» тушунчалари ҳисобланади. Аммо улар ўргасида маълум фикрлар ҳам мавжуд.

Янгилик-педагогик текширишларни баҳолаш асосий ўлчовларидан бири бўлиб, у иккисодий жараённинг асосий натижаси, бу ҳар қандай янгилик киригishнинг мустакил киммати ва хусусиятиdir.

«Янги» тушунча инновацион педагогикада марказий тушунчалардан бири ҳисобланади.

Агарда биринчи - «биринчи яратилган» - таърифи илгари умуман маълум бўлмаган бирор нарса ҳақида тасаввур берса, кейинги яқиндан

бери ва айникса «янгитдан очилган» -таърифлар эса янгиликда қандайдир даражада «эскилик» элементи, нимадир, илгари бўлган бирор нарса борлигини ифодалайди. Шу тарика янгиликнинг икки тури ҳакида гапириш мумкин.

1. Биринчи марта яратилган янгилик. Бу янгилик ихтирога teng, яъни яна ўринатилган янги ҳакиқат демакдир.

2. Аввалги мавжуд бўлган назарияни янада такомиллаштириб, замонага мослаштиришдан иборат.

## **ДЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

*Замонавий ахборот технологиялари, компютерлаштириш ва компютерлар тармоқлари нешзида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаши ривожланиси боради. Таълим жараённида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади, Фан ва таълимнинг наширёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади.*

**«Кадрлар тайёрлаш милий дастури»дан.**

Маълумки, дидактиканинг предметини ўргатиш, ўрганиш таълим мазмунини ташкил килади. Бунда иштирок этаётган З та компонент бир-бирлари билан шундай узвий алокадаки, улардан бирини эътибордан четда колдириш мумкин эмас. Хўш, нимани нимадан бошлаш керак? Ишни ўрганиш ёки ўргатишдан бошласак, табиий равишда савол түғилади: нимани (кандай мазмунидаги ўқув материалини) ўрганмокчисиз ёки ўргатмокчисиз? Ўргатиш хам, ўрганиш хам асосий мақсадга йўналтирилган таълим обьекти ва охирги натижка - маҳсул бўлмиш таълим мазмунига боғлиқ.

Ҳар хил мазмун уни ўзлаштиришнинг ўзига хос усуслари билан фарқ килтагани учун ўрганишининг кандай бўлиши унинг мазмунига боғлиқ, бу эса ўрганишни ташкил этувчи ўргатувчига боғлиқ. Шундай қилиб, дидактик гафаккур - бу ўрганиш, ўргатиш ва таълим мазмунининг доимий алокалари, муносабатларини излаш, аниқлаш демакдир.

Ўқиuvчи ўқувчини фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун кулаг бўлган йўлларни, усул ва услубларни, ўқитиш шакаллари, метод ва воситаларни излайди, уларни такомиллаштиради, Шу бонсдан ҳам «педагогик технология», «дидактик технология», «таълим технологияси» атамалари каторидан «педагогик инновациялар» атамаси мустахкам ўрин симаскала.

Қўкорида санаб ўтилган тарзда ўргатиш, ўрганишда таълим мазмуни асосий ўрин тутади. Шунинг учун хам, ўз олдимизга Давлат таълим стандартларини яратиш биринчи галдаги вазифа килиб қўйилди. Бу вазифанинг улдасидан чиқлик; Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланиб, ҳар бир таълим мусассасаларига, ҳар бир ўқувчига етказилди. Эндиgi вазифа шу стандартларни тезроқ ҳаётга татбиқ этиши механизмини яратишлан иборат.

Бирор, ётироф килиш керакки, ҳали Республикамизда янги педагогик


тахнологияларни, таълим инновацияларини тўлаш, улар ичидан фаолиягимизда энг кўп Самара берадиганларини танлаш, тажриба-синовдан ўтказиш ва кўллаш - жорий этишни йўлга кўядиган тизим (механизм) шакллантирилмаган эди.

«Таълим тўғрисида»ги Конун, «Кадрлар тайёрлаш миллӣ ластури» талаблари асосида ишлаб чиқилган умумий таълим фанлари бўйича Давлат таълим стандартлари ишлаб чикилиб, босқичма-боскич амалга оширишга киришилгандан кейин бу соҳадаги ишларни аник бир тизимга солиш, кўллаб-куватлаш, янгиликларни жорий этишга етарли шарт-шароитлар яратадиган тизилмаларга бўлган эҳтиёж яққол кўзга ташланди. Чунки Давлат таълим стандартлари ўқувчилар билимига кўйиладиган мажбурий минимал даражаба бўлиб, давр ўқувчиларга таълим стандартлари даражаси талабларидан ошириб билим, иқтидор ва кўнікмалар беришни такозо этади. Бу масалани ижобий хал килиш илгор тажрибалар, янги педагогик технологияларни излаш, уларнинг дидактик имкониятларини синааб кўрган холда амалиётта татбик этишга бўлган хаётий эҳтиёжни ошириб юборади. Бундан келиб чиқадиган амалий хулоса - илгор таълимий янгиликларни аниклаш, уларнинг жамгармаларини ташкил этиш, синааб кўриш, педагогик амалиётга жорий килишнинг илмий хулосаларини ишлаб чикиш ва амалиётга татбик этиш тизимини яратиш масаласининг долзарблигини ошириди. Хозирги кунда бу тизимни яратиш йўлида бир катор изланишлар, сайд - харакатлар бошлаб юборилган.

Жумладан, вазирлик, вилоят халқ талими бошкармалари таркибида Давлат таълим стандартлари бошкармалари ва бўлимлари (мониторинги) ташкил этилган. Таълимни бошқариш тизимида ташкил килинган янги бўғинлар кўйидаги ишларни амалга ошириб бормоқда:

- таълим соҳасидаги конунлар, меъёрий хужжатларнинг бажарилиши назоратини юритиш;

### Педагогик инновацияларни хаётга татбик этишининг ташкилий асослари



• «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни хаётга татбиқ этиш, Давлат таълим стандартлари ва дастурлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш;

• таълимни бошқариш махаллий органлари ва ўкув муассасаларининг умумий ташкилий педагогик ишлари катори педагогик инновацияларнинг самарадорлигини таҳлил килиб бориш;

• педагогик тажрибаларнинг боришини аналитик таҳлил килиш, умумлаштириш, оммалаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

• педагогик технологияларни кузатувчи, назорат қилувчи ва жорий этувчиликни ўкувчини ташкил килиш шу масалага оид семинарлар ўтказиш, тренинглар тайёрлаш чораларини кўриш;

педагогик технологияларни ривожлантириш хақида тегишли маълумотлар жамғармасини яратиш, таҳлил килиш ва тартибга солиб туриш.

Юкорида таъкидланганидек, Давлат таълим стандартлари- бу ўкувчилар билим савиисининг минимал даражасини белгилайди, бу даражадан юкори кўрсаткичларга эришиш учун маълум изланиш ҳамда ташабbus лозим, педагогик инновацияларни яратиш, шунингдек, уларни бошқариш авваламбор, ана шу дорзарб вазифаларни ҳал килишга хизмат килади.

Шу боисдан ҳам педагогик инновацияларни излаб топиш, ўрганиш, таҳлиллар остида энг кўп самара берадиганларини танлаб олиш ва уларни амалиётда кўllaш тартибини белгилаб берадиган бир тизимини яратиш максадга мувофиқдир. Фикримизча, бунинг учун, биринчидан, инновациялар ҳакида аник маълумотлар жамғармасини яратиш зарур бўлиб, буни шартли равишда инновацияларни «ГўПЛАШ» жараёни деб кабул киласиз.

Инновацияларни тўпловчилар жадвалга кўра вазирлик тизимида янги ташкил килинган марказлар, жумладан, Ҳалқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари малакасини ошириш бўйича доимий ишловчи Республика доимий курси кошидаги мониторинг маркази ва Республика таълим маркази асосин бўғин хисобланади. Мазкур ишларни бошқарувчи Давлат таълим стандартлари мониторинги мактаб педагоглар кенгашлари, метод бирлашмалари, туман, шаҳар ҳалқ таълими бўлиmlари, вилоят малака ошириш институтларида ўрганиб, тўплланган педагогик инновацияларни ўз вактида «ТАНЛОВЧИ»ларга етказиши ёки айримларини тўғридан-тўғри «ҚУЛЛОВЧИ»ларга йўлашни мувофиқлаштириб боради.

Педагогик инновацияларни танилашда амалий иш олиб борувчи «Педагогик технологиялар маркази»:

• маълумотнинг йўналишини аниклайди;

• жорий килиш ва кўllaща илмий-методик жиҳатдан ёрдам беради;

• методик кўлланма, дастур ва методик тавсияларни нашрга тайёрлайди ва педагогик матбуотга узатади;

• рейтинг тизими, ўкувчиларни мактабгача тайёрлаш, Давлат таълим стандартларини жорий килишдаги илғор тажрибалар мажмуасини яратади;

- хорижкій давлатлардаги таълим соҳасидаги тажрибаларни ўрганады, тақкослайды ва тавсиялар тайёрлайды;
- амалга татбик килувчиларни ўқитади, малакасини оширади, тажриба алмашувларини ташкил килади;
- педагогика соҳасидаги олимлар, илмий изләнүвчилар билан ҳамкорлик ишларини олиб боради;
- инновацияларнинг кўлланилишини динамик равишда кузатиб боради;
- инновацияга оид Республика илмий-амалий кенгашлар йигилишилари, конференциялар ўтказади;
- малака ошириш институтлари, туман методика ва мактаб педагогик кенгашларини янги ахборотлар билан таъминлаб боради.

Педагогик инновацияларни кўллаш билан уни тўплаб, илмий жихатдан хуносалар тайёрловчи бўғин ўртасидаги «Педагогик матбуот» асосан нашр ишлари, оммалаштириш, кенг педагогик жамоалар, илмий-педагогик ходимларга уларни етказиши, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини олини, тажриба-синов хуносалари асосида инновацияларни янада такомиллаштириш ишлари билан шугулланади.

Ўйламизки, таълим технологияси, педагогик инновацияларга бундай тизимили ёндашув Давлат таълим стандартларини амалга оширишда ўз самарасини кўрсатади.

## **ЯНГИЛИКЛАР КИРИТИШ МАЗМУНИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ**

«Педагогик тизим» ва «Педагогик тизимда янгилеклар киритиш» тушунчасини аниклаб олайлик.

Педагогик жараён биламизки, педагогик тизим асосида ўтиб боради. Педагогик тизим - бу ташкил этувчиларнинг бирлаштирилган мажмун бўлиб, улар ўзгаришларда ҳам баркарорлигича колаверади. Агарда ўзгаришлар (янгилек киритиш) қандайдир мумкин бўлган чегарадан ошиб кетса, тизим бузилади, уининг ўрнига янги бошка хусусияти тизим юзага келади. Педагогик тизим - элементларнинг жуда мустахкам бирлашувидир. Ҳар қандай педагог тизимининг тузилиши хозирги даврда қўйидаги элементлар вариантлари йигиндиши, ўзаро боғликлиги қўрнишни ўкувчи: тарбиянинг мақсади; тарбия мазмуни; тарбия жараёни; ўкувчилар (ёки ТТВ - таълим техник воситалари); тарбиявий ишларнинг ташкилий шаклларидан иборат бўлади.

Бу тизимнинг таркибий кисмларидан ҳар бири ҳар қандай даражада элементларга деталлаштириб ёйиб кўрсатилиши мумкин.

Курилган тизимнинг таркибий тузилиши эмас деб хисоблашга асосларимиз бор. Кўреатиб ўтилганларга қўшила олмайдиган педагогик тизимнинг мухим таркибий кисмлари, шунингдек, «Натижалар», «Ўкув тарбиявий жараёни бошқариш», «Технологиялардан иборат.

Улар берилган расмдаги Педагогик тизим моделида кўзга ташланади. Мақсадлар натижалар билан мос келиб, узлуксиз цикл ташкил этилади. Мақсадларнинг натижа билан тўла мос келиши педагогик жараёнининг

жончи, ўлчов кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Педагогик тизим бошқарув, бирлаштирувчи ҳамма таркибий қисмлари нисбатан мустақил қисм хисобланади, чунки улар ўз мақсад ва тузилишиларига эгалар.



Педагогик тизимнинг ташкил этувчи таркибий қисми сифатида уни алоҳида омиллар бирлиги эканлигини таъкидлаган холда кўпинча, ўкув тарбия жараёнинг технологиясини кўрсатадилар. Бундай ёндашиб педагогик тизим кўзланган мақсадга эришишни таъминлайдиган мустахкам ташкилий технологик комплекс бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, педагогик тизим ҳар доим ҳам технологияидир. Ана шу белгиси бўйича педагогик тизимни таркибий қисмлар иختиёрий «Тўпламидан» ажратиб олиш осондир. Технологик - бу қатъий ташкилий мантиқка бўйсунувчи имкониятларини белгиловчи тизимнинг ички сифатидир.

Шу билан бирга топширикни баҳолаш даражасининг ўзидаёқ, технолог маълум жараёнилар ҳамда ходисаларга ташнади. Маълум жараёнилар муваффакият ифодаси далили сифатида фойдаланилади, ажойиб ходисалар натижалари эса янги сабаб ва формула маёнбалари сифатида амалга остирилади. Ўкув технологияларни лойиҳалаштириш методик «Тажрибаларни умумлаштиришдан» фарқи «Мумкин эмас» холосасини билмайди. Технолог учун бу факатгина вакт ва ҳаражатлар масаласидир. Технолог факатгина яхши маълум, текшириб кўрилган, асосланган, шубҳа қилинмайдиган фикрларга асосланади. Технолог тажрибалар ўтказмай, аник кўзланган натижалар билан иш олиб боради. Технология вариантликка йўл кўймайди, унинг асосий вазифаси -аник кафолатланган натижা олишдир, у ҳар доим ҳам асосий ечимида оддийдир. Асосий ечимни тушуниш қолган ҳаммасини, ўзаро зарур элементлар системаси тартибини мазмунини очиб беради. Технологиядан хеч бир қисмини олиб ташлаб бўлмайди, у ерда ортиқчаси бўлмайди, бўлиши мумкин эмас. Бу жуда мураккаб ҳолат, ҳар иккинчи ўқитувчи излаш - тадқикотчилик тартибида иш олиб боради, шу билан боланинг мактабдаги хаётни натижаси ноаниклигини кучайтиради.

Ҳар доим, айникса «аник» фанлар деб номланувчи йўналиш вакиллари орасида педагогларни характерлари учун койиб турувчилар топилади, ва улар ҳар галгидек педагогика тизими моделларини ревизия килиш ва модеризациялашдан боштайдилар, педагогика тизими содир бўладиган жараёниларнинг баъзи принципал характеристикаларида тўхталиб ўтамиз. Педагогика тизимнинг ҳар бир аник модификацияси кўзланган натижা

эришиш аник хусусият ва имкониятларга эга деган коидадан келиб чиқамиз. Бу имкониятлар системанинг аник хусусиятлари билан каттик белгилаб қўйилган. Бу тарзда биз таълим ва тарбиявий қўзланган даража ва сифатга эришмоқчи бўлсак, унда шунга мос педагогика система ҳакида қўйишмиз керак, унинг ишлаши педагогик жараённинг керакли йўналиши ва интенсивлигини таъминлайди. Бунинг натижаси, ўкув-тарбиявий жараённинг янада юкорирок самарадорлиги, ҳар доим педагогик тизимини тақомиллаштириш оқибатидир. Бу жуда мураккаб муаммо, уларни ишлаб чишишга Дунё энди киришмоқда. Ҳозирги умумий қўринишга жуда кўп қўринишли кўрсатгич, «Харажат» ва натижаларни тўплаш мумкин бўлмоқда ва муаммони фойдалилигини аниқлаш иктиносидий нуктаи назарига ўтказин мумкин бўлди. Интуитив ва субъектив баҳоларни жуда осон нотўри дейиш мумкин ва бу ерда вазиятдан чиқиш фақатгина фикрларин тўплашдан иборат бўлади.

Ҳар қандай педагогиканинг максимал умумий самараси 100% қўзланған мақсадга тўла эришилган хисобланиб тарбиячилар учун мумкин бўлиб илгари эришилгандан настрок даражада бўлмаса.

Яна бир бор педагогика тизими тузилишига назар ташлайлик, у «ёмон» ва «яхши» педагогик система учун ҳам бирдир. Уни ўқитувчи ҳам бирдир. Уни ўқитувчи, ўкувчилар муносабатигача соддалаштирамиз. Бу муносабатлар ўрганилган эди ва умумий хулоса маълум: деярли 50% ўқитувчидан, 50% эса ўқувчигача боғлик. Бундан келиб чиқадики, масалан, энг ёмон педагогика системанинг самарадорлиги, айтайлик ўқитувчи умуман ҳеч қандай харакатларни амалга оширгмаган холда, аммо система ишласа 50% дан кам бўлмайди. Анъанавий педагогик тизимнинг фойдали харакат коэффициент 60% дан ошмайди деб хисобланади. Бу эса мактаб тарбияланувчиларининг фақатгина ярмидан озгина қўпроғини дастурни тўла эгаллашига эриша олади деганини билдиради.

Яна бир мухим фикр, тизимнинг умумий назариясидан маълумки тизимни бараварига бир неча параметрлар бўйича яхшилаш мумкин эмас. Тўғри йўл янгиликни аста-секин, унинг фойдалилигига ишонч хосияти килиб, ҳар томонлама текшириб кўриб, кейинги ишларни ўйлаб киритишдан иборат. Тажрибалар шунни кўрсатадики ҳар бир яратилган янгилик олдинига албатта илгаригисидан ҳам ёмон ишлайди. Чунки ўрганиш, мөсланиши, сусткашликни енгиз керак.

Педагогик тизимни тақомиллаштиришининг асосий йўллари иккита: интенсив ва экстенсив. Интенсив ривожланиш педагогик системани ичкни имкониятлар хисобига, экстенсив йўл эса қўшимча кучлар жалб этиш - яъни, воситалар, асбоб-ускуналар, технологиялар хисобига тақомиллаштиришини қўзда тутади. Педагогика технологиянинг интенсив ривожланиш имкониятлари тугаган деб хисобланади: мактабнинг мавжудлиги минг йилликлар давомида ҳамма йўлларни синааб кўриб бўлган, ҳозирги педагоглар насибаси кайтариш, тарбия мазмуни ва вазифасини, мантикий чуқур эсга олиш, унинг бирламчи асосларига чукур тушиб боришдан иборат.

Яна бир бор кайтариб айтамиз, агарда мактаб хали ўлмаган бўлса,

агарда у яшәтган, ривожланаған ва бо ларни ўқитаётган бұлса, бу фәзаттінә үзининг консерватив табигати хисобиғадир. Баъзи назариётчилар айтадыларки, жуда яқин вакт ичидә педагогикада инновация бир маънени - орқага, ўтмишга, ўйлаб ва оқилона тарбиялаш, маънавий тарбияловчи, янгиликларсиз ва тиришишларсиз тинч тизимга кайтишнингина билдиради деган фикрни айтмоқдалар.

Еарб мактаблари экстенсив йўл билан педагогик маҳсулотни янги инфомрацион технологиялар, вактни турли хил ўкув фаолиятларига тақсимлаши, синфдаги дифференция ва индивидуаллаштириш хисобига ёшлириш билан ривожланиб бормоқда. Шу билан педагогик маҳсулот сифати яхашланмоқдаки, бу савол аниклигича колмоқда: кўпчилик мустақил эксперталар бунга ишончсизлик билдиromoқдалар. Бу холатдан чикиш йўли «Интегрированные инновации (янгиликлар)» деб аталувчи, интенсив ва экстенсив йўлларни бирлаштиришга имкон берувчи педагогик система ривожланиши хисобланади. Бу педагогиканинг фойдаланилмаган имкониятларини чукур текширишни талаб киласди, улар турли кўринишдаги турли характерли за тури даражадаги педагогик тизим ташкил этувчилари учрашган нуктада намоён бўлади.

Бўши жойларини янги технологиялар билан мустахкамлаб, педагогик системанинг умумий самарасини яхшилашга уринса бўлади. Бундай ёндошиша инновация ўйлаб топилган «ташки» чора бўлиб кўрилмайди, балки чукур мазмунли талаб ва тизими билиш, англаб стилган кайта тувиш хисобланади.

Агар шунлай нуктаи назар билан инновацион чакириклари қаралса уларда деярни янги жихатлар йўқдек туюлади. Жумладан эски муаммоларни хал этиш учун янги «рецепт»лар ҳам йўқ. Умуман олганда инновацион гояларга инсоният тараққиёти жараёни ҳақидаги янги билимларга асосланган, педагогик муаммоларни хал қилишга илгари қўлланилмаган назарий ёндашувлар, аник амалий технологиялардан олинган юкори натижаларни киритишта мажбурмиз.

Педагогика фанида берилган гояларни ишланганилик даражасининг муноффиқ жихатлари бўйича умумий ва кисман инновацион лойиҳалар мисдори, шунингдек, педагогик амалиётда уларда фойдаланишининг таҳлилий умумий педагогик инновацияларга киритиш имконини берди.

1) Педагогик фан тизими ва педагогик амалиётни, янги бўлмаган бирор доимий долларб ва ўзидан ўкув-тарбия жараёнини бетимлаштиришнинг умумий гоялари ва амалий технологияларини ўзига мужассам қилган.

2) Инсонпарваник педагогикасини барча назарий коидалари ва амалий технологияларининг йигинидиси жамлаган.

3) Педагогик жараёnlарни ташкил этиш ва бошкаришта янги гоялари төзивий ёндашувга асосланган.

4) Ахборотлаштириш, оммавий коммуникациялашнинг янги гоялари ва воситаларини кўллашига асосланган технологияларни инновацион технологиялар хисобланади:

Педагогик тизимда инновацион тузилмаларининг бош йўналиши:

- яхлит педагогик тизим;
- ўкув юрти;
- педагогик назария;
- ўқитувчи;
- ўкувчилар;
- педагогик технология;
- мазмун;
- шакл, методлар, воситалар;
- бошқарув;
- максад ва натижалар.

Тизим ости тузилмаларининг чукурлиги бўйича инновацион янги киритмаларнинг моҳияти, сифати ва максадга мувоғиблиги хакида хўлоси килиш мумкин.

## РЕФЛЕКСИВ - ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Рефлексив — инновацион технологияларнинг барча процедуралариниң куйидаги боскичларга ажратиш мумкин:

1. Янги ғоялар излаш боскичи;
2. Янгиликлар юзага келтириш боскичи;
3. Янгиликлар киритишни амалга ошириши;
4. Янгиликларни мустаҳкамлаш боскичи.

Янги ғоялар излаш боскичи «инновацион педагогика» асослари курси бўйича ахборот инновацион шароит юзага келтириш мактаб муаммо ва талабларини долзарблаштириши, максад, янгилик яратиш ғояларини ифода этиш бўйича дастлабки ишлар, бўлажак мактаб шароитини тасаввур этишдан иборат. Янгилик киритишни шакллантириш боскичи янгилик киритиш ишларини фаол равишда лойиҳалаштириши, танланган янгиликларни синааб кўриш, мактабда янгиликларни киритиш бўйича карор кабул килишлан иборат.

Янгиликларни киритиш боскичини амалга ошириш мактабда тажриба ўtkazish учун шароитлар яратиш, тажриба жараёнини таҳсил килиб борини, янгилик киритиш ва мазмунини тузатиб боришдан иборат бўлади.

Янгилик киритишни мустаҳкамлаш боскичи мактабнинг янгидан шакллантирилган образини ўқитувчилар онгига мустаҳкамланы, ўқитувчининг инновацион харакатларини мукаммалаштириш бўйича психокоррекцион методик ишлардан ташкил топади.

Барча тўрут боскичининг асосий максали янгиликни ўзлаштиришин ривожлантириши ва ўзлаштирилаётган янгиликка субъектив муносабада бўлишдан иборат.

Ўқитувчиларни рефлексив- инновацион технологияда тайёрлаш модели III ва IV боскичи жадвалда кўрсатилган.

Ўқитувчини инновацион фаслиятига тайёргарлигини шакллантириши III ва IV профессионал тайёрлаш боскичлари.

## Технологик жадвали

Вазифалари	Педагогик муносабат ва педагогик фаолиятни умумий технологиясини тақомидаштириш инновацион фаолият технологиясини ўзлаштириш.
Мазмуни	Муаллифлик дастурларини тузатиш методикасини ўзлаштириш. Тажриба боскичларини режалаштириш, табиқ этиладиган янгиликни таҳлил, прогноз килиш, ривожлантириш янгиликни педагогик жараёнга табиқ этиш, тузатиш, тажриба ишлари натижаларини кузагиши
Технологиялари	Ташкилий - фаолият ўйинлари. Рефлекс-инновацион амалиёт муаллифлик концепцияларини ўрганиш. Муаллифлик дастурларини тузиш. Инновацион турдаги ўкув юргаларида амалий ишлар, түрли хил мазака ошириница иштирок этиш. Педагогик устахоналар.
Дәрежа	Психологияк тайёрларлар методологияк тус слади, рефлексив-аналитик маҳорат юкори масъулият, ижодий фаолият ривожланади.

Илгари айтилганидек, мухокама килинаёттан технологияларни табиқ этиш инновацион шароит мактаб муаммоларини долзарблаштиришдан боладанади. Бунинг асоси инновацион педагогика бўлиб, у талабаларни инновация асосий бўлимлари билан таниширади. Булар: неология, аксиология, вараксиология. Бу курснинг асосий вазифаси - факатгина ўқитувчи инновацион фаолиятининг сабаб, омил, тўсикларини очиб бериш эмас, балки янгиликни кабул килиш учун психологик тайёргарликни юзага келтириш, педагогик инновацияларни кабул килишини хам ривожлантириди. Ижодий фаолият психологик конунгларини очиши, излаш, танлаш механизмини ўрганиш, тренингли таълим шаронтила амалга оширилади. Дастурнинг асоси шахснинг ўзини ижодий ривожлантириш таомийларидан иборат. Қачонки субъект ўз фаолиятида факатгина намоён бўлиб ва кўрсатибгина қолмай, балки ижодкорлик қиласа ва аникиласа, унинг фаолияти йўналишта қараб унинг ўзини аниқлаш ва шакллантириш мумкин. (С.Л.Рубинштейн).

Инновацион педагогика асослари бўйича дастурнинг асосий бўлимлари «инновация», «янгилик», «таълимнинг инновацион жараёнлари», «уқитувчи инновацион фаолисти тузилиши», «янгилик киритиш технологияси» тущунчаларини очиб беришга мўлжалланган.

Унбу курсда ўзига хослик сифати билан ажralиб турувчи, педагогик този таърифлашга бошқача муаллифлик ёндошиши билан ажralиб турувчи ўзига хос варкатив таълим моделлари ўрганилади.

Энг аввало оммавий педагогик харакатлар, гуманистик педагогик ривожлантишинга туртки берган концепция ва таълим насиҳатлари ўрганиб чиқлади. Талабалар турли ўкув юргаларини ўрганиадилар, уларнинг максади, тадқиқотий тизими ўзига хослиги, таълим ва тарбия мазмунин, улар инилари

амалий тажрибаларини тасвирлаш билан шуғулланадилар.

Асосий эътибор муаллифлик дастури, таълим ва тарбия концепциялари яратиш даражасида педагогик тажрибалар ишлаб чикиш ва ўтказиш техникасига қаратилади. Талаба амалий фаолияти концепцияларини ўрганиш, қоида, меъёрий-хукукий хужжатлар билан ҳақиқий мүкобил ўкув юртлари билан танишиш каби ишлар олиб борилади. Бакалавриат айни магистратурада бўлажак педагоглар шу каби концепция ишлаб чикини бўйича ижодий жамоага жалб этиладилар. Курс дастури 70 соатга мўлжалланган бўлиб 10 та назарий бўлимлардан иборат ва маъруза, семинар ва лаборатория машгулотлар мустакил тадқиқот ишларини ташкил этишини кўзда тутади. Маъруза машгулотларида инновацион педагогика асосий муаммоларини ягона тушунишини таъминловчи, кейинги мустакил ишлари учун методологик ва илмий асослар яратувчи энг умумий назарий саволлар ўрганилади.

Курсни янада ўрганишни белгилайдиган мухим назарий бўлим, инноватика асосий қоидаларига бағишлиланган бўлиб хисобланади.

Таълимда янгиликлар киритиш моҳияти нимадан иборат? Уларни қандай таҳлил қилиш керак? Шу тарика курс бошланишидан асосий концептуал ғоялар, инноватика қоидалари кўриб чиқилади, инновацион жараён килиш бъязи методлари ва бу жараёнга таъсири баён эталади. Бу кейинги мустакил ишлари учун вазифа кўйиш имконини беради, семинар машгулотлари инновацион педагогика асосий ғояларини тушунишга болаларни тарбиялаш ва ўқитиш моделларининг мүкобил турларини ўрганиш асосида аналитик маҳорати концептуал ёндошишини юзага келтириш назарий баҳслардан иборат бўлади. Семинар машгулотларида турли концепцияларни таҳлил асосида мүкобил таълим бъязи моделларига далилий баҳо бердилар. Лаборатория машгулотлари талабаларнинг инновацион турдаги мактабларда ишлашга тайёргарлигини юзага келтириш янгиликни ишлаб чикиш ва ўзлаштириш технологияси билан танишиш, педагогик тажрибани ташкил этиш методикаси, муаллифлик дастурини тузишга ёрдам беради. Лаборатория машгулотларида ижодий фаолият тўсикларини олиб ташлаш бўйича психологик тренинг ўтказилди.

Мактабда амалиёт ўтказиш талабаларининг педагогик жараёнга фаол иштирок эттириш хам уни талабалар индивидуал талабларига таяниб инновацион педагогика тамойиллари асосида ташкил этиш, уларга таълим шакли ва мазмунини ташлаш эркинлигини бериш, ўз нуктаи назарлари ва сухбатини долзарблаштириш асосида ўкув муаммоларини ечиш, турли педагогик вазиятларни таҳлил қилиш асосида коммуникатив гурух лар ташкил этишиларни кўзда тутади. Талабаларнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида мустакил ишлари ўзига хос хусусиятларига эга: “иккинчи босқичда у кўп жиҳатдан мавжуд таълим лойиҳаларини мустакил тушуниш билан боғлик; учинчи босқичда у ўз шахсий ижодий маҳсулотини яратиш, индивидуал ёки ижодий жамоада мүкобил мактаб концепцияси ишлаб чикиш билан боғлик.

«Инновацион педагогика асослари» курсини амалга ошириш педагогик

Үкүв юртларидан мавжұд шарттарға күра иккі вариантиң күзде тутады:

1) хамма талабалар учун курсни ассоций кісімлари бүйінша курсни тизимли үшінші ва тадқиқот ишләрі мавзусини мұстакіл тәнлаш да индивидуал консультацияға мөлжалланған;

2) инновацион педагогиканың әңг мухим мұаммолары бүйінша үйнаптауруға маңызу да семинар үтказышында тутады.

Тәулим да тарбияның алохид мүкобил моделләри да уларға мос мактаб турларини үрганиш талабаларның қызықиши да лаекатидан келиб чиқып уларнинг тәнлови ассоциация оширилады. Дастаннинг биринчі варианты бакалавриат учун күпроқ түгри келады, иккінчесі эса магистратура учун. Умуман олганда вариантиң тәнлаш талаба да үкітушчи хохишига болған бўлади.

Бизнинг ассоций мақсадымиз янгиликларға ижобий мұносабат да үз мұаллифлик дастаннини ишлаб чиқып да татбиқ этиш истагани ривожлантиришдан иборат бўлади. Чунки инновацион технологияларни әтаплаш факаттана талабалар үз фаолияти үз камчиликлари да қарама-қаршиликлари кўриб да үрганғандаридан ахамият қасб этади. Шунинг учун «инновацион педагогика ассоциация» курсини үрганишда курсни ишләрі ёзиш билан бир вактда олиб бориш түгри бўлади. Бундай тәулим бериш янгилик киритишнинг мақсадини аник белгилаш, ҳақиқий да мумкин бўлган янгилик манбаларини аниқлаш, мұаммони ифода этиши имкониятларини беради. «Инновацион педагогика ассоциация» курсини үкитиши да татбиқ этиши, биргя олиб борилганда бир маънога эга бўлади. Агарда үкитиши жараённин талабаларнинг шахсий амалий мұаммоларини таҳлил қилиш да ечши ассоциация ташкил этилмаса унда факаттана инновацион фаолият учун шарт шароит яратишгина мумкин.

Курсни үрганишнинг мухим омили бўлажак педагогларнинг янгиликларни ижтимоий-маданият мұаммоларини тушуниб этишләри, бу эса янгиликни ишлаб чиқып да татбиқ этиш йўлларидаги тўсикларни кўра билишга мактаб раҳбарияти да қасбдошлари ўзаро мұносабатлари динамикасининг кўра билиш, ҳамда бошқа ўзғаришларнинг узлуксиз реакциясини кўра билишга имкон беради. Кўрасатилган үкитиучи-инноватор сифатлари шаклланиши куйидаги ассоций саволларни тушуниб этишин кўзде тутади. Инновацион фаолият самарадорлиги омилилари қандай? Инновацион дастаннин қандай ишлаб чиқыш мумкин? Янги гоёларни генерироват қилиш методларини қандай кўллаш керак? Янгиликни қасбдошлар, ота-оналар, ўкувчилар, мактаб раҳбарияти қандай кабул қиласди? Инновацион саломхиятини янгилик киритиш самарадорлиги омили сифатида карасак, бу жараён иштирокчилари турли ролларини мувофиқлаштириш, жетирокчилар харакатларига мақсадда мувофиқ таъсир этиши имкониятларни уларнинг роли нұктаси назарларин юзага келиши мөмкіншемини түгри тушунишга боғлик бўлади: ташаббус, қўмаклашиш, қаршилик ёки бефарқлик, маълумки бу саволлар педагогик фанларда маҳсус үрганишмайды, бу талабларда инновацион жараён «қарама-қаршиликларсиз да курашсиз» ваакумда содир бўладиган жараён сифатида таассурот юзага

келтиради. Бу янгиликларни шакллантириш боскичини биз рефлексив инновацион амалиётта амалга оширидик, Рефлексив умумий кўринишда - бу кайта англашдир. Рефлексив мухит яратиш ўқитувчига иисбатан алоҳиде, жуда яхши шароитларни яратишга имкон беради. Унда фақатгина унинг шахсий ва интеллектуал тажрибаси етарли эмас бўлиб, балки мақсадига эришиш йўлида ўзига ҳос тўсик (фақатгина восита эмас) бўлади. Шу билан бирга муаммоли интеллектуал қарама-каршилик сифатида очилади. Маълум билим ва маҳоратлар тўқнашуви кўринишида долзарблашади. Бу инновацион вазият шароитлари хусусиятлари билан педагог ўзига тушунарли харакат усуяларини амалга оширади. Шу билан бирга унда очишида низолар юзага келтирувчи хусусиятлари аникланади. Яъни ўқитувчининг шахс сифатида юзага келган харакат усуяллари билан унга аник бир вазиятда кўрсатилган ҳакиқий талаблар ўртасидаги шахсий хусусиятдаги қарама-каршиликлар. Шундай килиб, муаммонинг меҳнати ҳал этиш жараёнида «мен» ифодаси билан (яъни, интеллектуал ва шахсий иборадаги) янгилик киритиш жараёнининг талаб ҳамда харакатлари ўзига хослиги ўртасида юзага келадиган қарама-каршиликлардан иборат бўлади. Бу қарама-каршиликини мустакил натижада янгилик очишига олиб келади ва бир вактнинг ўзида фикрлашни қайта ташкил этиш, шахснинг фаол қайта шакллантиришдан иборат шахсий ва интеллектуал ривожланиш сифатида содир бўлади. Ижодий фаолиятда янгиликнинг яратилиши шахсда маҳсус янгиликлар найдо бўлишига сабаб бўлади, у ўқитувчи ўзи ҳакиқати тасаввур ўзгаришидан иборат бўлади.

Рефлексив инновацион амалиёт ўқитувчи ижодий имкониятларни ривожлантиришга қаратилиб, бунда педагогик фанда фақатгина янгилик яратиш қобилиятигина эмас, балки ўз-ўзига, ўз меҳнатига, болаларга, ҳар кандай муаммоли вазиятни ҳал этишга ва умуман ҳаётга ўзига ҳос ижодий муносабатда бўлыш тушунилали. Булар ўқитувчи учун мухим ахамиятта эга, чунки замонавий вазиятлар мураккаблиги динатизми ундан одатий мутахассилик кўнинкамлардан ҳоли бўлиш, эркинликни талаб киласди. Шу билан бирга ўқитувчи инновацион фаолиятини кўрсатувчи хусусиятлари бу юзага келган вазиятда максимал равишда эркин бўлиш ва мактабда янгиликни жорий килиниши ўзи белгилай олиш қобилияти хисобланади. Бу боскичда инновацион харакатлар ривожланиш жараёнини биз шундай тасаввур киласми: янгиликларни яратиш ва жорий килишга каршилик килувчи бир хилдаги одатларни «бузиш» ва «қайта тузиш».

Хусусан эски одатларни бузиш уларни йўқ килиб юбориш эмас, чунки улар осонлик билан янгилари билан алмаштирилади. Ушбу боскичда инновацион харакатларни юзага келтириш услугубарига кўйидагилорни киритиш мумкин: полиграф, мунозара, рефлексив инверсия, интервью. С.Н.Масков фикрича, ижодга ўргатиш мумкин эмас, ижодий қобилиятларни юзага келтириш мумкин эмас, худди кандайдир кўнинка ёки билим ва маҳоратлар йиғиғедиси сифатидадир, ижодда чиникканлик, ижодий қобилиятларни тараккijий килиш зарурлигини билдиради. Ана шу тояни биз катта курс талабалари билан рефлексив - инновацион амалиёти мавзусида

кирттидик. Амалиётта методология ва методик мавзуда биргаликда ижод килинши ўйин рефлексив мухит ғоясига таяндик.

Шундай килиб, бошлангич мактабда янги ўкув предмети -- «Хикоя қилиши» ни ишлаб чикаётган ўқитувчилар фикрича, ўкувчиларда мактабгача дарвда шаклана бошлаган оғзаки нутк бошлангич мактабда ёзма нуткка ўтиш манбасы сифатида ва мустакил малака сифатида ривожлантирилиши керак.

«Эврика - ривожланиши» бошлангич мактабининг эркин педагогика синфида бу ерда ўқиётган ҳар бир ўкувчи учун ўқитишни ташкил қилиш Л.Н. Толстойнинг қайта тикланган дарслклари Билан боғлик бўлади.

Толстойнинг ҳар бир дарслиги – бу ўкув матни, яъни шундай мазмунан мураккаблашиб борадиган юир бутунликдан иборат.

Бундай матн муаллиф фикрича, бўлакларга бўлинмаслиги ва кискартилмаслиги керак, бўлмаса у ўзидаги таълимий имкониятларни ўқотади.

Афуски, хозирги вактда «Алифбе» ва «Ўқиши китоби» дан олинган парчалар дарслклар матнидан юлиниб, алоҳида ва тарқок холда чоп этилашти ва бунинг натижасида улар асл максад ва мазмунини ўқотяпти. Муаллифининг фикри бўйича бу матнларнинг бирортаси ҳам тўглланган асар хисобланмайди, улар факат биргаликда бадиийликка олиб борувчи пиллапояларни ташкил этади.

Толстойнинг дарслклари ўкувчини маданиятга ошно қилувчи восита. Уларнинг максади бола кўнглини кўтарниб таълим бериш. Бу эса факатгина ўкувчининг<sup>7</sup> таълим олиш йўлида қўйган ҳар бир қадами бирор натижага олиб келгандагина мумкин бўлади.

Бу ўкув матнларининг умумий хусусиятларини бошлангич мактаб эркин педагогика синфларида ўқишини ташкил этиш учун ҳар бир ўқитувчи томонидан кўлланадиган аниқ мисоллар билан шархлаймиз.

«Азбука»ни Толстой боланинг мустакил ўқишига эҳтиёжидан келиб чикиб тузган. Шу товуш ҳарф кўринишида берилади, яъни бола ўзига таниш ва билишини хоҳлагани билан тўкнашади (ҳарфни белги сифатида ўқитувчи расм, ўйин, тана) ёрдамида тасвирлаб бера олади. Шуниси кизиқки, «Азбука»нинг ўзида ҳар бир ҳарафнинг 1 та эмас, 6 та турли кўриниши келтирилади. (Турли шрифи, катта – кичиги, ёзма - босмаси).

Ёзувда ва китобда ҳарфни таниб олган ўкувчига ўқитувчилар ўкувчи ўқий оладиган ҳарфли материални таклиф киладилар. Булар факат механик ўқишига мўлжалтланган 2 бўғинлидан 5 бўғинли ва айтилиши кийин бўлган ҳарфий бирикмалардир (нутк аппаратегини машқ қилиш учун).

Механик ўқиши боскичидан ўкувчининг нимани ўқиши эмас (у мазмунга эътибор бермайди), балки унинг ўқиётгани мухим бўлади.

Катта (учун бундай ўқиши беҳуда, лекин ўқишини ўрганаётган бола учун самаралидир. Шу ҳам «Азбука»нинг 1-кисмига Толстой томонидан бирорта ган ёки матн киритилмаган, бу боскичда бўғинларни тушиб ўқиши автоматизм даражасига етказилади.

Ҳарфларнинг ихтиёрий бирикмалари орасига ўқитувчи маъно билдирадиган сўзларни кўшади. Бу билим товушнинг ҳарфий бирикмаларда маъно бўлиши мумкинлиги кўрсатилади. Ҳарфий бирикмалар орасила бирдан маъноли сўзларнинг чиқиб колиши болани ўқишига қизикириади.

«Русча ўқиши китоблари» Л.Н.Толстойнинг болалар учун ёзган ва 1872-1875 йилларда чоп этилган асарларидан тузилиган 4 га китобдан иборат. У кўпгина матиларни кайта нашр қилишда ўзгартирган, чунки ижодидаги бу ишга жийдий зўтибор бериб: «китобларига кирган хикоя, масаллар улардан 20 баравар кўпроқ ҳажмдаги асарларидан саралаб олинганд», уларнинг хар бири 10 мартараб кайта ишланган ва мен уларга бошқа «асарларимдан кўра кўпроқ чехнат сарфлагманн» деган эди.

Ингари айтилгандек Толстой ўқишини механик ва аста – секин ўқишига бўлади. Унинг таъбирича: «механик ўқиши – бу ҳарфлардан сўзларни эркин тузини бўлса, аста – секин ўқиши – бу адабий тишлини ўрганишини мақсадини кўяди».

Аста – секин ўқишини Толстой кўйинагича ташкил юлдишини таклиф килади. Болалар аввал доскага ўзлари тузган сўз бирокмаларни ёзадилар, сўнг ўқийдислар, секин аста улар энг содда эртакларини ўқишига ўтадилар. Бундай ўқишида болалар аввал ўқитувчи ёрдамида тушунирсиз сўз ва гапларнинг маъносини аниклаб оладилар, кейин мазмунини тўлиқ ва матнiga якин килиб гапнариб беришга харакат киладилар. Ўкувчиларнинг хикояси қанчалик тўлик ва матнiga ёқимлигига қараб уларнинг хикоя тилини қанчалик тушунганилларини билиб олини мумкин.

Кейинги боскичда Толстой болаларга Карамзин, Пушкин каби муаллифлар асарларини таклиф килади. Мана шу ерда муаммо келиб чиқади: болалар ўзлари ўқиган матнни тушумайдилар, чунки уларнинг шакли болаларга нотаниш. Болалар бундай ахволда чўчиб кетади, аник сўзлаб беролмайди, эслаб қоломайди ва сўзларни иотурди исплатади.

Бу китоблардаги маҳсус ўкув мантлари хозирда ҳам эркин педагогика синфлари ўқитувчилари томонидан дарсда кўлланишиб келянти, чунки бу матнлар кўйидаги хусусиятларга зга:

- Ўринга фактик маъдумотлар, маентикӣ боғланишлар кўйилган;
- матнлар ўқиши ва ўзлаштириш учун кўлай тузилган: қиска абзацларга бўлиш, воқеаларни шундан сўнг, кейин каби сўзлар билан боғлаш;
- сарлавҳада матн мазмунининг тўлиқ акс этиши, хар бир матн жанрининг зикрлаб берилган.
- кўпроқ ҳаљ оғзаки ижоди намуналари – эртак, масал, хикоялардан фойдаланилгани;

Бу санаб ўтилган хусусиятлар ўқитувчиларнинг ўзлари ўқиётган асар тилини осон тушунишларига ёрдам беради.

Буидай матилар билан ишлаш тажрибаси шуну кўрсатдики, 6-7 ёшли болаларнинг хар бир матнни тушунишлари хакикатан ҳам осонлашган: 2-синф ўқувчилари матнни ўқигандан сўнг уни эркин гапириб бера оладилар, бир неча марта ўқигандан сўнг эса, унинг мазмунини мустакил ёзма баён қила оладилар.

«Арифметика» дарслигини тузилидан Толстойнинг мақсади аввало болаларга элементар арифметик билимларни – 4 арифметик амални ўргатишини мақсал килиб олган. Лекин бу элементтар билимларни ўрганиши жараёнида бола математик материал билан ишлашни ҳам ўрганади. (кўшиш ва айриш амалнари катта сонлар устида ўргатилади, чунки катта сонлар билан ишлашда

албатта натижани топиш учун амални бажариш жараёнини билиш керак бўлади).

Толстой «Арифметика»сининг бошқа шундай дарслклардан фарки шундаки, буни ўкувчи катталар ёрдамисиз ўргана олади. Дарслк бола ва арифметика Фани ўртасида воситачи бўлади, чунки Толстойнинг сўзи билан айтганда:

- бу дарслк фанни абстрактлаштирилган, умумлаштирилган билимлар соҳаси сифатида юзага чикаради ва болага арифметик фактлар билан шахсн муносабатда бўлиш имконини беради;

- ўкув материали ўзининг жиддийлиги ва чукурлиги билан бола аклини ишга солади, ундан фикрлашни, тасавур килишни талаб киласди.

Ҳар ким ўзига тажриба тўтилаш ва уни умумлаштириш учун соҳани танлай олади. Эркин педагогика ўқитувчилари математика дарсларида ўкувчини аста – секинлик билан умумлаштиришга яъни тушунча, термин, коидаларни тушунишга олиб келадилар, улар оркали яна янги, бошқа тушунчаларни ўрганишга олиб келади. Ҳар бир кейинги мавзу албатта олдинги материални ўзлаштирганлигини текшириб боради.

Болага осон бўлиши учун Толстой арифметикани ўрганишни боланинг биладиган ва билмайдиган соҳалари чегарасида олиб боради. (бу усулни бунинг ўқитувчиларимиз замонавий мактаб шароитида кўллаш имкониятларини кидирмоқдалар). Бунинг натижасида болада Янги, тушунарсиз билимлар олдиди психологик кўркувни йўкотади.

Масалан, арифметика номерлашдан бошланади. Мактабга келгунча бола сонлар ва уларнинг ёзилиши сифатида болага таниш, у ракамларни хам танийди. Лекин болалар хали сонлар устида амал бажариш, сон ёзуви билан ишлашни билмайди. Шунинг учун Толстойнинг ѝясини давом эттира бориб болага ҳар бир соннинг нимани билдириши, ҳар бир белгининг маъносини очиб бериши керак.

Арифметикада кўлланадиган чўплар ўнли санок системаси тузилиши ва мазмунини ўрганиш астоти деб караш мумкин. Бу асбоб билан тўғри ишлай олган ўкувчи сонларни хосил килиш ва ёзишини ўргана олади. Дарслк билим мустакил ишлаётган ўкувчи сон ва унинг ёзилиши (турли санок системаларда – араб, Рим, славян) орасидаги фаркин энг содла даражада тушуниб олади.

Бунинг таткилотчи – ўкувтувчиларимиз учун Толстойнинг дарслиги турли ўйинлар ташкил килиш учун, дарсла ишни ташкил килиш учун манбабўлади, ўкувчиларнинг арифметик материални эркин ўрганиш конуниятларини тушуниш, текшириш имконини хам беради.

Шундай килиб, Толстойнинг хамма дарслкларида эспирик (содда) умумлаштиришлар мавжуд (ривожлантирувчи таълим системаси дарслкларидаги каби назарий умумлаштиришлар йўқ).

Дарслк муалифи боланинг амалий натижага кизикиши билан натижанинг келиб чикиш жараёнига кизикиши орасида мутаносибликни саклайди.

Шу маънода Лев Толстой педагогикаси «эркин, у катталик ҳиссадан, назариянинг амалиётдан, изланиш усулининг натижасидан». Толстой бўйича

бона гаълим олаётгіб маданият қўниммаларига эга бўлиб боради.

Л. Голетой эркин мактаб хакидаги хатида «билимларни беришнинг З усули» хакида шундай дейди: «Биринчи усули - сўзлар, лекин сўзлар турли тиллардан... Иккинчи усули - пластик санъат, расм чизиш, яссий кўз учун бера олини билими. Учинчи усул - мусика, кўшик куйлаш - ўз хиссиётларининг бера олиш фани».

Бу ерда мактаб фанлари (музика, расм каби) эмас, билимларни бериш усули хакида тақиетаётганини эслатиб ўтамиш. Толстойнинг фикрича сон, сўз, табиат (ўзлик) хакидаги билимларни факат сўз оркали эмас, бошқа усувлар товуш ва харакат оркали хам берин мумкин.

Бу соҳала 64 мактаби йўқитувчиси «Эркин харакат» предмети йўқитувчиси қозик тажриба ишларини олиб бораётпти.

2 – синфнинг ўкув иши охириданги ларсларининг бирда у болаларга баҳорни харакат оркали тасвирлаб беришларини таклиф киради. Лекин ёмғирили совук баҳорни эмас, уйғанайтган, гулаётган баҳорни тасвирлашни сўради.

Ўқитувчи болалардан баҳорнинг келиши кандай содир бўлишини зенапаларини сўради ва ўзи бир марта дарё бўйида кўзлари катта нозик нинчанинг кандай килиб дунёга келаётганини кўрганини айтди ва унинг кандай килиб канотларини роствлагани, титраб, офтобда бирдан елтираб жетгани, тошдек котиб туриб бирдан учуб кўргани, кўшиб, Яна куч тўплаб учуб кетганини тасвирлаб берди.

Шундай бошланган дарс ўкувчиларнинг табиат хакидаги киска этюдлари билан давом этиди. Улар куртакларнинг катталашиб, ёрилаётгани, бариларнинг ёзилишини, гулларнинг кўёшга караб очилишини, гумбакнинг капалакка айланishi, кунжаларнинг тухумдан очиб чикиши каби табиатнинг уйғониниши тўрсаталиган хамма воеаларни тасвирлашга харәкат қўйдилар. Дарслан бўлган ўқитувчилар киска тасвирлардан тортиб бутун бошли хикояларининг гувоҳи бўлдилар.

Ўқнишларни нафзат ўкувчиларнинг харәкатлари, балки уларнинг кураувчанлиги, топкирлиги ва бир - бирларининг харәкатларини хавас, кизиши билан томоша килганлари хам лол қоидиди. «Мен хам буни кўрганман», «мен яна бошқа нарсаларни хам кўргандим» - ўкувчиларнинг суннори катто уларнинг харәкатлари каби татьсирчан бўлолмасди. Болалар харәкати имо - ишора билан сўздан кўра кўпроқнасани кўрсата олдилар.

Албатта бу харәкат эркинилини дарров ўз - ўзилан пайдо бўлмади. Хар дафеда болалар билан ўз хис - туйгуларини керакли харәкат оркали тасвирлаб жеранга ўргатиб борди.

Болаларнинг ўзлигини харәкат, мусика, расм, оҳанг оркали ифодалаш шаконини уларда шу хакка шеърий сатр харәкатини холатни аке этириди.

Дарслла Чайковский, Шопен, Моцарт ва Бетховен мусикалари янграйди, Пулюкин, Лермонтов, Бунин ва Фет шеърлари ўқилади. Болалар дунёни ўз хис - туйгулари, харәкат, фантазия ва мусика оркали ўрганадилар.

Аевал Эркин педагогика ўқитувчиларнинг умумий гоҳси бўлган хамма фикрлар «Эркин харәкат» муаллифлик дастурида ўз аксини тонди. Бу дастур рус тили ва адабиёти, тарих ва табиатшунослик, расм ва мусика дарсларини ўз

ичига олади. Тана, түйфу ва фикр харакати бирлиги болага шундай илхом берадики, у боланинг эркин ракси, шеърлари орқали намоён бўлади.

Демак, Эркин педагогика бошланғич синфларида таълимнинг ташкил этилиши – боланинг турли маданий соҳаларга киришиши, яъни ўзининг аслини топиши, ҳатти - харакатини бошқариш билан ажralиб туради. Маданий ҳатти - харакат асосий шакли оғзаки ва ёзма нутк, ўқиш ва арифметикадир.

Хар бир ўкув фани шундай тузилади, кўникма ва малаканинг мазмуни ва техникаси бола учун асосли ва ишонарли бўлади.

Умуман Л.Н.Толстойнинг эркин педагогика тизимида ўқишни ташкил этиш биринчи навбатда кичик мактаб ёшидаги ўкувчиларда ўқишга бўлган кизикиши ва интилишини ривожлантиришга қаратилади.

Шундай килиб эркин педагогика мактабининг «эврика - ривожланиш» синфида ўқитиши ташкил этиш бўйича назарий ва педагогик материалга кўра шуни айтиш мумкинки, мактабнинг педагогик колективи томонидан ишлаб чиқилган индивидуал таълим йўли ўкувчилар учун асосий ўқитиши усулини танлаш билан ва ўкувчиларда фикрлаш ва тушуниш функцияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш билан боғлик.

## ТАРБИЯ МАҚСАДИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТҮГРИСИДА

Тарбия – бу инсонни ижтимоий тажрибалар билан, унинг барча шаклларида - билим, хис-ҳаяжон, эстетика, одоб-ахлек қоидалари билан танишишириш ва индивиднинг ички ўзига ҳос жихатларини, имкониятлари ва лаёкатларини ривожлантириш бўйича фаолият хисобланади. Мана шу тарбиянинг асосий манбаи - шахслар бўлиб қолади - бу жамият ва индивиднинг ўзидир. Тарбияланадиган шахс максадлари ва қадриялари тизимида индивидуал ва ижтимоийлик нисбатлари муаммоси, тарбия назариясида марказий муаммо хисобланади. Жамият ва шахс бир-бири билан қандай муносабатда бўлади. Шахс жамиятдан ташқарида юзага келмайдиган жонзор хисобланади. Жамият эса шахслардан ташқил толади. У шахслар ўзаро муносабатлари жараёни натижаси ва жараёнидан иборат. Шахссиз жамият йўқ ва демак, жамият уларга боғлик бўлади. Баъзида, шахсни микросоцизи, жамиятни эса макросоцизи деб, атайдилар. Бу билан материя харакатланиши ижтимоий шакли, икки асосий таркибий кисми тўғрисида гап бораётганилигини таъкидлайдилар. Шахс ва жамиятнинг яқин бир-бирига боғликлиги турли томонлардан қаралиши мумкин. Бирок, шахс ва жамият бир нарсани ва бир хилда ўхшаш бўлиши, нимаси билан фарқ қиласди? Унинг фарки ҳажмита алокадор бўладими: кичик шахс - кагта жамият ёки яна бошка мухим фарки борми? - деган саволларга жавоб берни учун ўзаро боғликлик, мана шу доирадан чиқиши мухим. Мана шу ижтимоий субъектлар функцияларининг ўзига хослиги нималардан иборат.

Шахс жамият эмас. У жамиядта пайдо бўлиб, ўзини амалга ошириш жараёнида маданиятини ўзгартиради, баъзан маданияти ривожланишида шунчалик илгарилаб кетадиган ўн йиллар, баъзида ҳатто асрлар давомида жамият хотирасида қолади.

Үнда жамият маданияти- унинг инъомларини мужассам этганлиги сабабли, шахс ижтимоий тажрибани, уни янгича талқин килишда, маънавий ва моддий қиммаликларни яратишда, кайта англашла мустакил автоном бўлиб қолади.

Бундай шахс унинг замондошлиари учун маълум бўлган ёки бегона тажрибани олиб киради, факат вақт ўтиши билан аста-секин жамиятга кириб боради. Булай шахс ўзини жамиятга қарши кўйиши, унга қарши чикиши ва у билан турашишга киришиши мумкин. Жамият бу шахс ёки шахслар тўплами эмас.

Жамият – бу қадриятлар ўз мактабини яратадиган, ўзининг сикилишиб колишига ҳар қандай субъектни хизмат килишга мажбур этишга интигуви, ўзининг мавжудлигини сақлаб колиш учун шахсни ютиб юборишга кодир, ўзини харакатлантирувчи ижтимоий бирликлар. Шу билан бир вактда, жамият инсонлар тўплаган маданиятни сақлаб қолиш ва одамга етказиш усули демаклир. У одамлар тўплами умумийлиги ва уларнинг муносабатлари натижаси ифодаси ҳисобланади.

Шахс ва жамият ижтимоий ҳаётининг иккى асосий субъекти сифатида иштирок этадилар. Ҳатто энг кулагай ижтимоий шароитларда ҳам (ҳатто энг нокулагай ижтимоий шароитларда ҳам), улар бирлашмайдилар ва улар ўргасидаги фарқ камаймайди. маълум шароитларда улар бир-бирларига қарама-қарши туришлари мумкин.

Тарбия- жамиятдаги ҳодиса сифатида- ўсиб келаётган авлоднинг жамият ҳаётида, турмуши, ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти, ижоди ва маънавийлигига иштирок этишин мураккаб қарама-қарши ижтимоий – тарихий жараён ҳисобланади. Уларнинг одам бўлишлари, ривожланишлари, шахсийликлари ва индивидуалликлари, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари мухим элементлари, шахсий баҳтларини яратувчилари бўлиб иштирок этадилар. У ижтимоий тараққиёт ва авлоидар кетма-кетлигини таъминлайди.

Тарбия- ижтимоий ҳодиса сифатида унинг моҳиятини ифода этувчи қўйидаги асосий билгилари билан ифодаланади.

1. Тарбия ўсиб келаётган авлодни ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқариш шароитларига жалб этиш, улар билан эскираётган ва ҳаётдан чиқаётганларини замангириш амалий эҳтиёжидан келиб чиқсан. Натижада, болалар катта бўйодилар, ўз ҳаёллари ва меҳнат кобилиятини йўқотаётган катта авлод ҳаёгини таъминлаядилар.

2. Тарбия – доимий, зарур ва умумий категория. У инсоният жамияти юзага келиши билан бирга найдо бўлади ва жамиятнинг ўзи яшар экан, у ҳам мавжуд. У жамиятнинг мавжудлиги ва доимийлиги, унинг ишлаб чиқарни кучларни тайёрлаш ва инсонни ривожлантиришни таъминлаши мухим воситаси ҳисобланганлиги учун у зарурдир. Унда қонуний ўзаро боғликларни ва бу ҳодисанинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан ўзаро боғликларни акс эттирилди. Тарбия- ўқитишнинг бир кисми сифатида таълимни ҳам ўз ичига олади.

1. Тарбия- ижтимоий –тарихий ривожланини ҳар бир босқичида, ўзининг вазифаси, мазмуни ва шакллари бўйича аниқ тарихий хусусиятга эга бўлади. У жамият ҳаёти хусусияти ва ташкин этишини билан боғлик камдашунинг учун ўз даврининг ижтимоий қарама-қарниликларини акс

эттиради. Синфли жамиятда турли синфлар, катламлар ва гурухларда болаларни тарбиялаш асосий тенденциялари баъзан карама-карши бўлали

2.Ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш – уларнинг ижтимоий тажриба асосий элементларини ўзлаштиришлари хисобига, уларни катта авлод ижтимоий муносабатларга, муносабатлар тизимига ва ижтимоий зарур фаолиятига жалб этишлари жараёни ва натижаси асосида амаога оширилади. Катталар ва болалар ўзаро ижтимоий муносабатлари ва ўзаро алокалари, таъсиrlари хар доим уларни болалар ёки катталар англаб этишларидан катъим назар, тарбиявий ёки тарбияловчи хисобланади. Энг умумий шаклларида бу ўзаро муносабатлар, болалар хаёти, соғлиги ва озуқаланишларини таъминлашга, жамиятда уларнинг ўрнини ва уларнинг рўхий ҳолатини аниклашга қаратилган. Катталар болалар билан ўзларининг тарбиявий муносабатларини англаб этишлари ва болаларда у ёки бу сифатларини шакллантириш максадларини ўз олдиларига кўяр эканлар, уларнинг муносабатлари янада педагогик, англаб этилган мақсадга йўналтирилган тус олади.

Катталарнинг ижтимоий ҳодиса сифатида тарбия хусусиятларини анлаб этишлари асосида, жамиятда болалар ва жамият манфаатлари йўлида тарбиялаш қонунларидан тушунилган ва мақсадга мувофик фойдаоанинг интилиш юзага келади. Катта авлодлар тарбиялаш муносабатларини тажрибаларини умумлаштиришга, уларда намоён бўладиган тенденциялар, алокалар, конунларни ўрганишга, улардан шахсни шакллантириш мақсадларида фойдаланишга онгли равиша мурожаат этадилар. Мана шу асосда педагогика-тарбия конунлари тўгрисидаги ва болалар хаёти ва фаолиятини онгли равиша ҳамда мақсадга мувофик бошқариш мақсадларида, улардан фойдаоаниш тўгрисидаги фаниозага келади.

Шундай килиб, тарбия-ижтимоий ҳодиса-жамият ва индивиднингхаёгини таъминлашусули сифатига зарурдир; У маълум тарзда шаклланган ижтимоий муносабатлар ва жамият хаёт тарзи натижасидаги аник тарихий шароитларда амалга оширилади; уни амалга ошириш асосий мезонлари шахснинг хусусиятлари ва сифатлари хаёт талабларига мос келиши даражаси хисобланади. Тарбия ижтимоий ҳодиса сифатид бутун ижтимоий хаётнинг табиий бир кисми хисобланади. Шунинг учун унинг карама-каршиликлари, ижтимоий хаётининг энг умумий карама-каршиликларининг ифодаси хисобланади. Тарбия акс эттирадиган бундай карама-каршиликлар категорига котиб ва эскириб қолганишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кунлари ривожланишини ортга сурини натижасида юзага келувчи карама-каршиликлар киради. Бу карама-каршиликлар ижтимоий тарбияда, ўсиб келаётган авлодни тайёрлашга консерватив ёнлашишлар мустахкам ўринашиб олиши кўриннишида намоён бўлади. Бизнинг жамиятимизда ижтимоий хаётни ва ишлаб чиқариш кунларини факат давлат мулкчилиги асосида ташкил этилиши ишлаб чиқариш ўсишини ортга суриншга олиб келди. Давлат мулкчилиги ва режалаштирилшини устунлиги ижодий шахс фаоллиги ва ташаббускорлигига кўпинча тўсқинлик килади. Халқ таълими тизимида бу ўзхининг мазмуни, шакли ва методлари канлайдир расмийлаш ҳамда бир хиллиги билан ифодаланади. Тарбиядаги

бонка бир карама-каршилик ҳаёт галаблари ва шахснинг ижтимоий ҳаётга ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёргарлиги даражаси ўртасида юзага келади. Ҳаёт талабларини англаб етиш, мана шу талаблар асосида таобия мазмунини ва ташкил этилишини кўра билиш илмий-техник тараққиёт кескин ривожланишидан ортда колади. Ушбу қарама-каршиликниң чукурлашиб берган сари ўсиб келаётган авлодни замонавий тайёрлашта ҳалакит килювчи «кеплою» ва консерватив холатларни ўз вактида аниглаш ҳамда йўкотиш зарур бўлади. Уни ҳал этиши таълим ва тарбия мазмунини мунгизам ва мос равиша ҳал этишини, таълим ва тарбия методларини ташкил этишини ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган қилишини талаб этади. Мана шу ижтимоий ҳаёт янги шароитлари ва унга болаларни тайёрлаш эскириб колган усуслари ўртасидаги қарама-каршилик хисобланади. Тарбиядаги учинчи қарама-каршилик инсондаги мавжуд табиат кучлари, инсон табиати ривожланиши, унинг чекланмаган имкониятлари ва жамият ижтимоий ҳаётидаги бу ривожланиш чеклови сабаб бўлувчи, дастургаштирувчи шароитлар ўртасида юзага келади.

Эркинликни чекловчи, авторитет жамият истеъодилари суннериади, одамларни бузади, илтифотли мансабдорларга ва бефарқ расмиятиларга, машинага кўшимча, ишлаб чиқарни жараёни бир ортичча сўнмига, ижтимоий ҳаётда тўсикка айлантиради. Демократик жамият моддий-техник баъзасини ривожлантира бориб, турли ижтимоий муносабатларни такомиллаштириб, ҳар бир инсон шахснинг ижтимоий ҳаёт талабларига мос ва унди мавжуд табиий куч, истеъод ва кобилияtlарга нисбатан ривожланиши какикий шароитларини яратади.

Тарбиянинг тўртичи қарама-каршилиги- боланинг фаол-фаолияти табиати унинг ижтимоий ҳаётда, турли муносабатларда, муомолаларда ынтироқ этишга итилиши ва ҳаёт жараённида амалий, какикий иштирок этиш учун тажриба, билиmlари, маоака ва кўнникмалари этиш маслиги ва унинг табиий ҳамда ижтимоий стук эмаслиги ўртасида кузатилади. Ушбу қарама-каршилик болалар учун идрок этишга, тарбия жараённида фаол иштирок этишга какикий ҳаракатлантирувчи куч, тағбат хисобланади. У болани факат тарбиявий ўзаро муносабатлар обьекти сифатида эмас, бошқа субъекти сифатида ҳам ижтимоий ҳаётда иштирок этишга таълим - тарбиявий тайёрлашта сабаб бўлади.

## ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙЛАШТИРИШ ЎРНИ ТЎГРИСИДА

Тарбия тизимининг ривожланиши унинг жараённинг ривожланишида акс этирилади- ижтимоийлаштириш, ўзини тарбиялаш ва қасбий таъсир кўрсатиш. Бу жараёнлар учта асосий субъектлар шахси билан шакллантирувчи- жамият, видивидларни ўзи ва педагогнинг био обьект билан ўзаро муносабатлари давомида амалга оширилади.

Жамият тўғрисида тўхталиб ўтамиз. «Ижтимоийлаштириш» тушунчаси тарбия назариясида жуда кенг фойдаоанилади. Тадқиқотчилар унинг кадриятли кўрсатмалари ва тарбиялаш тамойилларига караб тушунтирадилар. Ҳатто, мезонум анъаналар юзага келган, катта илмий материал тўплансан. Социологик

ва психологик адабиётларда ижтимоийлаштириш жуда фаол тахлил қилинади. Шу билан бирга ижтимоий ҳаётда жамият ва шахс ролини талқин килиш албатта, қарама-карши бўлган ижтимоийлаштириш концепциясини шаклланishiга олиб келади. Қаттиқ ижтимоийлаштириш деб, агалувчи концепция тарафдорлари, функционал мактаб вакиллари бу жараённи шахсни ижтимоий тизимга тўла жалб этиш сифатида белгилайди.

Социология – ижтимоийлаштиришни тахлил қилишда, «мосланиш», «кулайлик», «төнглик» мувозанати тушунчаларига таяниди.

Уларнинг тадқиқотларидаги асосий вазифа – индивидларни ижтимоий мухитга мослаштириш хисобланади.

Бу концепцияга «янги инсонпарварлаштириш» тарафдорлари каршилар. Улар ижтимоийлаштиришда ўз кобилияtlари ва лаёкатларини яратувчи шахсни ҳамда шахснинг ўзини амалга сишириши ва ўзини намоён этишига тўскинилик килаётган элементларни танқидий енгишни кўрадилар.

Бирор, биринчи ҳолатда, маълум тарзда ишлаб чикилган мухитга таъсир кўрсатиш тўғрисида гап юритилётган бўлса, иккинчи ҳолатда, «ижтимоийлаштириш ва шахс» тушунчаларини тўла адаштириш содир бўлмокда. Таълим тизимидағи ижтимоийлаштириш деярли чиқариб ташлашга, унинг ўзини тарбиялаш билан алмаштиришга, тарбиячи қасбийлиги эса шаклланётган шахснинг мустақиллигини таъминлаш вазифасини юқлатишига ҳаракат килинмоқда. Биринчи нуктаи-назар ижтимоий ҳаёт тараккий этан асослариникайта ишлаб чиқиши муаммосига эътиборни кучайтиради, иккинчиси эса маданий ижодкорлик шахс ижодий қобилияtlарига эркинлик беришига.

Маълумки, бу иккى қарама-карши нуктаи-назарлардан бирортаси ҳам амалий ҳолларда тарбия амалиётини такомиллаштиришга олиб келмайди. Тўғри, шахс ички дунёсини ижтимоий манфаатлар билан тўла боғлаб кўйинши йўл кўйиш мумкин эмас. Лекин бари-бир жамият инсонга таъсир кўрсатади ва таъсир кўрсатишни хисобга олмай бўлмайди. Ижтимоийлаштириш- мухит жамиятнинг шахсга таъсири демакдир. Шу билан бирга таъсир кўрсатиш, бу ҳам етарли бўлмаса ҳам шахснинг ташкил топицида жуда зарур хисобланади.

Жамият – «умуман, алоҳида куч- ўзига хос инсоний муносабатлар ва ўзаро алокалардир. Бу нарсалар бўлмаса, одам ҳам барибир мухитга жуда мослаша оладиган хайвонлигича қолади ».

Муомолалар давомида юзага келадиган инсонлар муносабатлари- мана шу жамият демакдир.

Биз ижтимоийлаштириш тўғрисида гапирап эканмиз, одам ҳам, гурух ҳам, биомухит, космос ҳам инсон кўзига кўриниб ва унинг қалбida ако этиб максадга мувофиқ бўлмаса ҳам, маҳсус эмас фактат тасодифий (кўриниш бўйича, моҳияти бўйича эса мукаррар ва конуний)инсонга таъсир кўрсатиб шахсни шакллантиради. Ҳакикатда кўзга кўринмас таъсир кўрсатиш, назорат қилиб бўлмайдиган жараён. Мухитнинг у ёки бу элементлари қачон, қандай кетма-кетликда, қандай нисбатларда шахс билан муносабатларга киришишини билиб бўлмайди. Ҳатто уларнинг ҳар бирини аниқлаши ҳам мумкин эмас. Бирор мухит шахс учун шаклланниб бўлган дунёкарашигаёд бўлган фаолият шароитлари ва тамойилларинимажбур килишда, қувончни хис этиши кийин

тұнади. Агарда дүнёқараashi шаклланмаган бұлса, унда ҳам одамдан нокулай мұхит таєсиридан қониқиши талаб килип бўлмайди. Одам ўзи ўз ҳәётини ташкил этади, у нима килини кераклигини ўзи ташлади: дунёга қараб курсанд бўнади, агаода унда ўз ҳәётини кўрса. Бирок тақдир шахсан ташлан имкониятини чегаралайди. У бўшқалар томонидан амалга оширилган, аввалги таъзод ташлаған мавжуд вазиятни одам олдинга кўяди, у билан баҳсланиб сўйдмайди. Уни мерос каби, шахсий турмушининг бир қисми ёки асосий сифатида қабул килини керак ва мана шу тажжрибага хурмат билан муносабатда бўлиши керак. Мұхит ўзида инсонга монанд ахборотларни етказади, шахс юзага келини гўғрисида маълумотлар беради, шу билан бирга бу ахборотларни инсонга мажбурламайди. Хоҳловчилар уни ўзлаштириши мүмкін. Шунда унинг ҳәёти тақдирга карши бўлиб қолмайди, тақдирни ривожланшишига тўсиқ бўлмайди. Унинг дунёга муносабати- кувончили ёки амалий шаклда бўлмасин-мазмуни бўйича анча чукур бўлади.

Шунинг учун жамият гўёки табиий равишда болага ўзининг яхши томонини намёби этишига, унга «кулиб боқишига» ҳаракат килади. мана шу ҳәётга кириб келаётган инсонга, ўзига ҳос муносиб муносабат фактат бегараз эмас, балки жамиятнинг ғамхўрлиги ҳамдир. У энг тўғри асрлар давомидан шаклланган тамойиллаштириши йўлидир. Факаттина мана шу нарса шахснинг таъбассум килишига олиб келиши мумкин. Индивидни мухитга жалб этиб, иъсонни кенг жамоа ва ҳодисалар билан муносабатларда бўлиши имкониятини таълим этишида, уларнинг жавоблари шахс учун баҳолаш шахсий мезонитнг меҳнат ҷиҳозида асосий меъёр бўлиб колади-мана шунга ижтимоийлаштириш дейилади. У қасбий тарбиявий фаолиятдан ҳам иборат эмас, балки нисбатан мустакил жараён хисобланади, шахсга роль ўйинини «қийинлаштириши» алоҳида вазифасини бажаради. Мана шусиз, у англаб стилмаган бўлиб, жамнагатда яккаланиб колади. Шахс маданиятни яратувчиси, мухитнинг томири-иҳодай шахсни яратишила зарур шарт. Ва ижтимоийлаштириш жараёнини мустакиллигини тан олиш, бу жараённи инсонпарварлаштириши йўналишини таъсимилаштиришдаги ҳар қандай ўринишлардан воз кечишини англатмайди. Инесонпарвар бўлмаган, янги шахснинг фаоллиги сабабсиз бостирилиши, инсонидининг лаёкати, инглишиларни хисобга олинмай ижтимоий вазифаларни мажбурларни содир бўладиган инсонга мухитгиниг таъсир кўрсатиши билан ижтимоийлаштиришга йўл кўйиб бўлмайди. Ижтимоийлаштириш- бу шаклананётган шахснинг ва унинг келажак мумкинбўлган шаклини белгиловчи бирликнинг ўзаро алокалари жараёнидир. «Инесонпарварлаштириши» туниунчаси кўбичча маънавийлаштириш доирасига тааллукли деб тушунилади.

Хозирги кунда бу кенг кўзланиладиган тушунча, умумий йўналиш ажамиятнiga зга. Инсонпарварлаштириш асосий вазифа сифатида қаралмоқда, уни даҳ этмай турib ижтимоий тараккёт тўгрисида гапириш мумкин эмас. Инесонпарварлик – бу инсон қандай бўлиши, унинг моҳияти қандайлиги тўгрисида ўйлаш ва ғамхўрликдир. Бу ўзини anglashdir, ва шу билан бир вакти, мавжудликни химоя килишdir. Шахснинг кимматини тасдиқлаш, шахсни факаттинга восита сифатида қараша ҳар қандай уришишларни таъжийсизлиги ифодасидir. Шундан сўнг инсонпарварлик шахсни ижтимоий

шахс сифатида карашни кўзда тутади. Ижтимоий ҳётда субъектни баркарорлигини таъминлаш механизмини шакллантириши- бу ғоя хисобланади. Ҳар кандай ижтимоий гурух, каттами ё кичикми, ҳамда шахс ва жамият озми кўлми шаклланган ўз гоясини пайдо қиласди. Ғоя объектив бўлмаган дунё кўринишини эмас, балки ғоя етказувчи сакланиб колиши таъминланадиган доирада дунёга караш тизимини ишлаб чикишга йўналтирилган. Албатта, ғоя чукур ривожлантирилган бўлса, агар субъектнинг бошқа субъектлар билан алоқаси хисобга олинган бўлса, унда бундай объектив онг ижтимоий ривожланиши умумий тенденциясига ҳам қарама-каршилик қиласди, ҳатто деярли мос келиши мумкин. Лекин у билан ҳеч қачон батамом бирдай бўла олмайди, чунки жамият ва унинг алоҳида субъекти ўхшаш, бундай бўла олмайди.

Гоясиз – марказга интилган йўналиш субъектнинг мана шу билимлар тизимисиз- ижтимоий фикр умуман мавжуд бўлмайди, улар марказга интилган кучларни энтропия кучларини, субъектнинг бузилишини сенгиш воситалари хисобланади. Гоялар доирасида асосий ижтимоий кадриятлар тўғрисидаги билим юзага келади, ишлаб чикилади. Бу билимлар маънавий маданият шаклланиши учун асос бўлиб колади, унинг ёрдамида ғоя доирасида мавжуд кадриятлар учун хос бўлган эгоистик акцент йўқотилади, инсонпарварлаштириш тўғрисида тасаввурлар шакллантирилади.

## ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТИЗИМ

Ижтимоийлаштириш таъсири ва ўзини тарбиялаш одатда яна бир жарабига – шахсни тарбиялаш деб аталган, яъни педагогнинг қасбий фаолияти билан боғлиқдир. Ушибу фаолиятнинг моҳияти – ижтимоийлаштириш ва ва ўзини тарбиялаш жараёнларини бошқаришдан иборат. Ҳакикатан ҳам, сиёсий ва педагогик жараёнларда ўз шашликлар кўп. Уларнинг иккиси ҳам кўплаб сонли омилларга жуда боғлиқ. Сиёсатни "имкониятлар санъати" каби тушунчаси педагогикага ҳам мос келади. Кўпинча бундай имконият ҳажми билиб туриб ошириб юборилади, баъзан, аксинча, камайтирилади. Баъзан инсоният ҳамжамияти маънавий ҳаёти юксак обрули одамлари гўё "тарбия тўғрисидаги масалани бекор киладилар" масалан Л. Н. Толстой шундай ёзди: "тарбия, биз ўқитиш, тарбиялашни хоҳламас эканмиз, муракқаб ва кийинлигича колади. Агарда бошқаларни биз фактат ўзимиз оркали тарбиялашимиз мумкинлигини тушуниб олсак, унда тарбия масаласи йўқолади ва ҳаёт тўғрисидаги масала колади: ўзим кандай яшашим керак! (Толстой Л.Н., асарлар тўплами, 22 том), 1984 й. 19т. 346 бет).

Бундай тарбия тўғрисидаги масала шунга қарамай колади. Ҳатто "ўзимиз кандай яшашимиз керак!"- деган савонни хис этишга эътиборни жалб этни ҳам, биз бошқа саволлардан холи бўлмаймиз: " одамлар орасида кандай яшаш керак!", "ўз ҳаёт талабларини унга ҳаёт талаблари билан мос келиши қобилиятига қандай килиб эга бўлиш мумкин?" охирги савонни ҳатт этганда, одам (биринчи навбатда бола, лекин баъзизда катталар ҳам) ички ва ташки гаъсирни тизимлаштириш, уларга мос равишда жавоб кайтариб, шахс

шакланишини тушуниб ва боғлашга ёрдам берувчи педагог, ўқитувчи томонидан тушуниладилар.

Үкитувчига замонавий талаблар, асодан уч олий вазифаларни камраб олади;

- ## 1. Фан бүйича.

- ## 2. Педагогик.

3.Олдиндан берилган самара билан мос равища ўқиш жараёнини лойихалаштира билиши малакаларига эга бўлиш шартидан иборат.

Ушбу вазиятда ўқитувчи ҳакида гап боради. Агарда тарбиячи ўқитиш бўйича уй вазифаларини бажара олмайди деб, хисобласак, унга камроқ таъсиллар кўйиши керак. Лекин шу ерда бир гапни айтиб ўтиш керак. Боланинг эклий ривожланиши асоси бўлиб хизмат килувчи, унинг жисмоний ривожланиши шартлари билан таниш бўлмаган аёл, аник ва тўғри харакат кила олмайди- деб, ёзди Геткин. – ўқитиш техник методларини билмаган аёл, боланинг ўн марта ўз онаси бўлса ҳам (хатто шундай мумкин бўлмаган холатда ҳам) ҳакикий инсонни тарбиялай олмайди, бола тарбиясини унега ишониб бўлмайди.

"Шундай килип, Елара Ёткін нұктаси назаридан она қанчалық мәхрибон, өзіннен севадиган жағдайда севимли одам бўлмасин "ўқитиш техник методларини" билмас экан, бола тарбияси жараёндан четлаштирилиши керак. Бу нұктаси назарда, касбий тайёргарликни талааб этувчи жуда муҳим иш сифатида гарбия масаласига каралмокда. Тарбиячи бу ерда яққол ўқитиш вазифасин хам бажаради.

## Қасбий тарбиячи зарурми?

Албатта, чуниң мураккаб тизим-тарбиялаш тизими фаолияти түгрисида гап бермөнда, у тизим тураи субъектлари ҳаракатларига раҳбарлик килиши ва башкариши керак.

Тарбиячи инсон хаётда бахти болалик ролини тушуның индивиддин шаңпандырыш жарайнини маданиятта, ижтимоий хаёт қарама-каршиларыга ва билимге йұналтирилиши керак. Натижада, бола ва хаёт иттифокига янада көнт ва чүкүр бўлишга ёрдам бериб, бу иттифокнинг бузилмаслиги мақсадини кўзиш керак. Инсон ривожланиши жарайнини максимал эволюцион, минимал инсирозли килиш-педагогнинг санъати мана шундан иборат.

Демак, гап санъат ҳакида борар экан, касбий куруқ асоси моделига кўзга кўринимас "кўшимчалари", интуиция диккаги каратилганлик, сезгирилик скемасини яширувчи кучга ташланади. Биз расмийлаштирилмайдиган кукиятаримиз педагогни энг мукаммал тайёрлаш ҳеч нарсага арзимайди. Балки олунинг учун ҳам "зааретказиб кўйма" бирлиги педагог тамоилига амал килиши керак бўлган педагогни ўрнини боса олмаса керак. Шакланаётган ишахе олийда маълум мажбуриятларга эга бўлиб касбий тарбиячи жамият олийни ҳам шундай масъулиятга эга бўладижамият асосан ўзининг янги ишхонни ўсиши жараёнини таъминлайди, шунинг учун у янги азоси ишхоний, муносабатларинга кодир, юзага келган муносабатлар тузилишида ошган одигига ва кераклича ривожлана олишга тайёр бўлишига ишонишига оғирдид.

Түрлүү миллүү маданияттар доирасыда педагогика аңынавий равищда факат

жамият олдида ва аксинча, фақат шахс олдида анча масъулиятироқ сифатида тушунилиши мумкин. Ҳакикатда эса, касбий, яъни педагогик таъсир кўрсатишнинг такомиллаштирилиши факаттина иккала манбаатдор тарафлар талаб ва эҳтиёжларига йўналтиришда амалга ошириш мумкин. Муносабатлар максадлари қанчалик таъсирчан бўлмасин, педагог улар билан ўз ишида тарбияланувчи қизиқишилари ҳукуки эркинлигини поймол қилишини оклаб бўлмайди. Педагогик таъсир кўрсатиш максади- жамият манбаатларини максимал хисобга олиб, шахснинг максимал мумкин бўлган ривожланишини таъминлашдан иборат жамият томонидан, агарда ҳозирги даврда ижодий индивидуалликка эҳтиёж сезилса, унда педагогнинг вазифаси осонлашади, чунки ушбу ҳолатда ижтимоийлаштириш ва педагогик таъсир кўрсатиш жараёни бир йўналишида боради. Жамият шахс кобилиятларини чекламайдиган, унинг ўсишига тўсик бўладиган бундай вазиятни куриш зарур бўлади. Бундай вазият мувофиқли педагогик жараённинг мажбурий шарти хисобланади. Шахснинг ривожланиши энг эрта боскичларида жамият эҳтиёжларига унинг муносабати шаклана бошлади. Бу муносабат тарбияланувчининг биринчи педагоглари- ота-оналарининг ортиқча эътиборликклари сабабли эгоистик кўриниши олиши мумкин.

Кўпчилик ота-оналар ўз болаларининг барча талабларини бажаришга харакат киладилар ва тўла конли ҳаётга тайёрлаш – асосий йўли мана шундан иборат деб хисоблайдилар. Бундай тарбиячилар жамият олдидағи ўз масъулияtlари тўғрисидаги тасаввурларини йўқотадилар. Баъзан бу ҳолат ҳаттоқи англаб етишган бўлса ҳам, болага меҳр кўйган тарбиячиларни хавотирга солмайди, улар фактат ўз вазифаларини фактат бир ёклама тушунадилар- овкат яна овкат бериш ва яна бериш. Бироқ тарбиячининг жамиятга нисбатан масъулиятызлиги охир-окибат тарбияланувчининг ҳалокатига олиб келади, чунки ўзини амалга оширишга кам мослашган исътемолчини яратади, шундай килиб у тўла ҳаётга тайёр бўлмайди.

Шундай килиб, касбий тарбиячи шахс олдида ҳам ва жамият олдида ҳам жавобигар хисобланади. Бу мажбуриятларини бузгандан, тарбиячи ижтимоний ҳаёт бузилиши ва шахснинг инкиrozига сабаб бўлади.

Инсон психикаси асоси деб, ҳақли равишида хисобланувчи одамнинг мустакил ва оқилона харакатларни амалга оширишга кобилияти ижтимоний мухитда жуда кўп сонли омилилар билан шакллантирилади. Шунинг учун у хеч качон фактат касбий тарбиявий таъсир кўрсатиш натижаси сифатида каралиши мумкин эмас. Педагогнинг касбийизми ўзи устида мустакил ишлапшида тарбияланувчининг эҳтиёжларини эътиборсиз колдирмай, боланинг юзаки мос бўлмаган таъсирлардан химоя килиб ва зеҳнини эътиборли ривожлантира бориб, тарбияланувчилар билан муносабатларда мейёрини топишни белгилашда ифодаланади.

Пистолици инсонийлик мөхияти ички йўналганлик ва фактат харакат килиши эмас, балки харакат кильмаслик эркинлиги бўлмаганда нормал амалга оширилиши мумкин эмас деб айтади. Фалсафий нуктаи-назардан бу тушунарли: харакат ўз қарама-каршилигидаги ҳолатда ўз ўлчамини топади. Социологияда эса маданият тушунчаси оркали ижтимоний харакат ўлчамини акс

Этегради. Шахс муносабати ва таҳлил бир-бири билан боғлиқ бўлган боскичлар орқали ривожланади. Бола атрофидагилардан узоклашишга эҳтиёж хис этадиган давр ўз тарбияланувчисини чиндан яхши кўрадиган тарбиячилар томонидан баъзан тушуниб етилмайди. Бундай ҳолатда гап кўпчилик хеч ham тарбияни такомиллашишга ёрдам бермайди. Баъзила эса меҳрибон педагог ўз тарбияланувчилари билан муносабатларга доимий тайёргарлиги билан одатда факат жисмоний эмас, балки англаб етилмаган интеллектуал, эмоционал тинчликка эҳтиёжи қониктирилмаганлиги сабабли юзага келувчи уларда норозилик хиссини келтириб чиқаради. Ўқитувчини хам, ўкувчини хам ўз ишндан кўнгли колишидан саклаш учун тарбияни бутун хаёти давомида фактат жаёбий вазифасига қаратилмаслиги керак. Тарбияланувчига педагог билан муносабатлардан тинчлик, дам олиш зарур бўлса ўқитувчи шахсининг нормаси ривожланиши учун унга хам худди шу керак. Педагогик меҳнат мазмунини аниқлашда биз педагог-бу муносабат жараённи шаклланётган шахс ва жамият, ижтимоийлашиши ва ўзини тарбиялаш жараёни ўргасида низоларга йўл кўймаслик максадини кўюнни одамдир, деган фикрдан келиб чиқдик. Педагогик фаолият ривожлана боргандар сари мана шу мақсадга эришини кўплаб веоситалари ишлаб чиқилган. Аста-секинлик билан улар жамланади, ягона касбий фаолият ичидаги иккита фаолият турини ташкил киласди:

1. бир томондан ривожлантирувчи ва;

2. мувофиқлантирувчи, тартибга келтирувчи, бир тизимга солувчи.

Чунки ривожлантирувчи фаолият касбий-тарбиявий фаолият юкорида айтилган максадини бажаришга бевосита йўналтирилмаган. Бу тарбия муаммосини ўрганинучи кўплаб тадқиқотчилар тарбиялаш сўзининг "асл мазмунида" ўқитинига киритилмасликларига олиб келади. Бироқ, бундан бошقا нуктаиназар хам мавжуд. Бу нуктаиназар ўқитишни, ривожлантирувчи фаолиятнинг этиబути сифатида қарайди. Бола туғилгандан бошлаб кисман потенциал, кисман актуаллаштирилган шахс хисобланади. Туғилган болага нисбатан жамият маълум хусусиятдаги талаб ишлаб чиқади. Лекин, жамият бола билан ўзаро муносабатларга киришади, жамиядада ушбу индивидга у катта бўлганида кўйиладиган талаблар, эҳтиёжлар мураккаб занжирини шахс ва жамият муносабатлари "диспетчери" педагог эсдан чиқармаслиги керак. Тўғри ўзаро муносабатларга шахсни тайёрлар экан, педагог уни ривожлантирмаслиги мумкин эмас ва тўплаётган билимларини тизимлаштиришга ёрдам бермаслиги мумкин эмас. Факат ривожлантириш- ўқитиши ёки уйғунлаштириши, инсонпарварликка мос, ижтимоий коидаларга йўналтирилган касбий тарбия ортда колиши ва бутун касбий фаолият мувафақиятсизликка учраши мумкин.

Тарбияни ўқитишдан алоҳида караб, биз бу жараённи фактат канаканги бўймасин, мустакилликдан эмас, балки мавжуд субъектдан хам маҳрум этамиш. Қайси педагог тарбияланувчини ривожлантиримай, билимларини бойитмай, яъни уни ўқитмай дарс бериши, коида. мейёр, сифат хакида тасаввур бериши мумкин.

Замонавий дунёда ўзини таълимсиз жамиядада тенг хуқуқли давъогар деб хис этиши кийин. Шу билан бир вактда илмиллик – бу англаб етиладиган

"яширин (патент)" билимларига асосланган шахснинг ҳолати. Бирок, ўқитишиниз жамиятда шахс ўзаро муносабатларини самарали йўлга кўйиш мумкин эмас, деган фикрни тўғри деб хисоблаб, биз уни аниклаб олишимиз керак: "касбий педагогиинг фаолияти табий бир қисми. элементи сифатида ўқитиш қандай бўлиши керак?" ривожланиши таълим, билимлар етказиш жараёни сифатида ўқитиш жамият билан алокалар ўрнатиш жараёнинг, ижтимоий ҳоидаларни ўзлаштириш ва ижтимоий-маънавий ишончларини шакултантириш жараёнинг нисбатан қарама-карши бўлмаслиги керак.

Ўқитиш – бу тарбиянинг муҳим бир қисми. Бундан икки минг йил аввалроқ, Платон тарбияловчи таълими тўғрисида фикр юритган. Ўқитишининг чегарадан чикиб кетган "тарбиявийлиги" кўпинча унинг ахборотлар етказиш имкониятларини пасайишига, ортиқча насиҳатгўйлик гоявийликка олиб келади. Таълим тарбиядан ажralишидир, лекин тарбия доирасида ривожлантириши, билимлар, тасаввурлар, кўнікмалар бериш вазифасини бажариши керак. Мечан шу ўйналишда муаммолар кўп.

## ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИЯЛАР

Мактабда инновациялар масаласини муҳокама этганда, тарбия тизимларида инновациялар ташкил топиши тўғрисидаги масалаларни ганириб ўтмай бўлмайди. Лекин бунинг учун аввал, тарбиявий тизимнинг ички тушунчасини киритамиз. Шундан кейин тарбиявий тиҳзимни фалсафий за технологик жихатларда кўриб чикишла, инновациялар юзага келишини ўрганамиз.

Шундай килиб, педагогикада "тарбия" категориясининг бир вактда, бир неча тушунчалари мавжуд тарбияни ўрганаётган авлодга тарбияни энг муҳим ижтимоий тажрибаларни етказиш бўйича маҳсус ташкил этилган жараён сифатида тушуниш, энг кенг тарқалган тушунчалардан хисобланади( 17: 87). Шундан келиб чикиб, ҳар қандай тарбия жараёнининг асоси, ҳакикатда, ўқитиш хисобланали, деган хulosага келиш тўғри бўлади. Ушбу ҳолатда тарбия жараёни дидактик воситалар билан кўрина бошлайди. Тарбия тизимининг тушунчаси ўзи эса- ўзининг автономилиги ва кўриб чикиш ўзлига хослигини йўкотади0020ва дидактика ичига "тортиб киритилган" бўлиб колади.

Тарбия жараёни ўзининг ўзига хослигини "саклаб колиш" учун "тарбия", тарбия... тарбия!" биргаликдаги монография муаллифлари В.А.Караковский, Новикова, Селиванова каби машҳур эстониялик педагог ва психолог Ӯ.Ӯ.Ёймете таклиф этган унинг бошқа тушунчасидан фойдаланадилар. Агарда тарбия жараёнини " Ёймете бўйича" карайдиган бўлсак, унда тарбия тизими дидактикандан иборат бўлмайди.балки бир томондан психолого-педагогик, бошқа томондан эса- ижтимоий-педагогик тизимдан иборат бўлади.

Бу ўз навбатида тарбия тизими ўкувчиларга факат дидактик сифатида эмас, (ўқитувчилик, дарслар, дарслеклар, уй вазифалари оркали), балки ижтимоий омил сифатида ҳам болаларнинг атроф-муҳитга жалб этилишларини оркали ҳам таъсир кўрсатади; Ота-оналар, ўқитувчилар ва болалар ўртасида юзага келадиган муносабаглар оркали; албатта, ҳар бир

таълим муассасаларида ташкил топадиган мазлум психологик мухит орқали таъсир кўрсатади.

«Дидактик тизим» тушунчаси педагогикада анча қадимдан шаклланган. Мактабнинг дидактик тизими таълим максадлари, ўқиш мазмуну, уни ташкил этишнинг метод ва шакллари орқали ифодаланади. Албатта, тарбиявий максадлар ўрганилаётган материал мазмуну, уни етказиш шакли ва методлари, ҳамда шу кабиларни белгилаш орқали ўқитиш жараёнида ҳам амалга оширилади. Лекин тарбиянинг иккинчи тушунчаси мантиқида дидактик тизим - ўзитарбиявий тизимининг – дидактик тизимида иштирок этади, яъни унинг тизими ҳисобланади.

Таълим муассасининг тарбиявий вазифаси биринчи навбатда, ўкувчиларда, ўзини шу дунёда англаб етиш, бошқалар орасида ўз ўрнини топиш билан дунёга, маданиятга, атроф-мухитга қадриятларни шакллантиришдан иборат. Лекин мана шу вазифани факат ўқитиш жараёнида амалга ошириб бўлмайди: у индивидуал манфаатларини қондириш билан боғлик дам олиш доирасидаги ўйин, меҳнат, ижодий фаолияти билан ҳам боғлик. Шундай килиб, хусусан тарбия гизими инновацияларини ўрганиш имконияти пайдо бўлади. Уни эратиш ва ривожлантириш жараёнида, ҳар гал катор аниқ масалаларни ҳал этиш керак бўлади: юкорида номлари келтирилган муаллифлар уларнинг бештасини алоҳида ургу билан кўрсатадилар:

1. Болаларда дунёнинг яхлит ва илмий асосланган кўринишини шакллантириш.
2. Фуқаролик ўзини англашни, ватани тақдирни учун жавобгарликни шакллантириш.
3. Болаларни умуминсоний қадриятларга жалб этиш, улар орасида мана шу қадриятларга мос бўлган хулкни шакллантириш.
4. Ўсиб келаётган кедлажак авлодда, шахс хусусиятлари сифатида преспективликни, "ижодкорликни" шакллантириш.
5. Ўз-ўзини англашни шакллантириш, ўзини амалга оширишда болага ёрдам кўрсатиш.

Албатта, бу масалалар рўйхатини давом эттириш мумкин. Лекин ҳар қандай холатда ҳам, мана шу вазифаларнинг ўзи юкорида санаб ўтилган тарбиялаш вазифаларининг "алоҳидалитики" кўрсатади.

Юкорида баён этилган дидактик карашлар турли жиҳатларида инновациялар юзага келиши ва шаклланиши имкониятларини чукур мухокама қилини каби, ушбу масала тарбия тизимини фалсафий ва технologик жиҳатларда, кўриб чиқиша тарбиявий инновацияларни кўйлаб ўрганамиз.

Тарбия тизимини кўриб чиқиша фалсафий жиҳати-тарбиянинг мазмун-максадларини асослашни, уни конкретлаштириш ва тарбиянинг керакли мазмуни билан алокасини асослаб беришни кўзда тутали. Биз аввал ўйтганимиздек, бутунги кун карашлари остида, тарбия тизимида иккича-турлича сўйлган концептуал (кўп жиҳатдан қарама-қарши) ёндашишлар мавжуд.

Биринчи ёндашиш тарбия – бу ўзига хос мазмунга эга бўлган (фалсафий-педагогик, гоявий, психолого-педагогик, маънавий ва бошқа) бола шахсига ижтимоий белгиланган ва максадга мувофиқ таъсир кўрсатишта асосланади.

Бундай тарбия маълум шаклларда (фронтал, гурухли, индивидуал) ва маълум методлар билан амалга оширилади.

"Тарбия таъсир кўрсатиш сифатида" мана шу парадигмасида педагог барча чоралар билан самарали тарбиявий таъсир кўрсатишга эрнишиши керак. У (педагог) ўзи ихтиёrsиз, болалар ва ота-оналар тенг кимматли иштирокисизмана шу тизимда асосий субъект бўлиб колади, чунки болалар ва "олиб борувчилар" ролида иштирок этадилар. Ва, албатта, тарбияда тенг хукукли шерик хисобланмайлилар. Бу ерда бола "тарбия предмети" сифатида иштирок этади ва боланинг фаоллиги сифатида субъективлик тўғрисидаги мурожаат харгал "кераклигини фаол ўзлаштириш" ёки адаптив фаоллик деб аталувчи хусусиятга эга бўлади.

Бу ёндашиб биз илгари келтириб чиқарган ижтимоийлаштириш категорияси билан тўғридан-тўғри боғлик, бунда биз тарихий ишлаб чиқиylган ижтимоий коидалар, кадриятлар, муносабатлар, маънавий ва модний маданият билан муносабат усулларини, инсон томонидан ўзлаштирилини жараёнини тушунамиз. Умумий кабул қилинган тип асосида айтадиган бўлса-болани тарбиялаш (мана шу тушунтирилишда) -уни катталар дунёсига олиб кириш, уни умумий конунулар бўйича "бирга каби" яшашга ўргатиш демакдир.

Шундай килиб, ижтимоийлаштириш инсоннинг "адаптив фаоллик" кобилиятига эга бўлишни кўзда тутади ва мақсадга мувофик жараёнлар (ўқитиши ва тарбиялаш), мактабгача, мактаб, маҳсус қасб-хунар муассасаларида хамда тасодифий омиллар (оила, оммавий ахборот воситалари, санъат билан мулокат килиши) таъсири остида амалга оширилади.

Бу таъсир кўрсатиш тарбия тизими (ёки ижтимоийлаштириш) инсонпарварликка зид каби баҳоланиши мумкин эмас, чунки у албатта, авторитет воситалар билан амалга оширилиши шарт эмас.унда ўқигувчи ва болалар ўргасида,инсонпарварлик муносабатлари мавжуд бўлиши, гуманитар кадриятлар тарғиб қилиниши, гурухли ва индивидуал ижодкорлик элементлари татбиқ қилиниши мумкин.

Бундан ташки, таъсир кўрсатиш ушбу тарбия тизими ўзи тарбия жараёнинг демократик қадриятлар ва коидалар киритиши керак (атроф-хайётдаги ўзгаришлар ортидан): хаётни ташкил этиш демократик усулларини ўзлаштириш (болалар хамжамиятидан бошлаб), бошқаларга нисбатан хукуқ ва мажбуриятларини ўзлаштиришга амал қилиш.

Лекин, тарбия билан боғлик бу ёндашиб, амалда ўсиб келаётган ххх эмаслиги билан боғлик бўлиб чиқмоқда. чунки боланинг хулқи ва хаётни бу холатда тўлалигича ташки кучлар билан белгиланади. Ва унда юу тандовини амалга ошириш имконияти колмайди. Етказиши керак бўлган коидайлир тарбиявий мазмун.мана шу тарбиявий стандартдан келиб чикувчи ижтимоий-педагогик –назарий- бу нарсаларнинг барчаси боланинг ички "хоҳлайман" истагига, балки ташки "керак" таъабига йўналтирилган методларни таъаб этади. Шунинг учун ушбу тарбиявий тизим канлайдир жазо ва мажбурлашларен, мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Тарбиядан бошка ёндашиб инсонпарварлик тарбиявий тизимини яратиш билан боғлик. Бу ёндашиб биринчи навбатда, биз илгариги бўлимда батафсиз

кўриб чиккан индивидуаллаштириш жараёни билан мос келади (лекин уни бола ижтимоийлаштириш масалаларини иложи борича яхши ўзлаштириб олиши максади билан боғлиқ ёндашиш билан адаштириш керак эмас). Яна бир бор зелатиб ўтамиз, индивидуаллаштириши - бизнинг тушунишимизча,-бу болада маъжуд ёки ўзининг индивидуал тажрибасида эгаллаган ягона, алоҳида ва ўзига хослигини таъминлаб туриш ва ривожлантириши бўйича катталарнинг хамда ёзланинг ўзининг фаолиятлари.

Индивидуаллаштириши – биринчидан- бирламчи асосий эҳтиёжларини индивидуал йўнагтирилган ёрдам кўрсатишни кўзда тутади- бусиз , табиий "ўзлигини" хис этиш мумкин эмас: иккинчидан, айнан мана шу индивид учун хос бўйган табия берган (мерос бўйлиб ўтган), жисмоний, интеллектуал, эмоционал кобилияtlар имкониятларни максимал, эркин амалга ошириш учун шаронглар яратишини кўзда тутади. Ва, нихоят, учинчи индивидуаллаштиришнинг белгиси, асосий хислати- автоном матьнавий ўзини куришда ўзини ижодий гавдалантиришда, "мослашувчан бўлмаган фаоллик", хаётий ўз йўлини танлашдаги кобилиятини ривожлантиришда инсонга ёрдам кўрсатиш.

Шахсни индивидуаллаштириши унинг «ўзлигини» ривожлантириш, шундай килиб,кенг маънода инсонпарварлик тарбиявий тизимини ташкил этади.Тарбияда бундай ёндашишнинг максади, болаларга, уларнинг «субъектив мавжужликларини» ташкил этишида ёрдам кўрсатиш хисобланади. Бунинг учун ушбу тарбиявий тизимда, инсонга ўзини англаш ва ўзини амалга оширишда ёрдам берувчи маҳсус воситалар ишлаб чиқилади. Инсонпарварлик тарбиявий тизимининг субъекти энди факат педагог эмас, балки болаларнинг ўзлари хам хисобланади (бода асосан, тарбия обьекти хисобланган таъсир кўрсатиш тарбиявий тизимидан, унинг асосий фарқи хам мана шундан иборат ).ушбу парадигмада педагоглар хам, болалар хам мактаб олдида турган максадларини биргаликда аниклаштирилар, уларни амалий вазифалар даражасига кўтарадилар ва хамкорликдаги фаолиятда амалга оширадилар. Мактаб инсонпарварлик тарбиявий тизими самаралилигини мухим шартги, болалар ва катталарни умумий жамоага бирлаштириш хисобланади (лекин ўз вазифалари бўйича турлича бўлса хам-болалар, педагоглар, ота-оналар). Болалар ва катталарнинг ўзаро муносабатлари, маълум муносабатларни юзага келтирили, улар биринчи навбатда тизимнинг тарбиявий имкониятларини белгилайди.

Муносабатлар педагоглар алоҳида ғамхурлиги бўлиб қолади. Ҳар кандай инсонпарварлик тарбиявий тизими аниқ тизим хисобланади. Унинг ташкил тониши, фаолияти ва ривожланишида мухит, шу билан бирга факат ташкил таъсир кўрсатувчи омил сифатида эмас, балки ушбу тизимнинг ўзининг таркибий кисмида катта роль ўйнайди.

Тарбиявий тизимлар икки турини таъкослаш, таҳлил килиш якунида таъсир кўрсатиш таълим тизими ва инсонпарварлик тарбия тизими, ўзиниг предмети мазмунидаги фарқ килишини алоҳида айтиб ўтамиз.

Биринчиси, биринчи навбатда, дунёнинг ижтимоий кўринишини ўрганади. Иккинчи тизим, ўзини-ўзи ўрганиш усулини ўрганади. Маълум ижтимоий қоилаларни,кадрнятларни, муносабатларни етказиб таъсир кўрсатиш тарбия

тизими, болаларда ўзини англашга кобиляттиң ривожлантириш масаласини 3 з олдига күймайды – бу унинг предмети хисобланмайды.

Инсонпарварлык тарбиявий тизими- бу бошқа гап. Инсон тандағы олиш субъекти сифатида иштирок этар экан, у бу танловни ўзига нисбатан амалға ошириши күзде тутилади, демек ўзини англаш жараёнисиз, бу тизимни аманда ошириш мүмкін эмас. Шунинг учун турли инсонпарварлык тарбиявий тизимлар, хозирғи кунда, айнан мана шу йұналишда ривожланмоқда. Инновация (англаган холда, умуман янгиликни киритиш сифатида) ишчи (амалий) түшүнчесини эслаб, аник мисолда тарбия тизимини фалсафий жихатдан карашда, инновация қандай шактлантиришини күрсатамиз.

Тақдым этилган ёндашишларнинг хар бирида, инновация ёндашишлардан бирини аниклаштириш хисобланса хам, хар гал қандайdir янғы ғоя билан боғлік бўлади. Масалан, тарбия инсонпарварлык парадигмасини мухокама килиб О.С. Газман-тарбия максадини биринчи навбатда ўзини ривожлантириш ва педагогик ёрдам кўрсатиш ғояси билан боғлади. Кўпчилик хозирғи замон муаллифлари инсонпарварлык парадигмасини ўрганишларидан, шадо ривожланишига амал килиб ўзини ривожлантиришга (ёки ўзининг «ўзлигин» ривожлантиришга), турли томонлардан ёндашадилар. Баъзи муаллифлар ушбу сўзининг кенг маъносидан келиб чикадилар: ўзини умумийликка етказиш, барча одамлар учун ҳосликлар, ҳаммасига мос келиш, яъни у ёки бу социал идеологик талабларни контекстидан четта чикадилар, умуминсонийликни, ўзини ривожлантиришдаги аҳамиятини таъкидлайдилар.

Муаллифлар иккичи гурухи эса, ўз диккатини бошқача қаратадилар: инсон ўзининг индивидуаллигини, алохидалигини, ўзининг «ўзлигин» ривожлантиради (бу кўгинча умуминсонийликни намоён этиш индивидуал ифодаланган усууларини ўз ичига олади).

О.С. Газман «эркинлик педагогикаси: XXI инсонпарварлык тараккнётидаги йўл» номли асарида «ўзини ривожлантириш» терминида, юкорида айтилган икки мазмунни бирлаштириш ва ўзини ривожлантиришини факат ягона субъектда тақдим этилиши мүмкін бўлган янғи сифатни ташкил этиш учун инсоннинг ўзида санъетни (маданиятилигини) ва табиийки, тўплаш, бирлаштириш жараёни сифатида тасаввур этишини таклиф этади. Факат ижтимоий ва биологик эмас, балки эркин (экзистенциал) мавжудот сифатида ўсib бораётган инсон тўғрисидаги тасаввур маданийлиги ва табиийлиги тамоилларини эркинлиги тамоили билан тўлдирилишини талаф этади.

Шундай килиб педагогик ёрдам иши эркинлик, ижодкорлик, катталар ва бола ўртасида ҳакиқий демократия ва инсонпарварликда юзага келадиган тарбия, бошқа маданиятта киради. Тарбия максадини педагогик ёрдам сифатида, мана шу умуман янгича тушуниши мазмуни бўйича тарбия тизимини фалсафий жихатдан каралганда, инновация хисобланади. У мана шу максадга мос янғи тарбия технологиясини ишлаб чикишга олиб келади.

Тарбия технологияси деганда биз, тарбиянинг маълум максадларига эришишга қаратилган маҳсус педагогик услублар тизимини тушунамиз. Хар қандай тарбия методикаси, тарбия технологияларидан ташкил топади. Масалан, жамоани режалаштириш, ўсмиirlар билан алоқа ўрнатиш, педагогик

диагностика технологияси ва бошқалар.

Агар – технология- бу тарбия методикасининг якунланган кисми бўлса (унинг бирлиги), услугуб эса ўз навбатида бу умумий ёки шахсий педагогик мадданиятда кайд этилган тарбия технологиясига нисбатан якунланган элементтидир. Агарда услугуб бирор бир тарбия масаласи билан барқарор боғлик бўлса, у оддий тарбиявий технология бўлиб қолади.

Масалан, синфи микротехнологияларга бўлиш (қизиқиши бўйича, куръа ташлаши бўйича, етакчилари бўйича): хамкорликдаги фаолиятда ўйин ролларини яратиш усуллари; гурухни мухокамада сўзга чиқиш тартиби ва бошқалар- буларнинг барчаси тарбиячилари аник услубларига мисоллар. Лекин улардан хеч бири, қандайdir аник тарбиявий масала билан тўғридан-тўғри боғлик эмас, шунинг учун мана шу услубларни турли хил технологияларга киритиш мумкин.

Микротехнологияларга ажратиш услубини жамоа бўлиб максадни белгилашда ҳам хамкорликда режалаштириш ва умумий ишларни бажариш технологиясида ҳам кўллаш мумкин ва гурухли таҳлилни ташкил қилиш усули сифатида ҳам ва мулокот рейтингида машқлар ўтказниш услуби сифатида ҳам кўллаш мумкин. Шунга мос равишда ишлаб чиқилаётган педагогик ёрдам технологиялари ҳам илгари маълум бўлган услублар йўналишидан иборат бўлиши мумкин, лекин маълум тартибда тузилган уларнинг кетма-кетликлари янги тарбия вазифаларига жавоб бера бошлиши мумкин. Педагогик ёрдам технологияси – бу ўсиб бораётган одамнинг бошқалардан ўзининг фарқини англаб етишга ёрдам берувчи ўзининг бўшлиги ва ўз кучини- жисмоний, интеллектуал, маънавий, ижодий воситалардан фойдаланиши тизимидир.

Бу таълим олишда мустакил ва мувафаккиятли илгари бориши, шахсий хаёт йўли ва хаёт мазмунини танлаш учун зарурдир.

Ушбу технологияни амалга ошириш ўкувчининг саволидан бошланади: «мен ким бўламан!», « қандай бўлишим керак?». Педагог билан биргаликда мана шу саволларни мухокама қилиши, яна бошқа бир мустакил саволни ҳам келтириб чиқаради: «Қандай яшаш керак?» махсус ташкил этилган маслаҳатлар оркали айнан мана шу ўкувчига хос бўлган индивидуал хаёт тарзи, аста-секин тузилади, интелектуал, эмоционал, жисмоний юкламалар қулий режими танланади.

Ўкувчи педагог ёрдамида мувафақкият ва баҳтсизликларга бардош беришнинг ўзи учун мос усулларини топади, меҳнат фаолияти мос турини танлайди, бўш вактини узлуксиз иш шакллари, одамлар билан муносабатлар хусусиятларини белгилайди.

«Педагогик ёрдам» тушунчасининг семантик маъноси биринчи навбатда факаттина бирор нарсага эга бўлган, лекин етарли даражада бўлмаган одамгагина ёрдам кўрсатиш ва кўллаб-кувватлаш мумкилигидан иборат. Шунинг учун боланинг ўзида бирор нарсани билиш истаги пайдо бўлса ва бу йўлда унинг олдида кийинчиликлар пайдо бўлса – педагогик ёрдам харакатга келади.

Шундай килиб педагогик ёрдам технологияси, биринчи навбатда, вазиятга жавоб қайтаришдан иборат бўлади. Ўз навбатида бу технология турли

услублардан иборат. Улардан бири- баҳолаш –алгоритмик услугуб хисобланади.

Бола фаолиятини тузатиш ва баҳолаш муносабати: «яҳши, ёмон», «тўғри-нотўғри», «мумкин- мумкин эмас» кабилар маълум ёши боскичида белгилар хулки доирасини белгилайди. Бу услугуб ўқитувчи обруси ҳали жуда кучли бўлмаган кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун анча самарали бўлади.

Педагогик ёрдам технологиясини амалга ошириш учун, яъни бир уснуб ижтимоий кўнникмалар курсини максадга мувофик киритиши хисобланади. Ушбу курс этик маданият, ижтимоий муносабатлар, шахарлардо муносабатлар, карор кабул килиш, ўзини англаш каби фанлардан иборат бўлиши мумкин. Ушбу икки фан- академик эмас балки лабаратория- амалий машғулотлар ёнч ўзини намоён этиш ва ўзаро алоқалар ҳамда ҳамкорлик тажрибаси учун жамоани ижодкорлик бўйича машғулотлар кўринишида курилиши жуда мухим.

Педагогик ёрдамни амалга оширишдан кейинги услугуб- болалар жамоасини яратиш ва ўзини бошқаришда педагогнинг ёрдами хисобланади.

Шу ерда биз маълум бўлган эски оппозицияга кайтамиз: жамоа ва шаке. Лекин ушбу ҳолатда биз болалар жамоасини ташкил этишини ўз максадимиз сифатида эмас, балки ҳар бир ўқувчининг ижтимоий, ижодий ўзини амалга ошириши шарти сифатида караймиз.

Ўзини бошқариш бўйича юзага келмайди, балки болалар ва ўсмиirlар кизикишлари ҳамда мактаб фукароси ҳукуклари ҳам ўз манфаатларини ўзаро химоя кишишлари эҳтиёжларидан келиб чикади. Ушбу ўзини бошқариш (айнан мана шу ерда педагогнинг ёрлами керак) мактаб доирасида болалар кизикишларини бирлашгирувчи бўлганида ва мактабнинг ўзи фукаролик жамияти сифатида курилганда пайдо бўлади.

Агарда дискотека ўтказиш, саёхатга бориш ёки кандайдир таниловлар ўтказиш учун ўсмиirlар бирлаштиришини хоҳласалар, мана шу вазиятда ўзини бошқариш локал тажрибаси пайдо бўлади. Катталар эса бу вазиятда ёрдамчи бўлиб қолишлари мумкин. Ўзини бошқаришда коидалар ишлаб чикариш мажбурий элемент хисобланади. Болаларнинг ўзлари яратадиган коидалар, конунлар, ҳукук коидаларининг мухим аҳамиятта эгалиги педагогикада анча аввал найкалган.

Болаларнинг ўзлари яратган куларни бирлаштиради. Мактаб ҳаёти муаммоларини янада демократик ҳал этишга имкон беради. Лекин асосийси, бундай коидалар эркинлик ва масъулиятлилик доирасини белгилаб беради. Ушбу ҳолатни интизомлиликни ривожлантириш кучли воситаси сифатида тушуниб, кўлчилик мактаблар ўзларининг конунларини, ўртоқлик Низомларини, виждан кодексларини яратмокдалар. Лекин ушбу услубда ҳам маълум ҳавфли томонлари мавжуд. Педагог, баъзи болалар бошқалар устидан назоратчи бўлиб қолмасликларини кузатиб бориш зарур. Бундай ҳолатди болалар жамоасида адоват ҳам юзага келиши ва болалар конунни бажарувчилар ва уларга қарши кузатувчиларга ажralиб қолишлари мумкин. Шундай килиб, юкорида тасвирланган услублар (уларнинг рўйхати албатта, давом эттирилиши мумкин) тўплами янги максад- педагог ёрдам учун технологияни белгилаб беради. Ва мана шу мазмунда инновацион технологиядан иборат бўлади.

Умуман олганда, ҳар қандай тарбия тизими янгиланиши, инновациялар

жисобига амалга оширилади. Бу эса икки- революцион ва эволюцион йўл билан содир бўлиши мумкин.

Инкилибий йўл одатда мактаб хаётида, жамият хаётидаги фавкулодда вазиятлар билан келиб чиқади. Иккинчи йўл- тарбия тизимининг самарали педагогик бошқариш билан мумкин бўлади, чунки янгиланиш механизmlари тизимининг ўзида мавжуддир.

Тизимининг ҳолати ва фаолияти тўғрисида яхши етказилиб туриладиган объектив ахборотлар, педагоглар ва ўқувчилар жамоасининг доимий, ижодий изланишига йўналган ишлари таълим тизими янгиланишини режали ва бошқариладиган килади. Инновацион мактаб ташкил топиши дилактик жиҳатини таҳлил килиш кўйидаги хуносаларга келишга имкон беради:

1. Инновацион мактаб ташкил топиши жараёнини дидактик кўриб чикиш турлича учта жиҳатлар орқали амалга оширилади;

2. Фалсафий-методологик (ўқитиш мақсадлари);

3. Назарий (ўқитиш мазмуни, ўқитиш жараёни тузилиши ва конуниятилари);

4. Технология (ўқитиш жараёни қоидалар тамойили).

5. Дидактик қарашнинг фалсафий-методологик жиҳати қўйидагидан иборат. У ёки бу ижтимоий буюрганинг мазмунидан катъий назар, мақсадларни аниқлаштириш жараёни хар доим маълум педагогик стратегияни ташкил этиш аниқ мақсадларига ўтиш жараёнида ҳақиқатда иштирок этувчилар барчаларни шундай танловни амалга оширишига мажбурлар: олим-дидактиклар, мактаб маъмурити, биринчи навбатда эса, янги таълим моделларини ишлаб чиқувчи инновацион мактаблар ўқитувчилари.

Турли педагогик стратегиялардан ташлаб олиш тўртта йўналиши мавжуд:

6. бугун таълим соҳаси яхлит энг юксак вазифалари;

7. ўқитиш ва ривожлантириш жараёнилари нисбати;

8. таълим мазмунини концепцияси маълум турига йўналганлиги;

9. инсон маданияти тузилиши тўғрисида тасаввур.

Ушбу маълум педагогик стратегияни ташлаш илмий объектив вазифалар билан умуман ҳал этилиши мумкин эмас. У ҳар бир аниқ инновацион гурухининг умумий дунёкараци билан, методологик, фалсафий, антропологик қарашлари билан боғлик.

3. Дидактик қараш фалсафий -- методологик жиҳатида мактабнинг инновационлиги гоянинг ўзи умуман янгилигидан ташқари, мактабда мақсадни аззальнантириш жараёни маъжудлиги қайд этилганлигидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Мақсадни шаҳжалантириш инновацион мактабнинг мавжудлигига сабаб бўлади, ва ўз навбатида ўқитишнинг ўзи у сабабли бўлади.

4. Инновацион мактабнинг ташкил топиши дидактик қараш (ўқитиш мазмуни, ўқитиши жараёни тузилиши ва конуниятилари) назорат жиҳатлари қўйидагилардан иборат. Замонавий таълим вазиятлари шароитларида, деярли кар бир мактабда вариантиг қисмини аниқлаш хисобига бошлаш, кейин жадидвариант асосини аниқлаштириб шахсий педагогик стратегиясини ишлаб чиқиши имкониятига эга. Яъни замонавий асосий ўқув режаси факатгина турли

инновациялар юзага келишига ёрдам берувчи омил сифатида эмас, балки хакикий рағбатлантириши сифатида хам амал кила бошлады.

5. Ўқитиши назарияси (ўқитиши жараёни тузилиши ва конунгиятлари), ўқигиши мазмунидан фарқли равишда инновациялар юзага келиши учун имконият хисобланмайди. Лекин инновацион мактаб ташкил топишини дидактик карашда технологик жихатида юзага келадиган инновациялар учун чекловчи ролида иштирок этиши мумкин.

Инновацион мактаб ташкил топишини дидактик карашдаги технологик жихати кўйидагилардан иборат.

Ўқитиши мазмуни ва технологиясида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Ўқитиши мазмунидаги ўзгариши (мисол учун ўкувчи фикрларини ташкил этувчи схемалар киритиш), дарҳол мана шу мазмунни етказиб беришга қодир янги педагогик технологияни ишлаб чиқиши талаб киласди. Ва аксинча, маълум технологиялар ўқитиши мазмунни хажмининг ўзига хос чегараловчиларини илгари суради, масалан, давомийлиги ва камраб олиш кенглиги. Аник педагогик технологиялар кўринишида берилган хар қандай инновациялар дидактик караш технологик жихатида, бир томондан ўқитиши назарияси ва мавжуд мақсадлар билан чекланган, иккинчи томондан эса ушбу инновацион технология «мос» келадиган ёндашиб хусусияти билан (техноизланиш) чекланган. Инновацион мактаб ташкил топишини дидактик караш турли жиҳатларига ўхшаш тарбиявий тизим ташкил топишини фалсафий ва технологик жиҳатларида караладиган инновацияларни ўрганиш хам мавжуд.

Оммавий синфдан ташкиари иш формалари педагогик коллектив орқали хар бир болага таъсир кўрсатишга имкон беради. Улар болаларда бошқаларни тушуниш, колективда бир – бирига таъсир кўрсатиш, тенглошлари ва катталарап билан хамкорлик килиши мөлакаларининг ривожланишига ёрдам беради.

Синфдан ташкиари ишнинг анна шу оммавий - шакларини иккита кагта гурухга ажратиш мумкин. Бу гурухлар болалар фаолиятининг характеристи билан фарқ киласди.

Биринчи гурух – фронтал шакллар. Болаларнинг фаолияти «снимда», «ёнида» принципи бўйича ташкил этилади, яъни улар бир бирлари билан ўзаро таъсирда бўлмайдилар, хар юир бола айнан бир ҳил ишни мустакил равишда бажарадилар. Педагог хар бир болага бир йўла таъсир кўрсатади. Чекланган болалар билангина тескари алоқа ўрнатилади. Синфинг хаммаси билан ўтказиладиган тарбиявий машгулотларнинг қўичилиги «ёнида» принципи бўйича ташкил этилган.

Болаларнинг синфдан ташкиари фаолиятини ташкил этиш шакларининг иккинчи гурухи «бирга», «биргаликда» принципи билан характерланади. Умумий мақсадга эришиш учун хар бир иштирокчи ўз ролини бажаради ва умумий натижага ўз хиссасини кўшади. Хамманинг хатти – харакатлари муваффакияти хар бир иштирокчининг харакатига боғлиқ. Ийни бундай ташкил этилиши жараёнила болалар бир бирлари билан якин хамкорликда иш кўришга мажбур бўладилар. Бундай фаолият коллектив фаолият номини олган тарбиявий иш эса – коллектив тарбиявий ишлаб деб номланади. Педагог хар бир болага алоҳида таъсир кўрсатмайди, балки болалар ўртасидаги ўзаро

алокага таъсир этади, бу эса педагог билан ўқувчилар ўртасидаги тескари алоқанинг яхшиланишига ёрдам беради. Болаларнинг жуфт – жуфт, кичик гурӯҳтарда, синфдаги фаолияти «бирғаликда» принципи бўйича ташкил этилиши мумкин.

Хар бир йўналишнинг ўз афзалликлари ва камчиликлари бор.

Биринчи гурӯҳ педагог учун ташкил этишда оддийлиги билан фарқ килади, лекин коллектив ўзаро таъсир малакаларини камрок шакллантиради. Иккинчи гурӯҳ болаларда хамкорлик, бир-бирига ёрдам бериш, масъулиятни ўз зиммасига олиш малакаларини ривожлантириш учун тенги йук. Бирок кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўз хусусиятларига кўра (улар бошқа кишида тенг хукукларини куролмайдилар, келишиб олишни, бирга бўлишини билмайдилар) коллектив шаклларни ташкил этиш педагогдан кўп вақт ва муайян ташкилотчилик малакаларини талаб этади. Унинг педагог учун мураккаблиги ҳам мана шунда.

Иккала йўналиш ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдиради, шу сабабли куйила биз ҳар бир ёндашув имкониятларини аннә бир форма (шакл) мисолида караб чиқамиз.

Коллектив ижодий иш технологияси демократик мактаб шароитида айникса актуалdir, чунки у гуманистик негизга - ўқувчиларнинг кичик гурӯҳлардаги ўзаро хамкорлиги асосига курилган. У тўртга асосий босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқичда болалар олдига умумий мақсад куйилади. Бу мақсадга эришиш учун улар гурӯҳларга (3 дан 7-9 кишигача) бўлинади. Ҳар бир гурӯҳ ўз варзишни, бу мақсадга эришиш лойихасини таклиф этади. Бу босқичда фаолиятнинг умумий мақсади асосида болаларнинг бирлашуви рўй беради ва ҳар бир болала бу фаолиятни асослаш учун шароитлар яратилади.

Иккинчи босқичда таклиф килинган барча варианtlарни муҳокама килиш давомида битгаси таинланади ёки йиғма вариант яратилади. Шундан сўнг ҳар бир гурӯҳ вакилларидан иш кенгаси сайланади. Бу коллектив болқарув органи бўлиб, ишнинг барча иштирокчилари ўртасида вазифаларни, бажарадиган ишларни таксимлайди. Болалар бошқаларнинг нуткай назарини тушуниш, келишиб олишига ўрганадилар.

Учинчи босқичда иш кенгаси тайёргарлик ишларини амалга оширади, гурӯҳлар ўртасида топширикларни таксимлайди, зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида уларнинг ишини текшириб боради. Ҳар бир гурӯҳ умумий лойиҳани амалга оширишга ўз хиссасини кўшади. Бунда бошқаларнинг муваффакияти бир гурӯхнинг ишита боғлиқ бўлади. Шунинг учун гурӯхларнинг иши улар ўртасидаги рақобатга эмас, балки хамкорлик асосига курилади. Бу босқичда болалар коллектив бўлиб фаолият юритиш тажрибасини эгаллайдилар, бир - бирини тушуниш, бир - бирига замхўрлик камини, ёрдам кўрсатишга ўрганилилар, турли хил амалий кўнимка ва матакалар хосил киладилар, ўз қобилиятларини ривожлантирадилар ёки кашф этадилар.

Тўртинчи босқичда ўтказилган иш муваффакият ва камчиликлар нуткай назаридан муҳокама килинади. Ҳар бир гурӯҳ ўзининг хатти -

харакатини тахлил килади, келгуси ишга доир таклифлар айтади. Мазкур боскич болаларда ўзининг ва бошқаларнинг ишларини тахлил килиш, уларга ўзгаришлар киритиш, малакалари шаклланишига ёрдам беради. Болаларда шунингдек объектив равиша ўзига - ўзи баҳо бериш хиссий ривожланади, чунки бундай мухокамаларда хеч қачон болаларнинг шахсий фазилатларига дахлдор гаплар айтилмайди.

Коллектив ижодий ишлар болаларга ҳар томонлама ижодий таъсир. кўрсатади, уларнинг шахсий тажрибасини бойитади, муомала доиррасини кенгайтиради. КИИ технологиясини мунтазам равишила қўллашда ҳар бир бола турил гурухларда иштирок этиш ва турил ролларни (ташкилотчи ва ижрочи ролини) бажариш имкониятига эга бўлади.

Коллектив ижодий ишлар билан «Коллектив ижодий ишлар энциклопедияси» китобида тўларок танишиш мумкин.

КИИ технологияси билан синфдан ташкири тарбиявий ишларни ташкил этиш технологияси ўртасида баъзи бир ўхшашликлар бор: унда ҳам, бунда ҳам моделлаштириш, ишларни амалий равишида бажариш ва тахлил килиш мавжуд. Шу сабабли, агар педагог ўзини тарбиявий ишларни мазкур алгоритм асосида ташкил этишга ўргатса, унинг болаларни КИИ жалб этиши осон бўлади.

Умумсинф тарбиявий машғулотни тайёрлаш. Фараз қитайлик, алгоритмик мувофик болалар коллективини ўрганиши боскичи тугаллансан ва педагог машғулотнинг мана шу шаклини танлаган. Биринчи навбатда машғулотнинг мазмуни белгиланада, унга мувофик мазкур синф актуал бўлган машғулот мавзуси танланади ва машғулот ғояси ифодаланади.

Педагог ўзидан фикран шундай деб сўраши керак:

«Мазкур мавзуни очиб бориш оркали болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш натижасида нимага эга бўлиши истайман? «Умумсинф тарбиявий машғулотнинг мазмуни ривожлантириш, тўғрилаш, шакллантириш вазифаларини акс эттириши керак. Таълим бериш вазифаси умумий вазифалардан бири сифатида намоён бўлиши мумкин. Бошка сўз билан айтганда « .. ҳақидаги маълумотларни баён қилиш» тарбиявий машғулотнинг максади бўлиши мумкин эмас (вазифалардан бири бўлниши мумкин). Педагог синфдан ташкири машғулотнинг максади ҳамда вазифаларни канчалик аник ифодаласа, унинг истағланган натижалар ҳақидаги тасаввурни ҳам аник бўлади. Факат ўндан кейингина машғулотнинг мазмунини, методларни, воситаларни танлашга киришиш мумкин. Машғулотнинг мавзуси, мазмунига алоҳида аҳамият беруб, унинг максадини ифодалашга нормал ёндашадиган ёки уни умуман эътибордан четда колдирадиган педагоглар нопрофессионал ин кўрадилар. Бундай холда тарбиявий ишнинг максадга йўналтирилганлиги ва системалилиги йуколади.

Машғулот моделини тайёрлаш натижалари умум синф тарбиявий машғулоти конспектида акс эттириллади. У куйидаги тузилишида бўлади:

1. Машғулотнинг номи.
2. Максади, вазифалари.
3. Жиҳозланиши.

#### 4. Ўтказиш шакли

##### 5. Бориши.

Машгулотнинг номида синфдан ташкари машгулотнииг мавзуси акс этириллади. У факат акс этириб колмай, шакл бўйича лўнда қилиб ифодаланган, жозибали бўлиши лозим.

Вазифалар жуда аник бўлиб, мазкур мазмунни акс этириши керак. Улар универсал характерда бўлмаслиги лозим. Масалан «Жонажон шахрига муҳаббат ўйғотиши» вазифаси ўрнига «шахар тарихига қизиқишини ошириши», «болаларда шахар юбилейига тайёргарлик ишларига ўз хиссасини кўшиш истагини ўйғотиши», «болаларда ўтмишда шахарнинг машхур қишиларига нисбатан хурмат хисси шаклланишига ёрдам бериши» каби вазифаларни кўзиш яхши бўлади.

Синфдан талқари машгулотнииг жиҳозланишига турили воситалар: қўлманималар, ўйинчослар, видеофильмлар, дианозитивлар, адабиётлар ва бошқалар киради. Адабий манбанинг номинигина эмас, балки унинг муаллифи, нашр этилган жойи ва йили кўрсатилиши керак.

Синф машгулотлари экспурсия, викторина, конкурс, спектакл ва хоказо шаклда ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда машгулот режасида уни ўтказиш шакли «Математик викторина», «Фантазиячилар конкурси», «Ҳайвонот боғига экспурсия» номи билан бирлаштирилади. Агар синф машгулоти ўзида биронта ўтказиш шаклларини бирлаштириса, унга болаларни жойлантириш усули кўрсатилиди: айлана, командалар ва хоказо.

Машгулотнинг боришида унинг мазмуни, тарбия методлари тавсиф этилади ва педагогиинг машгулотни биринчи шахс номидан батафсил, изчиллик билан баён қилинишдан иборат бўлиши мумкин ёки (педагогиинг шахсига караб) асосий мазмуни карточкаларда ифодаланган тезисли пландан ташкил топиши мумкин.

Машгулотнинг боришини моделлантиришда унинг давомийлиги ва структурасини ҳисобга олиш зарур. Синф тарбиявий машгулоти олти ёшлилар учун 15-20 минутдан ўн - ўн бир ёшлилар учун 1-2 соатгача давом этиши мумкин.

Мазмунни ва методлари бўйича хилма-хил бўлган синф машгулотларини самарали ўтказиш максадида унинг асосий тўрт боскичдан иборат бўлишига амал қилиш маъкул.

##### 1. Ташкилий момент (0,5 - 3 мин).

Педагогик максад: болаларни ўкув фаолиятидан фаолиятнинг бошқа турига кўчириш, ана шу фаолият турига қизиқиши, ижобий ҳис-туйгулар ўйғотиши.

Типик ҳатөлар: дарснинг бошланишини айлан тақоролаш, унинг вакт жихатидан узок давом этиши.

Тавсиялар: ташкилий моментда кутилмаган ҳолатни юзага келтириш, яъни танишмоклар, муаммоли масалалар, ўйин моменти, товуш ёзувлари ва хоказолардан фойдаланиш; болаларни ўюштириш шаклларини ўзгартириш; болаларни бошқа бинога (биология, физика, мусика синфларига, кутубхонага, мактаб музейига) ўтказиш ёки уларни синфда гиламча, айлана шаклда жойлантириши болаларнинг дарслан ташкари фаолияти самарали

күчишига ёрдам беради. Бу бўлажак машғулотта кизикиш, ижобий хис - тўйнурлар уйғотади.

2. Кирish қисми (бутун машғулот вактининг 1/5 қисмидан 1/3 қисмигача).

**Педагогик мақсад:** болаларни фаоллаштириш, уларни тарбиявий таъсири мойил қилиш. Педагог ўзининг педагогик прогнози хақиқатда болаларнинг имкониятлари, шахсий сифатлари, мазкур мавзу юзасидан хабардорлик даражаси, эмоционал кайфияти, фаоллик, қизикиш даражаси билан қанчалик мос тушишини аниклади. Бу босқичда педагогдан болаларни кизиқтиришгина эмас, балки машғулотнинг бориши давомида унга қандай тузатишлар киритиши кераклиги ва тузаташлар қандай характерда бўлишини аниклаш талаб этилади. Масалан, педагог ўзи маълум киладиган нарсаларнинг янгилигига умид боғлаб, ҳикояни планлаштирган эди, аммо кириш сухбати болаларнинг бу муаммони билишини кўрсатди. Бундай холда педагог хикояни сухбат ёки ўйин вазияти билан алмаштириши зарур. Шундай килиб, кириш қисмининг мақсади болаларнинг шахсий тажрибасидан машғулот мавзусига «қўйприк ташлаш»дан иборат.

Типик хато - педагогнинг кутилмаганда болаларнинг таъсирланишидан (болалар педагог кутаётган нарсани айтмаслиги ёки килмаслиги мумкин) кўрккани туфайли бу босқични инкор этиши.

Педагог машғулотнинг кириш қисмини болаларнинг фаоллигига эмас, балки шахсий фаоллик асосига киради, тескари алоқани менсизмай, болаларга пассив тингловчилар ролини беради. У болаларнинг эмоционал кайфиятини эътиборга олмайди.

Тавсиялар кириш қисми машғулотнинг мазмунига қараб кириш сухбатидан (билиш) характеридаги, эстетик ва ахлоқий машғулотлар ёки ақлни «чархлаб олиши» топширикларидан (викторина, конкурси ва х.к) иборат бўлиши мумкин.

Биринчи холатда саволлар, иккинчисида - топшириктар болалар учун кизикарли бўлиб колмай, педагогга ўқувчиларнинг тайёрланган материални идрок килишга тайёрлиги хакида ахборот бериши керак. Кирish қисмидан педагог болаларнинг бўлғуси машғулот хакидаги дастлабки тасаввурларини шакллантиради, уларнинг фаолиятини ташкил этади, яъни баҳолаш системаси билан таниширади, машғулот планини маълум килади, уларни командаларга бўлади. Баҳолашнинг анъанавий тизимида педагог аник мезонларни бориши, зарур коидаларни тушунтириши керак.

Болалар командаларга бўлинганда уларнинг хатти - ҳаракатларини ракобат асосига эмас, балки ҳамкорлик асосига куриш лозим. Бунинг учун қуйидаги усул самаралидир: командаларга тўғри жавоблар учун очколар ўрнига киркиб ажратилган расмнинг бўлакчалари таркагилади. Машғулотнинг якуний қисмидан бу бўлаклардан умумий расм йигилиди ҳамда баллар миқдори эмас, балки умумий натижага муҳимлиги аён бўлиб колади.

Машғулотнинг кириш қисмидан болаларни фаоллаштиришнинг турли - туман методлари ҳамда воситаларидан: муаммоли сухбат, ребус, крассворд,

тонкирлик ва чаккочиликка доир топшириклар ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

3. Машғулотнинг асосий кисми вакт жихатидан энг давомли бўлиши керак (машғулотнинг 2/4, 1/3 дан сал кўпроқ кисми).

Педагогик мақсад: машғулотнинг асосий гоясини амалга ошириш.

Типик хатолар: болаларнинг кисман ёки бутунлай пассивлигида педагогнинг фаолиги. Методларнинг бир хиллнги - факат хикоя ёки сухбат. Кўргазмалистикининг йўклиги фойдаланиладиган тарбия воситаларининг жуда хам камлиги. Онгни шакллантириши методларининг хулк - автори шакллантириши методларидан устунлиги. Дарснинг ўқув мухити яратилиши. Ибратлилик, ўрганиш насиҳатгуйлик қилиш.

Методик тавсиялар: агар болалар максимал равишда фаол бўлсалар, машғулотнинг ривожлантирувчи, тўғриловчи, шакллантирувчи, тарбияловчи, таълим берувчи вазифаларини амалга оширишда тарбиявий самара юкори бўлади. Синфдан ташкари машғулотда болаларни фаоллаштиришда дарсдан фарқ киладиган алоҳида эмоционал мухитин яратиш биринчи даражали ахамиятга эга. Масалан, болалардан куяларини кўтарниш, ўринларидан туриш талаб этилмайди. Интизомни саклаб туриш учун алоҳида коидалар жорий килинади.

Бир масала юзасидан бир неча ўқувчи ўз фикрини билдириши энг қулайдир. Педагогнинг нуткида «тўғри», «балли», «оффарин» деб баҳолайдиган фикрларнинг бўлмаслиги, баҳолар ўринига ҳайриҳолик, хис-хаяжон, педагогнинг хис-тўғуларини ифодаловчи, койил қолиш билан айтилган «Ҳа», «жуда кизикарли», «Янги хабаринг учун раҳмат», «шундайм», «Буни қаранг-аб» каби иборалардан фойдаланиш илик, ҳайриҳолик мухитининг яратилишига ёрдам беради.

Агар педагог хулк - автори шакллантиришнинг хилма - хил методларидан ишлажи борича кўп фойдаланса: вазиятни, ўйинни тарбияловчи машқлар, ўргатиш, топшириклар бериш, машғулотта турли хил фаолият турлари: меҳнат ижодий ишлар, спорт элементлари ва ҳоказоларни киритса самарафорлиги ошиб боради. Педагог турли фаолият турларини ташкил этинада болаларни командаларга бирлаштирас экан, уларни бир-бирлари билан оркин музомалада бўладиган қилиб жойлаштирини, вазифаларни эса ҳар бир иштирокчи ўзи учун алоҳида эмас, балки ўзини жамоанинг бир кисми леб хис этадиган қилиб таксимлаши керак. Топширикни бажариш учун вакт беришда командага уни бажаришни мухокама килишига бир неча вакт ажратиш ва команда вакилидан тайёрлигини сўраши лозим. Шундай тақдирдагина болаларда фаолиятнинг умумий масали, хизима-хил вазифалар ва ҳамкорлик учун сабаб (мотис)ла бўлади.

Онгни шакллантириши методлари болаларда эътиқоднинг, амалий этик (захъюй) тушунчаларнинг таркиб толинига ёрдам бериши керак. Бу массалаларда хикоя методини ўқувчининг ахбороти, доклади тарзида ўзгартриши, тез-тез мунозарадан фойдаланиш яхши самара беради. Синфдан ташкари тарбиявий ишларнинг оммавий шаклларида болаларни мунозара коидаларига ўргатиш лозим:

1. Шуни ёдда тутингки, баҳлашувчилар ҳақиқатни излайдилар, аммо уни турлича тасаввур қиласидилар; баҳсда умумий мазмунни аниклаш, кейин эса карашлардаги фаркни ойдинлаштириш ва бунга хурмат билан муносабатда бўлиш керак.

2. Мунозаранинг максади – томонлардан бирининг ҳақлигини аниклаш эмас, балки ҳақиқатни қарор топтиришидир.

3. Ҳақиқатни оппонент шахсига айблар кўйиш билан эмас, балки фактлар ёрдамида кидириш зарур.

4. Сўзловчини аввал хурмат билан тинглаш, кейин эса ўз нуктани назарини билдириш лозим.

4. Машғулотнинг якуний қисми.

Педагогик максад: болаларни эгаллаган тажрибаларини ўзларининг мактабдан ташки ҳаётларида амалда кўllaшга мойил килиш (ҳоҳиши уйготиш) ва машғулот канчалик муваффақ бўлганлигини аниклаш. Шундай қилиб, яқунловчи қисм педагогнинг болага бошқа муҳитда тарбиявий таъсир кўрсатишига имкон беради.

Типик ҳатолар: бу қисм умуман инкор килинади ёки «Ёқдими?», «Янгидан нималарни билиб олдингиз?» қабулидаги икки саволдан иборат бўлиб колади.

Тавсиялар: дастлабки натижаларни аниклаш учун кросворд, кичик викторина, берилган саволга узок ўйламай тез жавоб қайтарishi, ўйин вазиятлари каби болаларни кизиктирадиган тест характеристидаги контрол топшириклар. Болаларнинг эгаллаш тажрибаларини шахсий ҳаётларида кўllaшга доир турлича тавсиялар бериш. Бу мазкур муаммога доир китобларни кўрсатиш, болаларнинг машғулотда эгаллаган билим, малака ва кўнимкамларини кўllaши мумкин бўлган вазиятларни мухокама қилиш бўлиши мумкин. Ҳосил килинган тажрибани кўllaшга доир болаларга маслаҳатлар: улар ўз яқинларига нималарни гапириб беришлар, мазкур мавзу юзасидан нималар ҳакида сўраш мумкин; қаерга бориш, у ерда нималарга эътибор бериш, кандай ўйинлар ўйнаш, мустакил равишда нималар қилиш ва хоказо. Яқунловчи қисмда машғулот мавзусини келгусида яна ёритиб бориш зарурати борми, бор бўлса буни кандай йўл билан амалга ошириш мумкинлигини аниклаш максадга мувофиқидир. Машғулотнинг яқунловчи қисмидан педагог бундан кейинги синф машғулотларини ўтказишида болалар ташаббусини ривожлантириш учун хам фойдаланиш мумкин.

Синфдан ташкири тарбиявий ишларнинг индивидуал ва оммавий шакллари, агар уларни ташкил этиш ва ўтказишида ота-оналар бевосита иштирок этсалар, болаларга тарбиявий таъсир кўрсатишида анча самарали бўлади.

## ИНТЕРАКТИВ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Операцион компонентлар инновация фаолиятида инновация ўйинида аник кўринади. Инновацион ўйин ижтимоий технологиясини маҳсус кўринишидек курилади, ўзига муаммолар ечимининг дастурини киритади.

тәжілділіктердің, иштирокчыларнинг ривожланишини текширади.

Дастаннинг ўйинлари ўзига инновация ишлаб чыкарыш карорларини, (ечимини) янгиликтар лойихаларини, жорий этиш дастури, тәжілділіктарнинг ўқиши, ўйиннинг текширилиши олиб киради.,

Биринчи боскичда карорлар ишлаб чыкарилади. Асосий мақсад бу тәжілділіктердің инновация күнини ишлаб чыкарыш, бир неча муаммоларнинг ечими, чыкарылған карор самарағын тарзда бажарыладын болыс.

Гашкілот методлари күпинча, бу талабларни конкестирмайды, Шунинг учук карор килеменең учун, күпчіліктердің иши олинады, стандартсиз карорларга дайындириледі.

Мұқобил турларнинг күпшілігі, янгиликтар бу методларни сифатлы ишледіліктердің ішінде орналасқан. Күпчіліктердің иши муаммолар ечимини олий даражада хал этиш даражасында бўлиб чыкади.

Иккінчи боскичда инновацион муаммоларнинг ечимлари дейінгілескендіктердің ішінде орналасқан. Объектнинг хохлаган холатини лойихаларда ишлаб чыкарылған жағдайларда ривожлантириледі. Істикболини очиб беради. Ўйинда энгізілген иккита лойиха ишлаб чыкарылған. Бу лойихаларни алохіда гурухлар бажаради. Лойихада сұнгы моментлар: муаммо, мақсад, функционал мағуссұфизмек, муаммоларни амалданып хал этиши учун куроллар, объектнинг натижалик холати, базанинг материал шарты, ўз шаклланишининг механизми және әффектінинг ўлчам воситалари асослаб берилади.

Кейинги боскич дастаннинг холати, янгиликтар. Дастан ўзига шу бескілдердің ёзілиши ва киритилишини таъминлады.

Келәжак харакатнинг ёзілиши учун муаммо ажратылған чыкади ва мақсад күйилади, кейин янгиликтердің хар қадами, келәжак натижалары хамда лойиханнан жорий килиниши, күлтәнелиши шрганын берилади.

Муаллифлар хар бир мактабнинг янгиланишида универсал технологиядаги экспериментлар туралы, деб хисоблайдылар.

Олимлар ташкілот бошқармасыннан жиҳатлары сифатыда ва инновациялы ишлаб чыкарыш, ўзлаштырыштың сұнгы: диагностик, прогностик, гашкіл этубчи машғулотлар ва умумлаштырувчи боскілдердің мәдениеттегі орталықтарынан жағдайлар. Педагогнинг инновацион ишининг контексті мәнтиқан шундай: мұнаймони тәндағы, мавзудны шакллантириш, долзарблық түшүнчеси, мақсад күйиш, номини ўзгартырыш, масала, фазалық устида ўйлаш, боскілдердің базасы, мезонлар мұддаты, йүлдін тәндағы, натижаны ва жараённин күзатын экспериментлардың амалға ошириледі.

Масала мөхияттілік принципінде мұхим кисмларнанғына бердік, чунки инновация фаолияттың биғағатына ўқиши зәмас, балқы уларни әзіллаб олишидір, педагогик инновацияның кабул килиниши, инновацияны киритилишинин ечими, карорнинг кабул килиниши, психологик жиһатдан инновациялы фаолияттағы тайёрлікден иборат. Күпинча, карорни кабул килиши, деб жараённинг бир мұқобил турини бир нечесиден олиши, уларда педагогнинг ўзи фаолиятчы бўлиб чыкади. Бир холларда биринчи режага шундай психологик хәллар жараён ечимига киради. ечимнинг мотивациясыннан жағдай ечими, кабул килинган карорға жавобгарлик бўлиш,

танлаш хукуқига эга бўлиш, тушунчасига эга бўлиш, қарорларни баҳолаш ва х.к. Шунда педагог бир нечта педагогик фаолиятларига эга бўлиши мумкин ва шулардан бирини танлаши мумкин, ёки муомалани ечимини топиши керак.

Фаолияти тасдиқланган норма усулини ўзлаштириб, объектив шартларига суюниб педагог ўзи килади, ўзини фаолияти ишлатилишини усулларини қабул килади.

Ҳамда педагогнинг ижодий жараён сўнгги боскичлари тавсия килинган:

1. Муомалани тушуниши

- а) Бор факторларни тушуниши;
- б) муомалани пайдо бўлиши;
- в) савол кўйилиши.

2. Муаммони ечими

- а) Гипотезини ишлаб чиқиш;
- б) ечимнинг ривожланиши;
- в) принципни очиб ташлаш;

г) тўпланган ечим ва мулоҳазани ишлаб чиқиш.

Хуносани текшириш: Умуман ўқитувчининг инновацион ечиши умумий психологик қонуншунослиги негизида, ҳар кандай инсон харакати учун характерли бўлган байзи бир педагог ечиш асосида курйлган. Эвристик жараён ижодий харакат излануви, аник марказни ташкил этади. Бу жараён инновацион харакатнинг байзи бир этапиалорида иштирок этади: қачонки ўқитувчи болага билим ва тарбия беришнинг умумий концепцияси маълум бўлганда ва қачонки янги концепция куриш талаб этилганда биринчи ҳолда педагог аник манбаларга мурожат килиб, вариациянинг барча имкониятини хисобга олган ҳолда, ул'ринг маъносини харакат изчиллигининг маълум ечимини ўзгартириш. Факат шундай шароитдаги мослашув машхур педагогик масалалар, ечим бўлиши мумкин, акс ҳолда у абсамот стандарт ҳолатга мослашган қарама-карши қабул қилишга ўрин беради. Янги концепциянинг шаклланишида ўқитувчи ҳар доим ноаник муаммоли шароитини енгид чиқишида режа сифатида фойдаланади.

Субъектив ноаниклик шароитдаги харакат, инновацион хулқнинг характерли хусусияти масаланинг объектив ноаниклик сифатида ҳам, аниклик сифатида ҳам ечими сифатида намоён бўлади. Фаолиятнинг шу жиҳатига асосланиб, эвристик жараён бошқарувини ва уларнинг шаклланишини амалга ошириш мумкин. Муаллифлик программаси яратилишининг биринчи этапида ёки концепциянинг ноаниклик шароитида фикрнинг интуитив юриш кидирувнинг йўналишини аниклаш мумкин. Программанинг курилиш ўлчамига кўра кидирув доираси кискариб, аникрок бўлиб боради ва «ўрнига» интуитив харакатлар билан аклаш назорат килинган логик фикрлаш улар учун максадга мувоғик бўлган чегаралар вужудга келади. Шундан килиб чиқиб, формат операция шунингдек эвристик кидирувда ҳам иштирок этади, лекин формал бўлмаган компонент ечимини боса олмайди, у ва бу ечимга эга бўлган аник функция ва ўзининг муносабатини татбик килишни таъминлайди.

Асосий педагогик фаолият, профессионал фаолиятдаги мақсадларига өзининг учун ўқитувчи хар доим ижодий масалаларни ҳал қилади. Шунинг билан бирга кандай қилиши кераклыча ҳакида ҳаракат қилиб қарор қабул қиласы. Шулардаги хар бир савол ўзининг фактор күрінішигіңа эта.

Хар хил маънодаги ҳаракат ўзининг хар хил талабларига эта бўлган структурага индивидуал психологик сифат, шунингдек масала ечимидағи жарабёнга ўзининг муносабатини кўрсатади. Бу ерда маънолар курашидаги юзага келётган куринмалар, эмоционал муносабатдаги психологик Тусийк кетта роль ўйнайди. Масала ечишидаги сифат субъект фаолиятининг кўп жижатларини аниклади. Ҳаракат фаолиятининг ички шароитида доимийлик көслайди, фаолиятнинг нафакат операцион томонлари ўзгаради, балки иссаҳологик миханизм ўзгаришига, профессионал имкониятларининг ривожланисига олиб келади.

Шунинг учун ўқитувчи онгли равишда ёки ўз-ўзидан ўзининг бебаҳо сипатининг сифат учун кўллайди, шунинг билан бир вактда индивидуал иш фаолиятини изчил қиласы. «Ушбу ўқитувчи учун қайтарилмас вариант сифатида кўлланилади».

Педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги умуман ўқитувчидан ўзининг индивидуал стилига эта бўлишини, янги шароитда унинг чегараланғанлигини талаб қиласы. Ўқитувчининг инновацион ечиш қабул қила олиши, бაзан тезаккал қилиш, можароли масалаларни муваффақият билан ҳал қилиш инновацион тўсиқни олиб ташлай олиш педагогик фаолиятнинг муваффақиятли татбики зарур шароит яратади.

Тажрибалар шуни кўрсатади, жуда кўп бўлмаган ўқитувчилар мазноли ва юкори поғонадаги хар нарсанни ўз жойига ишлатиш ва интигратив усувларни кўлга киритганлар, шунинг учун инновацион компонентлар фаолияти, аник психологик механизм ривожланиши ва кидирув технологияси позитив таъсир қилиши керак.

## **«ИНТЕРАКТИВ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УНИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» МУАММОСИГА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШИНГ ЎРНИ, ТАРИХИ, ТУРЛАРИ**

“Педагогик технология-бу бутун ўқитиши ва билимларни ўзлаштириш жараёнини ўз олдига таълим шаклларини самарадорлаштириши вазифасини қўючи техник ҳамда шахс русурелари ва уларнинг алокасини ҳисобга олиб өрттиш, кўллан ва белгилашнинг тизимли методидир”

Замонавий билимлар сарн кенг йўл очиши, таълимни такомиллаштириша педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг энг асосий таъсирларидан бириadir.

Мустакил Ўзбекистонимизда узлуксиз таълим тизимни ислоҳ қилишини тиги Давлат таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишига каратиган ҳозирги кунда ўқитувчи фаолиятига, унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор берилмоқда. Таълим жараённанда фаолият

кўрсатадиган ўқитувчиларнинг педагогик фикрлашида ўрин ола бошлаган педагогик технологияни дарс жараёнида кўллашга оид тавсиялар ўқитувчилар учун жуда зарур. Айникеа ҳамкорликка асосланган, ўқувчиларнинг фаолигини оширишга мўлжалланган ўқувчиларни бошқаларни фикрини ёзиши, тушуниш, хурмат килиш, ўзгалар манфаатлари билан хисоблашиши, уларга ўргатиш, таъсир кила олиш ўзининг ва бошқаларнинг "мен"лигини сезиш, хис килиш, ўзини бошқариш, фикрини аник, лўнда ва пухта баён эта олишга, ишлатишга каратишига "интерфаол" ўқитиши усуслари тез суръатлар билан ривожланибижобий самара бермоқда. Ўқитишида фойдаланиб келинаётган интерфаол методлар ўқувчилар ўртасида ракобат мухитини вужудга келтириб, ўқувчиларни ҳаракатчанликка бошлаб руҳлантиради натижада ўқувчилар ҳамкорликка ўргана бошлади. Ҳар кандай интерфаол метод тўтири ва мақсадни кўлтанилганда ўқувчиларни мустакил фикрлашга ўргатади.

Янги педагогик технология таълим тизимининг рационал йўлларини ишлаб чиқарувчи жараён бўлиб, унда ўқитувчи асосий маъсул шахс хисобланади. Чунки унинг асосий вазифаси ахборотни ўқувчиларга тез, аник ва тушунарди тарзда етказиб беришидан иборатдир. Ўқувчиларни янгиликларни қабул килишлари, ва бунга мойиллуклари хамда феъл-автори ҳар-хил бўлишига қарамай ўқитувчи ўқувчиларни мустакил фикрлаш, мушоҳада килиш, хулоса чиқаришга ўргатиш лозим. Бунда ўқувчини асосий ҳаракатланувчи куч бўлиб, ўқиши, мутоала килиш, чизма чизиш, проекцияларни, формулаларни тушуниб, асбобларни ишлата олиши, бир бирлари билан дўстона муносабатда бўлиб олдиларига кўйилган муаммоларни ечишда бир бирларига ёрдам бериш уларнинг асосий вазифалари хисобланади.

Таълим тизимида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиликларни ўқувчиларга янги билим, кўнишка ва малакаларини бериш билан бир каторда, ёниларимизни ўзига ва бошқа инсонларга, жамиятга, давлатга, табиятга нисбатан ўзгаришини, ватанларварлик гояларини оигига ва қалбига сингдиришини хам қўзда туғади.

Кадрлар гайёрлаш миллий ластури ракобатбардош кадрлар тайёрловчи педагогикка кўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди, бир бирниа боғлик бўлган талабларнинг мажмун, педагогикнинг умумлаштирилган моделини ва унга асосан кўйидаги асосий талабларни ифодалайди:

- таълим берниш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати,
- ўқув тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилатлари;

- таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олниш ва изоҳнат кила олиш маҳорати;

Демак, ўқитувчи - педагог ўз олдига кўйилган мураккаб, маъсулиятли ва долзарб вазифаларни бажариш учун хамда таълим-тарбия жараёнига бўлган янгича карашларни шакллантириши учун кўйидаги хислатларга эга бўлинине керак:

- замонавий, илмий ва маланий тараққиётнинг моҳиятини чукур тушуна билиши;

- дунё ва инсон хакидаги билимлар тизимини чукур ва кенг нуктаи назаруда

Значащі;

- ахборот таълим технологияларини ва ўқитиш воситаларини таълим бернишда татбиқ этиши;
  - интернет тармоғи тўғрисида тушунчага эга бўлиши ва ундан ўз билимини оширишда фойдалана олиши;
  - педагогик меҳнатининг самарадорлигини таҳлил этиш йўлларини билдиши ва ўзига ўзи баҳо бера олиши;
  - ойлавий таълим тарбия муаммолари бўйича тассавурларини ривожлантириши;
  - умуминсоний ҳамда миллӣ маданият ва кадриялар;
  - миллӣ гоя ва миллӣ мағфура иқтисодий ислоҳатлар мөхиятини тушуниб олиши;
  - дарс жараёнида педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш йўлларини билиши;
  - ўқувчиларнинг фикрлашлари ва бир-бирлари билан фикр алмашишлари ҳамда дўстона мухит яратиш учун шароит яратиши;
  - ларснинг самарадорлигини ошириш учун лаборатория жихозларидан фойдаланиш ва машғулотлар ўтказишни ўзлаштириб олган бўлиши;
  - техник воситалар ва ўқув воситалардан фойдаланиш йўлларини билиши;
  - болаларнинг баркамол инсон бўлиб етишишида ўзининг изланишлари, ижодкорлиги, ташаббускорлиги, ҳамда бегиним меҳнатлари орқали таълим-тарбия бериши кабиллариди.
  - Юқоридаги педагогиккада кўйиладиган замон талаблари мазмунини амалга ошириш учун ҳар бир ўқитувчи янгича фикрлаш тафаккурини ўстириши, педагогик технологияларни мустакил ўрганиши, унинг максад ва вазифалари нималардан иборат эканлини чукур билиб олиши керак.
    - Янги педагогик технология нима ва биз уни кандай тушунамиз?
    - Анъанавий технологиядан фарқли жиҳатлари нимада?
    - Янги педагогик технология дарсларининг анъанавий дарслардан фарқи шуки, бу дарсда ўқувчига эркинлик мухитини яратиб бериб, унга ўз фикрини зоркин баён этишига имкон яратиб беришдир. Бу имконият кандай яратилади? Ўқувчига хеч кандай тазиқ ўтказмасдан, уни шахсиятига тегмасдан саволлар бериш

## ИНТЕРАКТИВ ҮҚИТИШНИҢ МЕТОДОЛОГИК ПРИНЦИПЛАРИ

Интерактив үкитиши жарабын аңынавий (доска ёнидаги) үкитишидан фарзеди үлароқ бир канча методололик кирралар устунлигига эга. Бу аввалом көр, интироқчиларнинг ўйин қоидаларини ишлаб чикувчи мұаллим ва бир - фантазияланған фәзліл, эмоционал түседеги мұносабаттарында ассоцииранади.

Муаллимнинг интерактив ўқитиш жараёнида ишнинг самараси бир кансер шартларга боғлик:

Биринчи - ўкувчи имкониятларининг берилган технологик (ўйин, тренинг, машқ) мақсад ва вазифаларига муносабатлиги. Танланган технологияниң мақсадига караб муаллим у ёки бу вазифани бажаради ташкилотчи-саидер, коммуникатор ёки келишмовчиликларни бартараф килувчи, фасилитатор.

Иккинчи - гурух иштирокидаги ўзаро муносабатларни хал этишдаги муаллимнинг профессионал тажрибаси. Бунинг учун у диалог ҳамда мультилог, яъни турқумлашган профессионал тажрибаси. Бунинг учун у диалог ҳамда мультилог, яъни турқумлашган диалог санъатини эгалаган бўлиши зарур. Диалог кўринишидаги мулокат психологияда ахамиятли хисобланади, чунки анъанавий "субъект-объект" муносабадига зид равиша "субъект-субъект" муносабатларини ифодалайди.

Диалог доимо ҳар - хил фикрлар ва уларни кўринишларини, шунингдек, барча интерактив ўзаро алока катнашчиларининг кўйилган муаммони биргаликда мухокама килишини ва ечинни топишини назарда тутади. Катнашчиларнинг фаолиги ўкувчиларнинг шахсиятига эмас, балки ўзаро мулокатга, кўйилган вазифага йўналтирилади. Диалогдагина катнашчилар кўйилган масалага турли нуктаи-назарлар орқали ёндашиб билан бир бирини ўзоро бойитишади. Муаллим ва ўкувчиларнинг муносабатларида тенг хукуклиқ, акс алока (жойида ва айни вактда) нинг амалга ошириши, кагта ёшдаги ўкувчilar интилишларининг рўёбга чиқариб, муаммонинг ягона изохини талаб этадиган умумий коммуникатив ва маъно майдонини яратади. Замонавий муоммолар тартиблиги туфайли уларни тушунишда система маъносини берадиган тил зарур.

Интерактив ўқитиш самарасининг учунчи шарти муалимнинг шахсий йўналиши билан боғлик. Батъзан янги технологиянинг иштиёқ иштирок билан олган муаллим кейинчалик, биринчи апробациядан сўнг, ундан воз кечиши мумкун. Одатда, бу холат муаллим ўзининг профессионал ва шахсий обрўсини дискретитизация килиш билан боғлик бўлган хадиксирашта алокадордир.

Табиатшунослик дарсида фойдаланиш учун «Харита» мисолида ўтказиш мумкин. Ўкувчиларнинг оркасига шаҳар, дарс, давлатларнинг номлари ёзилган табиатчалар ёпишириллади. Хонанинг бир томонига «Ўзбекистон», исккичи томонига «Ўзбекистонга чегарадои давлатлар», учинчи томонига «Россия», тўлчиник томонига «Еврона» ёзувлари оснинади. Ўкувчилар ким-кеердалигини топишлари ва ўша ерга бориб туришлари керак. Вазифа бажарилгач, қуйидаги саволларни ўтказилади.

- Гапирмасдан вазифани бажараётганингизда қандай муаммоларга учрадингиз?
- Нима деб ўйлайсиз, нима учун гапирмасдан жойингизни топинг деган вазифа берилди?

3. Бугун дарсда нималарни билиб олдингиз?
4. Ушбу машғулотда кимларнинг харакатидан хурсанд бўлдингиз? Нима учун?

**Масалан:** Ўзбекистон, Козокистон, Кирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон, Фаргона, Наманган, Андижон, Гулистан, Навоий, Қарши, Тошкент, Нукус, Урганч, Бухоро, Термиз, Самарқанд, Амударё, Зарафшон, Сирдарё, Москва, Волга, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Испания, Санкт-Петербург, Нидерландия, Хиндистон, Япония, Хитой, Саудия Арабистони, Польша, КорАқаплоғистон, Греция.

### **Математика (5-синф) Илова-10**

«ким-каерда?» усулини мавзуларни мустахкамлаш ёки тақорорлаш дарсларида кўллаш мумкин. Масалан: ўқувчилар орқаларига касрлар ёзилади, деворларга эса жавоблар илинади. Ўқувчилар ўзларига тегишли каср жавобларини олдига бориб турадилар. Масалан:

### **Она тили (3-синф) Илова-11**

«Ким-каерда» усулини бўлим юзасидан тақорорлаш дарсларида кўллаш мумкин. Масалан: ўқувчиларни орқаларига саволлар ва сўзлар ёзилади. Деворлорга эса сўз туркumlари килинади. Ўқувчилар ўзларига тегишли сўз туркуми олдига бориб туришлари лозим. Иловада савол сўзлар ва сўз туркумлари намунаси келтирилган.

### **3-синфда ёзма бўлишга доир ўйин**

Математика таълим мазмунидаги ўқитувчиларнинг мустакил фаолиятини кучайтиришга имкон берувчи амалий ишлар ва ривожлантирувчи топшириклиар киритиш нюхоятда яхши натижалар беради. Мустакил фикрлаш-ўқувчиларнинг тафakkur доирасини, ижодий фикрлаш салоҳиятини кенгайтиради.

Бошланғич синфда болаларнинг математика фанига бўлган кизикишларини ошириш, аклий қобилиятларини ўстириш жуда муҳим вазифадир. 3-синф ўқувчилари математика машғулотларида төварак атрофдаги ходисаларни миқдор жихатидан таҳлил килиш, хисоблаш ва масалалар ечишга ўрганилилар.

Агар ўрганиладиган машғулотлар қизикарли баён этилса ва ўқитувчини болаларнинг диккатини дарсга тўғри жалб кила олса, ўқувчилар уни осон ўзлаштириб оладилар. Мен ўқувчиларни математика фанига кизиктиришга хамза ўқувчиларни дарсда фаол иштирок этишига интиlamан.

Бунинг учун тарқатма варакаларда берилган мисоллардан кенг фойдаланаман. Топширикни бажаришда бутун синф ўқувчилари иштирок этадилар.

### **МАҚСАД:**

1. Ёзма бўлиш хакида тушунча бериш. Мисол ва масалалар ечиш.
2. Иктиносидий тушунчаларга татбик этиш.
3. Дидактик ўйинлар орқали ўқувчилар билимини мустахкамлаш.
4. Рейтинг усулида баҳолаш.

**Жиҳоз:** рейтинг хулюсаси, тартиб ракамлар, карточкалар, математик

үйинлар, мисоллар ёзилган китобчалар, масаларанинг шарти ёзилган лавха.

Тури : Ноанъанавий.

1. Дарснинг бориши.

Хозирги дарсизмиз кандай даре? Хозирги дарсизмиз - математика.

Ўқитувчи: Сизларни билимларинингизни рейтинг усулида 1,2,3 балл билан баҳолайман. Энг юкори балл 3 балл. Рейтинг ойнаси докага илинади. Ойнада 1,2,3...37 сонлари жойлаштирилган. Ҳар бир ўқувчи ўз тартиб ракамига эга бўлиб, парта четыарига бу ракамлар кўрсатиб кўйилади. Кайси тартиб ракамдаги ўқувчи жавоб берса, жавоби учун рейтинг ойнисидаги тартиб ракамига балл кўйилади.

Бугунги математика дарсизмизда ҳамма кўп балл йигишга киришсин. Рейтинг ойнаси кимнинг неча балл олишини кўрсатиб туради.

## 2 Математик диктант.

Ўқувчилар факат жавобни ёздишлар.

А. 32 сонини 3 марта ортиринг.

Б. 472 сонини 2 марта камайтиринг.

В. 765 дан 42 билан 2 нинг кўпайтмасини айиринг.

## 3. Ўтилган мавзуни тақрорлаш.

Саватчани тўлдир. Ўқувчилар тартиб билан чиқиб мевалар шаклида ёзилган мисолларни ечиб саватчага соладилар. Мевалар шаклида ёзилган мисоллар.

726 : 2	621-457
473 x 2	844:4
968:4	614+326
287 x 3	702:9

Мисолларни тўғри етган ўкувчилар ўз балларини оладилар ўкувчилар олган балларини ўз тартиб ракамларига ёзиб борадилар.

## 4. Янги мавзу:

Ёзма бўлин.

Кўргазмали куроллар оркали ёзма бўлиш хакида тушунча берилади ва амалий машқлар ўтказилади, 1252-1253 мисоллар ечилади. Кизикарли кубиклар ўйини.

З та ўкувчи доскага чиқиб стол устига кўйилган кубикларни айлантиради. Ўзига қараб турган томонидаги масалани ечиб беради. 1 минутда ким кўн мисолни тўғри ечса, шу ўкувчи голиб чиқади.

**Жавдар - бутдойнинг бир тури Қўл бола - қўлда ясаладиган нарса**

Дарс мавзуси: **Жавдарни нон.**

Дарснинг максади:

а) Жавдари нон кандай ундан тайёрланиши, унинг кандай нон еканлигини тушучтириш;

б) Ноани кандай тайёрланишини кандай меҳнатлар эвазига дастурхонимизга

етиб келишини ўргатиш;

в) Нонни истроф килмасликка, уны кадрлашга ўргатиш.  
Дарс тури: Амалай - назарий.

Дарс типи: аралашган, күргазмалик, ўйин.

Дарс жиҳозлари: дарсга оид расмлар, тарқатма дидактик, материаллар, ребус ва плакат, бош котирма, лугат.

Дарснинг бориши:

### 2. Ташкилий қисм:

Шер билан бошланади, навбатчи ахбороти, давоматни аниқлаш, маънавият дакикаси ўтказилиди.

### 3. Ўйга берилган вазифани сўраш ва баҳолаши:

Ўйга вазифа килиб берилган шеърни ёдлаш сўралади, савол жавоб ўтказилиди.

1. Қорбобо йил бошида қандай экан?

2. Йил охирида қандай бўлди?

3. Шу бир йил ичига у нималар килибди?

Сўнг "мазайка" ўйини ўтказилиди.

Ўйин кондадари: Бу ерда ҳар бир партага биттадан конверт тарқатилади, унда ўйга вазифа килиб берилган шеърдан ёзилган. Ўкувчилар бу сўзларни сўнгизга теришлари керак бўлади. Бунинг учун улар шеърни ётдаш билишларни шарт. Биринчи бўлиб, сўзи арни териб тутгатган гурух голиб бўлали.

### 3. Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш

Киши хакида торишмок, шеърлар ёдлашади. Сўнг барча ўкувчилар 6 та гурухга бўлинадилар. Доскалаги расмлар асосида шик, шор, совук, изгирин, муз, ях, яхмалак, сумалак, аёз сўзларни ақийб хикоя тузадилар.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун кроссворд бошқотирма ечилади.  
*Кўбноқ дағқиқалар.*

Дараҳт ўсоли тикқа, шоҳ чиқаради ёнга

Кўёшдан нур олади, ерга соя солади.

Тўр-тўр-тўр футболчилар терар тор

Дарвозабон кур шошар ишшибозлар карашар

Анна, ана гол бўлди, хисоб 1:0 бўлди.

### 4. Янги мавзу баёни

1. Бошқотирма. Расмлар берилган. Шу расмлардаги бош ҳарфларни олис сўз ясаймиз. Биз ўрганмоқчи бўлган матнни номи келиб чиқади.


2. "Жавдари нон" хикоясини гурухларга бўлиб ўқитилади.

### 5. Янги мавзуни мустаҳкамлаш

Шу матн юзасидан савол тузилади. Гурухлар саволнарни тузилади. Учун вакт берилади. Саволлар тайёр бўлгач ҳар бир гурух ўзининг саволларини ўқийди. Бошқа гурухдагитлар эса саволларга жавоб берадилар.

Матнни мустаҳкамланган учун кискача нон хакида гапириб ўтилади. Буёдойин қандай етнотирилиши, қандай килиб ун килиши ва албагта нон килиб ёниш учун канча-канча кишиларнинг меҳати сарфланиши айтиб ўтилади.

Тоншириш: кластер усулида "кон" ни турларини күрсагиб берилади.



Нон хакында ўзлары билгани шөр маколлар ёдлашади. Топширик: "Жавдарни нон" мавзусида расм чизалилар. Дағыда фаол катнашган ўкувчишарни зөлон килиб баҳохайман.

#### **6. Уйға вазифа берүү ва дарсга якун ясаци**

7

"Жавлары нөн" матканин ифолали ўқиб кайта хикоялашты тайёрланиб келиш. Шунинг билан дарсизмиз тамом, танаффуз.

## **БОЙКОТИРМА**

1. Илм маскани.
  2. Гомла узинг уйи пасда ўсади бўйн.
  3. Конъки учалдиган жой.
  4. Кишдан харорат.
  5. Фасл.
  6. Янги йилт кахрамонлари.
  7. Мактабдан ўрганадиган нарса.
  8. Бахо.

	М	А	К	Т	А	Б			
	М	У	С	Т	А	К			
Й	А	Х	М	А	Л	А	К	И	Л
С	О	В	У	К					
	К	И	Ш						
К	О	Р	К	И	З				
		Б	И	Л	И	М			
	Б	Е	Ш						

## ҮКИТУВЧНИНГ БАХОСИДАН ҮКУВЧНИНГ ЎЗ ҮЗИНИ БАХОЛАШИ

Хозирги вактда кўлланиладиган текшириш ва баҳолаш тизими ўқитувчиларга кўп қийинчликлар тудиради ва уларнинг норозилигини чиқаради. Улар асосли холда балли баҳолаш тизими ўқувчининг билимини аниқлашиб ва ажратиб берса олмайди ва баҳолашла ўқишининг сабаблари ва замраси инобатта олинмайди деб ҳисобланадилар. Бу байзи ўқитувчиларнинг ва таъланошлик жамоаварнинг алътернативи ва самарацироқ тизимларини излаштирикатиди.

III. А. Амонашвилиниң экспериментал таълимида, А.И. Тубельскийниң

«Ўзлигини топши» («Школа самоопределения»)сида, бир қатор бошқа мактабларда анъянавий баҳолар ўрнига баҳолаш характеристикалари кўлланилади. Баъзи мактабларда ўн баллик баҳолаш тизими, баъзиларила алоҳида синфларда баҳо кўйилмайди.

Анъянавий баҳолаш тизими хакиқатдан ҳам ўқитиш, тарбиялаш, аниқлаш, рағбатлантириш тўлиқ хисобга олмаганилиги учун жуда жиддий етишмовчиликларга эга. Шундай экан, ундан воз кечиш ва ундан яхширок ишлаб чиқилган тизимга ўтиш туғрирок эмасмикин? Балки ўқувчилар баҳонинг жазолаш функциясидан холос бўлгач яхширок ўқирлар, ўз ўқувчилик мажбуриятларига сиддиқидан ёндошарлар.

Баҳо кўйиш тизимидан воз кечиш боланинг ўқишига бўлган қизиқишини оширади, уни ички интилишини кучайтиради деган умидлар, ўзини оқламали. Ҳозирги кунда ўқувчилар баҳога қандай муносабатдалар? 98 % бошланғич синф ўқувчилари баҳо кўйиш тизимини саклаб қолишини хоҳлайдилар. Ўйтаймизки, юкори синфларда ҳам бу кўрсаткич сабаблари бошқа бўлса ҳам, ўзгармай колади.

Баҳо тизимидан воз кечишнинг максадга мувофиқ эмаслигини бир қизик психологик текширув ҳам кўрсатади. Америкалик психологлар баҳонинг ўқувчи таълими самарасига бўлган таъсирини ўрганмокчи бўлдилар. Тажрибага кўра бир синфда ўқувчилар маълум вакт ичидা жавобининг қандайлигидан катъий назар факат мактанилади, бошкасида факат камчиликлар кўрсатилинади, учинчисида умуман хеч қанча баҳоланимайли. Тажриба натижалари шуни кўреатадики, энг яхши натижалар ўқувчилар мактанилган синфда бўлади. Аммо энг қизиги шундаки, ёмон натижалар иккинчи синфда эмас, ўқувчиларнинг ўқиши жараёни хеч қандай баҳоланимаган синфда бўлади. Ўқувчининг ўқишига қизиқиши қанчалик юкори бўлмасин, таълим жараёнига қандай ички сабаблари бўлмасин у ҳар доим ташкаридан рағбатлантирувчи сабаб, ёрдам ва кўллаб - кувватлашни кутади. Боланинг назаридаги орқали уни кўллаб - кувватловчи ўқитувчининг хурмати ошади.

Ўқитувчининг баҳоси факат ўқувчи билимини программа талаблари на таълим стандартларига солиштириб ўлчабгина қолмай, ўқувчининг билим олишга интилишини кучайтиради, уларнинг ўз -ўзига баҳо берилни шакллантиради.

Айтилганлардан хулоса килиш мумкинки, ҳам педагогик ва ҳам психологик нуткай назаридан баҳо тизимини бекор килиш ўзини оқламайли. Унинг ҳар қандай камчиликларига қарамай шу пайтгача унга альтернатив тизим топилгани йўқ. Шунинг учун факат баҳо тизимини ривожлантириш, ҳатоларга йўл кўймаслик хакида гапириш мумкин. Ҳатолар эса, афсуски, ҳали кўп.

### Ўқитувчиларнинг хатолари

Ўқитувчиларнинг ўқувчилар билимини баҳолашда мухим хатоларидан бири турли ўқувчилар гурух ларига субъектив ёндошишларидир. Бу бир ўқитувчининг турли ўқувчиларга бир хил иш ва бир хил жавоб учун кўйган баҳоларидаги кўринади. Фарқ баъзи холларда икки баллгача бўлиши мумкин.

Ну нарсага жыгындар берилдики, йиллар давомида ўқитувчида турли ўкувчилар гурухлари хакида маълум тушунчалар ва шуларга асосланган муносабат шаклланади, бу яхши ўзлаштирувчи ва ёмон ўйидиган болаларга нисбатан бўлган муносабатда якъол кўринади. Ажратилиган муносабат яхши ўзлаштира олмайдиган ўкувчининг жавоб бериш учун камрок чакрилишида, унга ўйлаш учун камрок вакт берилишида ҳам камрок кўринади.

Куйилаги вазиятни кўз олдингизга келтиринг. Доска олдида яхши ўзлаштира олмайдиган ўкувчи жавоб беряпти. У ўзига ишончсизлик билан кўрхаб гапиряпти. Ўқитувчининг бунга муносабати қандай? У ўкувчининг жавобини охиригача эшитмай, гапини бўлади, ёмон баҳо кўйиш билан бирга «Сен яна тайёр эмассан», «Сени ўзгартириб бўлмайди», «Сенга тушуниришининг фойдаси йўқ» дейди.

Энди бошқа вазиятда караймиз. Доска олдида аълочи ўкувчи худди ишундай ёмон жавоб беряпти. Ўқитувчи бундай вазиятда нима қилади? У ўкувчига ёрдам, ёки ўйлаш учун вакт беради. Иккита бир хил вазиятда ўқитувчи олдида қандай ўкувни турганига караб ўзини икки хил тутади. Бу иккни хил муносабат олдиндан шаклланган тушунчанинг натижасидир. Кўрсатилган миссоЛлар субъектив ёндошишнинг кўринишидир. Шундай муносабат эса мактаб баҳосининг тарбияловчи, рағбатлантирувчи, ўзлаштиришни кучайтирувчи таъсирини камайтиради.

Америкалик педагог Блум ўкувчининг нутк тезлиги баҳога таъсири қиласи деб хисоблайди. Буни маҳсус тажрибалар ҳам тасдиқлайди. География фанидан бир материал ўкувчи тарафидан иккى марта айтиб берилди: биринчи марта 16 минутда, иккинчи марта 24 минутда. Жавобгар видеокассетага ёзиб олинди. Сўнгра 81 та география ўқитувчилари тез ёки секин ёзилган жавобни баҳоладилар. Тезорк айтилган жавоб учун жавоб учун эса 2,5 бали баҳо кўйилди. Тажриба авторлари ўкувчи нуткининг ёзкори тезлиги ўқитувчиларда унда чукуррек билим ва қобилият билан бояниң деган тушунча бор деган хулюсага келдилар.

Ўқитувчилар ўкувчи нуткининг тезлиги унинг билимиға эмас, нерв системасининг тузилишига боғлиқлигини билмайдилар. Флегматик тиддаги ўкувчига секин ҳаракат қилиш, бир турдаги ишдан иккинчисига секин, кийинчилик билан ўтиш ҳарактерли бўлади, унга саволни тушуниш ва жавобга тайёрланиш учун кўпроқ вакт керак бўлади. Бундай ўкувчи тезкор холерикга нисбатан жавобга кўпроқ вакт сарфлайди. Ўқитувчи эса буни ўзгача тушунади. Ҳар хил нерв системали ўкувчиларга нисбатан кийинчиланган хато баҳо тизимининг камчилиги эмас, ўқитувчининг субъектив, ўкувчиларнинг нерв системаси тузилишини билмаслиги туфайли хатосидир.

Мактаб иш фаолиятида кўпинча ўкувчиларни бир - бирларига таққосланади, биринчият ўқишилаги муваффақиятлари иккинчисига уни ўзлаштирилиб макталада «Кара, у қандай яхши ўйнди», соддадиллик билан иккеничиси ҳам яхши ҳаракат қилишига ишонилади.

Ўкувчиларни бир - бирига таққослаш, солишириш максадга мувофиқми? Бундай таққослаш яхши ўзлаштира олмайдиган ўкувчини

рағбатлантира оладими? Юкоридаги саволларга жавоб олиш учун психологияк тест ўтказилди. Синфда ўкув йили давомида ўкувчанинг факат ўзи билан таккосланди, факат унинг ўзига ўқитувчи ютуклари, билим савияси хақида маълумот берди. Бошқа синфда бир ўкувчининг ютуклари унги имкониятлари бўйича тенг бошқаларнинг иш ўқиши натижалари билан таккосланди, учинчисида эса умуман таккослаш бўлмади. Ўкув йили охирида энг яхши ютуклар бир хил имкониятли, лекин ўкишда турли муносабатда бўлгандиги сабабли турли натижаларга эришган ўкувчиларни таккосланган синфда бўлди. Таккослаш бу ерда ўкувчанин сикиб қўймади, балки унга ёрдам берди. Ўкувчи ўзи билан таккосланган синфда ҳам яхши натижалар кайд этилди. Яхши ўзлаштирувчи ва ёмон ўзлаштирувчи болалар таккосланган синфда эса умуман бошқача натижага кузатилди.

Ўтказилган тажриба авторни куйидаги хulosага келтирди: «Ўкувчиларни бир - бирига шундай таккослаш керакки, бирини макташ ёки иккинчисини камситиш эмас, балки ўкувчиларни яхширок натижага эришишга, шахсиятини ривожлантиришга ундаш, рағбатлантириш керак».

К.Д.Ушинский ўкув-таълим жараёнида болаларнинг таккослашини нотўғрилигини исботлаш учун «Гарбичи болани ҳеч қачен бошқаларга таккослаб макгамаслиги керак, факат унинг олдинги етишмовчиликларига, яхшироғи эса умуман етишиш мумкин баркамолликка таккослаш мумкин», Болаларни бир бирига таккослаш, бирини иккинчисига ўрнак килиб кўрсатиш педагогик тарафдангина эмас, маънавий тарафдан ҳам ўзини окламайди. Аёлга уни ким биландир солиширишганда ёқмайди, у ҳеч кимга ўҳшамасликни, бетакрор бўлишни ҳоҳлади. Ўкувчи ҳам деярли шундай. Тарбиянинг одамийлик тарафи болани қандай бўлса шундайлигича кабул килиш, унинг ўсиб шахс сифатида ривожланишига шароит яратишдир. Ўқитувчи тарафидан болани баҳолашда йўл кўйиладиган хатолар - ўкув таълим жараёнининг бузилишига олиб келади. У шу тизимга тегишли бўлган камчиликларни кучайтиради ва унинг самарасини пасайтиради.

### Ўкувчи ўзини баҳолайди

Ўкувчилар билимини баҳолаш атрофидаги тортишувлар,

баҳолаш тизимларини такомиллаштириш ва янгиларини излаш, менингча, нотўғри йўналишида бормоқда. Албатта, ўн баллик тизим киритиш ёки баҳолардан умуман воз кечиш мумкин, ҳар хил текширув усусларини - тест, имтиҳон кўллаш мумкин, лекин мазмун ўзгармайди: ўқувчи ва унини ўкув - таълим олиш жараёни ўқитувчининг баҳолаш объекти бўлиб колади.

Менинг назаримда баҳолаш тизимининг самарасини оширишининг энг сермаҳсул йўли бу ўкувчининг баҳолашда актив катнашувчига айланнишидир: ўқитувчининг баҳосидан ўкувчининг ўз - ўзини баҳолашга ўтишдир, яна ҳам яхшироғи бу икки хил баҳолашни бирга олиб борин. Факат текширув ва баҳолаш кўникмаларининг етилганлиги ўкувчини ўкув жараёнининг субъектига айлантиради. Шундай килиб тап ўкувчининг ўз - ўзини баҳолаши ҳакила кетаяти. Ўз - ўзини баҳолашни етилишига қандай омиллар олиб келади? Мактаб ўкувчиси ўз - ўзини тўғри баҳолашни ўрганиши учун уларни биринчидан, ўзининг ўкув жараёчини баҳолай

жараённага киритиш. Ўз - ўзини баҳолаш куйидаги омиллар кўллашда ишакланади:

1. Ўкувчи тарафидан бошка ўкувчининг ишини баҳолаш, яъни бир-бирини баҳолаш. Макола авторининг фикрига кўра, синфдошининг иши хакқида маълумотиниң борлиги ўз - ўзини баҳолаш кўникмасининг ҳосил бўлиш шартларидан биридир.

2. Ишни бажартган ўкувчи ўзига баҳо кўяди, сўнгра бу ишни ўқитувчи баҳовайди. Иккита кўйилган баҳо солиштирилади ва биринчи кўйилган баҳочининг тўғрилиги текширилади.

Куйидаги усулни кўллаш хам мумкин: оғзаки берилган жавобдан сўнг ўқитувчи жавоб берган ўкувчидан у ўзига қандай баҳо кўйган бўнишини сўрайди.

Шу асосда ўқитувчида унинг янги психологик ривожланиши --- педагогик рефлексия пайдо бўлади.

#### **Ютуқнинг уч шарти**

Албатта, аналитик иш катта вакт талаб килади. Шунинг учун савол тутилади: у тўликлинича хаккий педагогик иш жараённида мумкинми?

Бу саволга ха деб жавоб бериш учун баъзи шартлар бажарилиши лозим.

Биринчи шарт вакт ўтиши билан техник ташкил қилувчилар (элементлар) шунчалик автомат ҳолига келтирилиши керакки, керакли вазиятда улар ўз - ўзидан ишласин. Шунда педагог иш давомида ўз ҳатти-харакатини, у орқали эса ўкув жараённини бошкара олади. Бу кўникмаларни яхши эгаллагандан ўқитувчи кўпроқ эътиборини ўкув жараённинг муаммоли томонларига, масалан, ўкувчининг хохиши ва шахсий томонларининг талабаларга мос эмаслигига ва ўкув жараённини сомарасини олиришига қарашни мумкин. Дастроб ишни ташкил қилиш билан бозик анализ кўникмалари хали яхши эгалланмагандан ишни чукуррок режалаштириш ва кейинги чукуррок анализ талаб килинади. Бунга ажратилган вактни зарурат деб кабул килиш керак.

Анализни ташкил қилувчиларини (элементларини) тезрок автомат ҳолига яхшилини ва жараённинг мазмунини тушуниш учун иккинчи шарт лозим. Ўқитувчи ўзининг баъзи шахсий хусусиятлари маълум педагогик муаммоларни, ўкувчига бошқача таъсир қилиш йўлларини ногури турлигиши мумкинлигини тушуниши керак. Шу нарса. аникланганки, «авторитар» ва «демократ» ўқитувчилар бир хил тарбиявий муаммоларни турлича халқилалилар. Биринчилар, иккинчилар эътибор берадиган ижодийликни ўнугтиб, ўкувчилардан кўпроқ мажбурийликни талаб қиласидилар. Муаммоларнинг гузилишига ўқитувчининг педагогик йўналиши хам ёки бозини ҳар томонлама ривожлантириш йўналишини бериши мумкин. Демак ўқитувчи ўзига профессионал тарафдан керакли шахсий хусусиятларни бидуни керак ва ўзини тўғри баҳолани керак.

Учинчи шарт: ўқитиши ва таълим максадига факаттина ўқитувчи ва ўкувчиларни фаoliyati вазиятнинг турлича бўлишига қарамай биргаликда ташкил этилганлигига эришилади.

## **Ўзини ва ўзининг болаларга муносабатини тушуниш**

Шундай килиб, анализ принципларини эгаллаш ўқитувчига педагогик жараённи бутунлай кўришга, уни мазмуни, логикасини ва конуниятларини тушунишга, ҳатолар, қийинчиликлар сабабини топишга ва йўкотишга ёрдам беради. Сизнинг диккатингизга ўқитувчига ўзини, болаларга ва ҳамкасабаларига бўлган муносабатини чукурроқ тушунишга, қийин вазиятда ҳатти ҳаракатларини анализ килишга ёрдам берувчи деярли оддий услугб тақтиф киляпмиз. Бу доимий тўлдириб турорладиган «Ҳафтанинг энг асосий вокеаси» бланкларирид.

### **Ўқитувчи ўкувчи ролида**

Дарс олиб борувчи ўқитувчи ўкувчилардан нимани кутади? У, албатта болаларнинг ўкув жараёнига кизикиш ва диккат билан карашларини, дарсга актив катнашишларини, билим савияларини табора оширишларини хохлайди. Ҳар бир ўқитувчи кайси мактаб, кайси миллатга мансублигидан, энг асосийси ўзини ўкувчиларга нисбатан кандай ва ким деб хис этишидан катъий назар, буни ўз йўллари ва методлари билан ҳал қиласи. Бу охирги савоннинг жавобига педагогик ишнинг самараси тўғридан- тўғри боғлиқдир.

### **Ўзига четдан ростгўй қараш**

Бизнинг замонамизда ўқитувчининг энг оғир муаммоси бу ўкувчининг ахборот олиш манбаларининг кўплигидадир. Ўкувчи бирор бир фан ёки муаммо билан кизикса бу манбалардан (масалан маҳсус журнал) хохлаганича ахборот олиши мумкин. Албатта бу вазиятда у ўқитувчидан анча илдамлаб кетиши мумкин. Асосий ахборот манбаи бўлмай колган ўқитувчи нима килиши керак? У ўкувчини нима билан дарсга кизиктириши мумкин? Ўқитувчи ва ўкувчи орасидаги ўзаро боғлашув нима ва у ҳар доим бўладими?

Таклиф килинаётган практикumlарда ўқитувчига четдан ўзига *ростгўйлик* билан қараш, ўзини қайта - қайта текшириш имконияти берилади. Унинг дарсда ўкувчилар билан ўзаро тушунишлари кандай ва бу муносабат кандай шаклланмокда? Ўқитувчи ўз ролидан мамнунми? Келинг ўқитувчи ўзига ойнага карагандек қарасин, унинг дарсида ўкувчилар нималарни ўрганаётгандарини билсин. Практикумда ўқитувчига ўкувчи ролида бўлиб қолади? Семинар - практикум ўтказувчилар унинг ўқитувчи айланадилар ва 3-5 машғулот (ёки кун) давомида ўкувчилар ролид бўлиб, ўзларини ўкувчилардек хис этадилар. Бу уларга ўкувчиларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Бунга театр педагогикиси ёрдамида эришилади (балки қайсиидир иштирок этувчи ўқитувчига бу ўйиндец туюлар, бу холла семинарнинг самардорлиги анча пасаяди).

Семинар - практикумнинг самараси ҳар бир алоҳида ўқитувчи учун унинг бу машғулотларга нима мақсадда келганига ҳам боғлик. Ўқитувчиларнинг асосий гурухи машғулотларга мактаб томонидан мажбурий «малакасини ошириш вакти келганилиги учун» юборилади. Улар орасида факат рўйхатдан ўтиш учун келганилари ҳам йўқ эмас. Бу, албатта, энг ёмон холдир, натижада улар вактларини бекор ўтказиб, хеч кандай фойда олмай кетадилар. Аммо бундайлар камчиликни ташкил қиласидилар.

Машғұлолттар иштирокчиларнинг асосий түрлүк хар хиг үсуулар билан малакаларини оширишиңи хохлайдилар ва улар орасыда театрға кизиқишиң болғаны учун бу семинар - практикумларга келадилар.

Семинарлар қандай ўтказилади? Бир неча йил давомида ўқувчилар билак ишләйтган, дарсни қандай олиб боришини жуда яхши биладиган ўқитувчига бошқа нотаниш ўқитувчилар күз олдидар ниманидир йұнаш, кимгәдір айланыш, овозини ўзғартыриш, шеър ўкиш ва ашула айтиш таклиф қилинади. У буни килишни хохлаши керак! Хохлаши учун эса у тез, худди ўқувчи дарсдаги каби, күркмаслик, ишонч ва ижод атмосферасыга кириши керак. Театр құлловчы воситалар бунда ўқитувчига (кейинчалик унинг ёрдамида ўқуачига хам) күл келади.

### **Театр маданияти - муносабатлар санъатидир**

Үқитувчилар билан иш жараёнида биз уларнинг театр маданиятини оширишга, театр ишининг асл маъносини тушунтиришга харакат киламиз. Театр маданияти тушунчаси нимани англағади? Қиска килиб айтганда. театр маданияти ва театрни тушунниш хаётда ўз уй ва максадларини сергаклик билан тағбик килишдір. Бирок театр санъати бу хакида түгридан - түғри ганағымдай. Ташки тарафдан қараганда ҳаммаси оддий: драматург ёзади, режиссёр сахнага күяди, актёр үйнайды. Үйлар рүёбга чиккандан сүнг ким асосий ишни күлганини айтиш қыйин, албатта. Сахнада қандай килиб хаёттылықни намоён этишга эришилади? Томошабинга театр воситалари орқали ҳар бир иштирокчининг ҳатти - харакатлари тушунтирилади. Театр маданияти - факат харакат, характер маданиятигина бўлиб қолмай, у ўзаро муносабат одам ҳатти - харакатларини тушуниш маданияти ҳамдир. Биз ўз ишнимизда режиссёр үйларини амалга оширувчи ва томошабинга уларни етказувчи театр актёрлик маданиятига таянамиз. Бу маданиятиң ўргатиши үсуулари ва машғулотларни ташкил килиш үсууллари бу педагогик масалалардир. Шунинг учун биз ўқитувчининг театр маданиятини унинг педагогик маданиятини оширмасдан кўтариш мумкин эмас деб хисоблаймиз. Шундай килиб театр ва педагогик маданият чамбарчас боғлик бўлиб колади.

Педагогинг анъанавий ўкув жараёни парта ортида ўтади - талабалар маърузалар тинглайдилар. Баъзи машғулотларда эса уларга бирон матн мазмунни бўйича ўқувчиларга савол бериш таклиф қилинади. Лекин у бу саволларни қандай беради, бу түғрисида педагогикада хеч нарса дейилмаган. Ўқитувчи савол берадими ёки шу саволларга жавоб олиш учун кўрсатмалар тарқатадими? Савол бериш жараёнида у ўзини қандай тутади - у бу саволга ўзи ҳам жавобни билмаслигини кўрсатадими ёки у ўзига таниши нарсаларни ўқувчиларга очишни таклиф қилаётганини кўрсатадими? Ўқитувчининг ҳатти - харакатларини ўргатиши педагогикада асосий ўрин тутса ҳам унинг назаридан четда колади. Бу бўшликин тўлдиришга театр маданияти ёрдам беради.

Семинар давомида ҳар бир «ўкувчини» унинг хеч кимдан кам змаслигига, у факат дарсга катнашиши хохлашишигина эмас, балки катнаша олишига ишонтира олсак, биз машғулот мақсадига етган бўламиз.

Үйитувчининг машгулотдан сүнг асосий масаласи дарсни шундай ташкил килишки, бунда хар бир бола ўзини бошкалардан кам хисобламасин, дарсда фаол катнашиви ни хохласин, дарсга кизикиш билан келсей. Шундагина ўкувчи билим олишга ўрганади. Шунинг учун семинар - практикумга келган ўйитувчиларга биз «Сизга хеч кандай янгилик ўргатмаймиз, факат янги йўналиш кўрсатамиш халос» деймиз. Бу йўналишда балки сиз шу йўналишда турганингиз учун нималарга эришишингиз мумкинлигини тушунарсиз. Биз хар бир семинар иштироқчион машгулотларнинг уч катлами хақида тушунчага эга бўлишларни хохлардик. Семинар бошловчиси бир йўналиш танланганда (биринчи катлам), иштироқчилар ўзларига методист сифатида фойдали бўлган вазиятда бўладилар (иккинчи катлам), ва бир вактнинг ўзида ўзларини кобилятили ва акли ўкувчилар деб кабул киласидилар (яна бир катлам). Бу мураккаб муносабатларни кўришни театр педагогикаси усувлари, театр маданияти ўргатади.

### **Яна бир бор ўз олдида ростгўйлик хақида**

Ўйитувчи ўкувчилар билан асл муносабатларга эришиш учун, ўкувчиларнинг дарсга ижодий ёндошишлари учун кайси йўлдан бориши керак? Агар у тажрибали бўлса, у воз кечиши - ортиклича талабаларидан, педагогик «инжиклигидан» - йўлидан боради.

Демак, бир тарафдан, ўзининг устунлигидан воз кечиши, иккинчи тарафдан, болани яхширок тушунишга харакат қилиш ва уни шахс сифатида хурмат килиш. Биз ўкувчилардан айнан шундай ўзгаришларни кутардик, хеч қачон улар «ўкувчилар мажбур, улар хис этишлари керак, улар тушунишлари керак» деган сўзларни айтмасинлар. Театр маданияти ўйитувчига хақиқатдан хам ўкувчилар хис этаятиларми, тушуняйтиларми, деган саволга жавоб беришга ёрдам беради. Яъни биз яна муҳим саволга қайтаямиз - педагогга ўзига ростгўйлик билан карашни ўргатиш. Бу жуда мураккаб масала (факат ўйитувчилар учунгина эмас) -- узок вакт биз бундан маҳрум эдик.

Нима учун, бизнинг назаримизда, семинар -- практикумлар давомида ўйитувчиларнинг бир - бирининг олдида театрлашган бажаришлари мухим? Биз педагогик хулкни бир - биримиздан ўрганамиз! Бир - биримиздан малакамизни бойитамиз! Чунки агар ўйитувчи хамкасабасига ўз ишини кўрсатгиси келмаса, бу нософ мухитнинг белгисидир. Табиий шароитда ўйитувчиларнинг ўзаро фикр алмашишлари зарурятдир, худди врачларнинг консилиуми каби. Агар ошпаз ўз ишига хақиқатдан кизикса, у хамкасби пиширган таомни татиб кўради ва ўзи пиширган таомни хам хаммага таклиф киласи. Агар у фактат ўз сирларини сактсан билан овора бўлса, у иш билан эмас, мансаббозлик билан банддир.

Педагогик иш бу шахс билан боғлик иш бўлгани учун у билан шуғулланувчи одам иш давомида шахсиятини очади. Ўйитувчи канчалик ўзликни беркитмасин, барибир ўкувчилар унинг шахсиятини тушуниш

оладилар ва сезадилар. Ўқитувчи шахсиятини канчалик кўп беркитишга ҳаракат қиласа, у ҳамма нарсага бефарқ қаровчи мансабдорга айланади, у факат настур бажарин учун ишлайди.

Бу ерда, албатта, бизнинг революцияга кадар (мъълум вакт чет эл, масалан француз мактаблари) мактабларимиз педагог дарслан ташқари ўкувчи хақида қайғурмаслиги керак деган нуқгай назарни тарғиб килгандарини эслаб ўтиш лозим. Яъни, ўқитувчи келди, дарс бўйича саволлар берди, янги мавзуни тушунтириди ва кетди. Балки бундай ўқитиши мумкинлир, лекин факат юкори синфларда -ўкувчи ўқиётганини ва билим олиши зарурлигини тушуниб етгандан сўнг. Бошланғич синфларда эса ўқитувчи билан бундай муносабат бола учун азоблидир. Ўспирин эса ўқитувчи факат пул олиш учун ишлайтганини тушуниб етса, муносабатлариз ўкув жараёнига ҳар кандай кизикишини йўқотади.

### Бир тийинга арзимас таълим

Бир толиба аёл «олимлар ҳақиқат ҳар доим тирик бўлишини тушунадилар» деган эди. Чунки биз уни ўзимиз учун ўзимиз қийналиб ғопамиз. У «карзга олинади» ёки бировники бўлиши мумкин эмас. Худди мазна шундай бегона ҳақиқатни ўз ҳаётига татқиб этмокчи бўлган инсон хато қиласди. Чунки у бу ҳақиқатни тушунмайди. Балки ҳамма каби иш тутади.

Таълим масаласи ҳам айнан шундай. Агар билим олиш жараёни боланинг қалбига тегмаса, факат эслаб колишини талаб қиласа, у қийинчилик билан ўзига янтиклар қашф қиласа, унинг шахсиятни ривожлантирмаса бу таълим хеч нарсага арзимайди.

Шунинг учун мактаб, айниқса бошланғич таълим даврида ҳаётий, ўзаро муносабатларга тўла бўлиши керак. Чунки биз болани факат илмга эмас, мустакил яшашга ўргатамиз. Ҳар кандай дарсни ўқиши болага ўзига ишонч бериши керак. Биз, педагоглар бу масалани ҳал этиш учун болага каердадир ёрдам берамиз, каердадир енгиг ўтишни ўрганиши учун сунъий қийинчиликлар яратамиз, енгиг ўта олмаса кўрсатамиз. Бунинг ҳаммаси бола мустакил ҳаётда у ўз муаммоларини мустакил ҳал эта олиш учун ёки уларни ҳал килишга тайёр бўлиши учун.

Мана мактаб практикасидан бир кичик мисол. Талаба дарсни ўтказгандан кейин, практик раҳбарлари ундан сўрадилар: «Дарслан мамнунчимисан?» «Болалар дарсга актив катнишдилар, ҳамма саволларга жавоб бердилар». «Кимлар жавоб бердилар?». Ўқитувчи ўкувчиларнинг фамилияларини айтди. «Эшик олдидагиларчи?». «Йўқ, улар жавоб бермадилар». «Сенга факат ўзи кизикувчи болалар жавоб берганлар. Биз сенинг дарсингга ўкувчилар атайлаб бўлиб ўтказдик: ўргача ўзи учун кизикувчи болалар, ойна олдида «ўртачалар», эшик олдида эса энг ёмон ўқийдиганлар. Сенинг дарсингда кимлар ишлаган? Ўзи ҳам мустакил ишлай олувчи болалар. Лекин сен иш ҳақингни ҳамма учун оласан. Шунинг учун сенинг ёрдамингиз ҳам яхши ўқиётган бола билангина ишлама, ҳар

бир болани кизиктир: күчлига кизикарлы түсік ярат, «Үргачани» харакатта ўргат, ёмон үкувига ёрдам бер». Хар бир ўқитувчи билан шундағы ростгүйлік билан гаплашилса, унинг иш самараси хам бошқача бўлар эди.

### **Нега биз маърузалар ўқимаймиз?**

Семинар — практикумларда хар бир тингловчининг дунё караши турлилиги яккол кўринади, хагтоти баъзи бирларининг ўзи учун одатдагича бўлмаган услубларни кабул килмаслиги хам. Машгулотларнинг максади эса иштирокчиларга ўзлари эътиборга олмаган педагогика конунларини тушибтиришdir. Бу муаммони маъруза ёрдамида хал қилиш мумкинми? «Азиз ўқитувчилар, сиз шуни эътиборга олмаяпсизки...» ва ҳакозо. Улар бўлса дафтарларига «мен эътиборга олмаган конунлар» деб ёзиб кўядинлар, халос. Шунинг учун семинарлар ўtkазиш услуби афзаллар кўринади. Биз ҳамкасларимиз ўtkазаёттан семинарларга назар согланимизда — мусика, расм, адабиёт фанларидан — тингловчиларнинг фокаттина маърузачининг фикрларини ёзиб олаётганини кўрамиз (бундай семинар бизга ракобатчи эмас). Албатта, маъруза жуда кизикарли ва тингловчи учун фойдали бўлни мумкин. Лекин, унинг ёрдамида одамга ўзини четдан хаёлан эмас, ҳакикатдан кўрасатиш, унинг малакасини янги пегонага кўтариш мумкин эмас. Маъруза билимни кўтарни ва янги масалаларни очиб бернишига қарамай, одамнинг хатти -ҳаракатини, ишланинг ўзгартира олмайди. Бизнинг максадимиз эса ўқитувчига янгича ишлашга асос яратишидир.

Албатта хамма хам буни кабул килишга тайёр эмас. Шунинг учун семинар практикумдан сўнг баъзи ўқитувчилар ўз ишларига услубини бутунлай эмас, маълум қисмларини кўллаб қандайдир тузатишлар киритишар, баъзи ўқитувчилар эса бизни кам таълимликда айблаб, яна эски усуулларига кайтадилар. Улар тасаввурнида ўйин кўринишидаги педагогика бўйича машгулотлар жиддий эмас.

Агар киши бир марта ижтимоний ўйин усулини кўйласа, унга маърузачиларлан фойдаланиш кийин бўлади. Чунки, кўпчилик маърузачиларнинг камчилигини, эътиборга олмаган томонларини кўра бошлайсан. Биринчидан, қанча вақт тингловчи унинг фикри кетидан кўва олади? Фикр канчалик нотаниши бўлса тингловчи шунча вақт «кувади». Чунки уни эртами, кечми ўз фикрлари тўхтайди. Маърузанинг биринчи, иккинчи, қисмларини кабул киладилар, учинчисида хайрон бўладилар, тўртичисини учинчисига боғлай олмайдилар. Шу вақтдан фокаттина механик ёзиб олиш жараёни бошланади. Маълум театр маданиятига эга киши буни сезмай колмайди. Маърузачининг фикри бўлинали, маъруза ўкишни лавом эттиришини хоҳламай колади. Лекин, кўпчилик театр маданиятига эга бўлмаган ўқитувчилар буни сезмайдилар хам.

Маъруза ўқитишининг энг муракаб усуулларидан бири. Унга маълум билим даражасига эришган кўпгина кишилар тайёр бўладилар. Бу хар доим хам эмас. Зўр билимли ва иктидорли маърузачиларнинг маърузасини тинглаётган кизиқувчан тингловчи хам савол бера олмаслик, ўз фикрини билдира

олмасликдан кийналади. Балки тингловчи учун бу гаплар янги эмасди? Зүр билемли ва иктидорли маърузачи эса «барибир хаммаси мен тушунтиргандай бўлиб чиқади, нега унда тингловчи ўйлаб кийналиши керак» дейди. Негадир ўзи ўйлаб тушунини кераксиз нарса деб ҳисобланади. Наҳотки мустакил фикр кратиб масаланинг счимини топиш кераксиз бўлса? Бунга нима деб жавоб қўйгарадилар? «Педагог тингловчига ўз фикрларини ривожлантириши учун кўп кидирилиб топилиган асосни беради». Лекин бу - педагог ўйлаш учун асос берди, тингловчи олади деган саробдир. Тингловчи педагогнинг зунёкарашини кабул килишга розими? Ёки бу асосни унга мажбуран беришдими? Мажбуриятни ўқув жараёнининг асоси деб кабул килиш керакми? Биз ахир болалар ва ўспирилар билан ишлаймиз, уларнииг ҳар куни мажбурият билан тўқнашишлари тўғрими? Бошланғич ўкувчисигина эмас, ўспирин ҳам маърузани тинглаб кабул килишга кодир эмас. Энг яхши ахволда у ўзини тинглаётган қилиб кўрсатади. Бизда эса бу услуб билан ўқитиш жуда эрга бошлиданади. «Мен болаларга қандай бўлиши кераклигини ғанириб бераман, улар албатта,..», Бу услубга чидаш учун қанча бардош керак.

Бизни узоқ вакт ўз нуқтаи назаримиз, фикримиз бўлмаслигига, мустакил ўрганимасликка, жараёнларнииг асл моҳиятини англаб етмасликка ўргатишанини ёътиборга олмасдан бўлмайди. Натижада билимга етишишга қизиқиши камайиб кетди. Унинг ўринига ўзини мактаб қўрсатиш келди. Билимга қизиқишининг пастлиги катта авлод вакилларида шу жумладан бაъзи ўқитувчиларда ҳам сакланниб қолганлиги болалар учун яхши намуна эмас. Катта авлодга ўз даврининг ижтимоий шароити, одам кадрининг йўқиниги жуда чуқур тасъир қиласан.

Яна бир бор юкоридаги тажрибали устозлар ўқитувчиларига у нима учун иш хаки олаётганини тушунтиришган мисолимизга қайтсан. Демак, ҳар бир оддий мактабнинг оддий синф ўқитувчилариниг учдан бир кисми мустакил ишлашга тайёр, билим, олишга қизиқувчи инсонлар бўлади. Уларни қандай услубда ўқитнишмасин ҳар доим яхши ўқийдилар. Балки улар мактаб ва ўқитувчидан порози бўларлар,чувки уларга анъанавий ўқитиш (мажбуриятлар орқали) ёкмайди. Лекин улар доимро руҳан сог, кучли бўлиб қоладилар. Синфиинг колган учдан икки қисмига эса педагогнинг нозик ва воно ёрдамнга муҳтожидилар. Бу болалар ақлан заиф эмас, лекин бизнинг ҳадтимиз шундайки, ҳар ким ҳам ёшлигидан мустакилликга кодир эмаслар. Мана шу болалар учун юкорида айтилган ижтимоий ўйин услублари узарининг руҳан тетик, билимга қизиқувчан бўлиб етишишларига ягона йўйдир. Бу услуб билан биз уларни қанча эрта етказсак, шунча вактли улар маърутани тинглашга кодир буладилар. Улар ҳар бир масалани дустлари билан, ҳамкаслари билан муҳокама кила олишларига ишонч ҳосил қиладилар. Биз бирга ҳамма нарсани тушуниб етамиз, муҳокама қиласиз, ишлениклар кашф қиласиз, асосийси бунга болани ёшлигидан ишонтириши.

## **Педагогларнинг педагоглари**

Лекин.. Хамма қийинчиликлар ўқитувчиларга бориб тақалади, улар болаларга нисбатан «носогрек» ва «баҳтсизрок» дирлар, чунки улар ёшлари катта ва халигача «Моцарт» эмаслар. Бу ҳолда табийи савол туғизлади: Бўлажак ўқитувчиларга талабалик, хали янгиликларга очик даврларидан ёрдам берган яхши эмасми?

Педагогик олий ўкув юртлари анъанавий «консерватизм калъалари» бўлганлиги учун Белухининг давомчилари деярли йўқ. Кафедрада унинг янгича фикрларини аралашмаслик нуктаси назаридан кабул килиши: «Сиз буни кила оласиз, биз эса йўқ, сизнинг услубингиз кўплардан бири, халос». Хушмуомилалик учун кизикиш халос. Талабалар, кечаги ўкувчилар, бўлса маърузачи устозларига ва уларнинг услубларига ягона тўғри ва энг яхши деб ишонадилар. Ёш ўқитувчи педагогик муаммоларни ечишда унга факат бошловчилик розилигини эмас, балки бошқа мухим тушунчалар ҳам кераклигини тушуниб етгунча кўп йиллар ўтади. Бунинг учун унга асл педагогик маданият, инсоний ростгўйлик, кўркмас гражданлик нуктаси назари зарур.

## **Биз ишонамиз**

Иктидорли педагогларга жуда ҳам бой - кўп йиллар давомида шу иш билан шугуллансанг, буни алъатта кўрасан. Ҳаётимизнинг аёвсиз шароитларига қарамай жавохирга тенг педагоглар учраб туради. Балки четдан караганда улар ғалати кўринар, лекин бунинг сабаби таълим - тарбия тизимининг тузилишидадир: ёмон - одатдагидай кўринади, яхшиси - сергаклантирувчи ўзбошимчаликдай. Бунинг тескариси бўлгани маъкулрек. Билим олиш қизикарли ва қувончили бўлса жамият соғлом бўлади. Бойлик, мансабдан ташкари албатта ўқиб ўрганиш баҳти бўлмоғи зарур. Буни хеч нарса билан алмаштириб бўлмайди - бой Ғарб мамлакатлари ҳам шу масалада, ҳамма нарсани пул билан ўлчашда кокилишиади.

Бизнинг семинар - практикумлардаги жамоа бўлиб ишлаш услуби ижтимоий ўйиннинг анъанавий эмаслигини беркитади - ҳамма бирга ҳар бир топилмага хурсанд бўлади. Ахир семинар -практикумларда баҳо кўйилмайди, аълочи ва иккичилар йўқ. Практикум олиб борувчилар кимнингдир ажралиб колишига йўл кўймасликлари керак. Оркада колувчилар бўлмаганидан ўсиб келаётган авлод очик кўнгил ва қувноқ, бир - бирларини тўғри кабул килювчи бўлади. Руҳий соғлик ўсади ўз-ўзига ишонмаслик, бошкалардан ўзини паст хис килиш туйғуси йўқолади.

Бизнинг уринишларимиз факат ўқувчи учунгина эмас, ўқитувчиларга ҳам йўналтирилган. Биринчидан, ўқитувчига ўқувчидан кам ёрдам керак эмас. Иккинчидан, ўқитувчи алоҳида ўрин тутувчи ўқитувчидир. У ҳакикий меҳнаткаш. Агар унга самараали ишга йўл - йўрик кўрсатилса, ишониш мумкинки, у бу услубларни чарчамай ўрганади. Биргаликда килинган харакат билан эса ҳалқ ва давлат учун мухим бўлган ишни котиб қолган нуктасидан силжитиш мумкин.

Биз умид киламизки, режиссуре ва практик педагогика билан танишув

үсіб келаёттап авлодга ўқитувчилар калта авлоддан олған тажриба ва анықаларимизни етказицігә ёрдам беради. Миллій, фольклор, диний, ерлік анықалар, одатда болаликда осон ва мұхым әслаб колинади. Шуның учун хар бир ўқитувчининг шахсият бойлиги авлодлар эстафетасыда калта ўрин тұгады. Ўқитувчилар эски, мажбурий олинган иш услубларидан озод бўлғанларидан сўнг хар бир ўқитувчининг одамийлигининг, шахсияттининг рөли кучайды. Режиссёрлик санъатини кўллаш педагогикада кўшимча кучлар, диний әထыкодлар, этник мерослар ва ўқитувчидаги бўлган муносабатлар миклорини янада очиб беришга имкон яратди, бу эса педагогик жараённи ҳаёттыйгина эмас, ижодий ҳам қўлади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ангеловски К. Учителя и инновации - М., 1991,
2. Антипов В.В. Сосновский Б.А Психологические механизмы дезадаптации и адаптации к меняющимся социальным условиям. Психология человека в условиях социальной нестабильности - М., 1994.
3. Аниферова Л.И. Психология повседневности, жизненный мир личности и «техники» ее бытия. Психологический журнал. Т. 14, 1993.
4. Бердяев Н.А Смысл творчества. Философия творчества. Философия творчества, культура и искусство - М., 1994 - Т.1.
5. Бурган М.С. Инновации и новизна в педагогике Советская педагогика - 1989 № 12.
6. Богоявленская Д.Б. Творческая личность ее диагностика и поддержка Психологическая служба вуза: принципы работы. М., 1993.
7. Ботник Д. и др. Инновационное обучение, микроэлектроника и интуиция перспективы. Вопросы образования - Париж, 1983.
8. Дудченко В.С. Инновационная игра как метод исследования и развития органах. М., 1982,
9. Захарова Л.Н. психологическая подготовка педагога – Нижний Новгород 1993.
- 10.Канн - Калик В.А., Никавдров Н.Д. Педагогическое творчество. М., 1990.
- 11.Крутецкий В.А., Базбосова Е.Г. Педагогические способности их структура диагностика, условия формирования и развития. М., 1991.
- 12.Поляков С.Л. В поисках педагогической инноватики. М., 1993.
- 13.Петряевская Л.Г. Непрерывное образование как условие преодоления кризисов профессионального развития учителя: Автореф. дисс. канд. пед. наук. - СПб. 1994.
- 14.Скаткин М.Н. Методология и методика педагогических исследований. М. 1986.
- 15.Слатенин В.А. Тамарин В.Э. Методологическая культура учителя Советская пед. 1990.
- 16.Сластенин В.А. Формирование профессиональной культуры учителя. М., 1993
- 17.Телегина Э.Д. Преборование мыслительной деятельности человека в условиях перехода к рыночным социальной нестабильности. Под ред. Б.А.Сосновского М., 1994.
- 18.Тумалев В.В. Учительство в ситуации социально – политических перемен Ч.3. Инновационный потенциал современного учителя. СПб, 1995.
- 19.Учитель крупным планом. Социально - педагогический проблема учительской деятельности Под. ред. С.Г.Вершловского. - А., 1991.
- 20.«Хамса». А.Навой о гуманности.
- 21.Хомерики О.Г. Инновации в практике обучения. Педагогика, - 1993. №2.
- 22.Хомерики О.Г., Поташник М.М., Лоренсов А.В. Развитие школ как инновационной жараён. - М., 1994.
- 23.Хон А.М. Психологические барьеры при внедрении нововведений в школьную практику и некоторые пути их преодоления. Алма-ата 1986.
- 24.Шиянов Е.Н. Гуманизация педагогического образования состояния и перспектива. - Москве - Ставрополь, 1991.

## МУНДАРИЖА

1. ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИКА ТУШУНЧАСИ.....	3
2. ИННОВАЦИОН ЖАРАЕҢЛАР РИВОЖЛАНІШИННИҢ ҮМУМІЙ ЙҰНАЛИШЛАРЫ .....	6
3. ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРНІ ҲАӘТГА ТАТЫК ЭТИШИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРЫ .....	11
4. ЯНГИЛІКЛАР КИРИТИШ МАЗМУНИ ВА ЙҰНАЛИШЛАРИ .....	14
5. РЕФЛЕКСИВ - ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР .....	18
6. ҮКИТУВЧИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛІЯТИНИ МУАММОЛАРНІ ИЖОДИЙ ИМКОНІЯТИНИ АКТУАЛАПТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ .....	23
7. ҮКИТУВЧИЛИК КАСБИ .....	41
8. ҮКИТУВЧИ БИЛАН ҮҚУВЧИЛАРНИҢ ҰЗАРО МУНОСАБАТИ .....	45
9. ҮКИТУВЧИПЕ ИННОВАЦИОН ФАОЛІЯТТА ТАЙЕРЛІГІНІ ТАШХІС КІЛІЙ ДИАГНОСТИКАСИ МЕТОДЛАРИ .....	50
10. ҮКИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛІЯТИЛАРЫ ПСИХОЛОГИК ГҮСІҚЛАР .....	59
11. ПЕДАГОГИК ТАЛЬСИР ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИҢ МУАММОСИ .....	67
12. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТАЛЬСИРЫ ЭЛЕМЕТЛЛАРЫ .....	70
13. ПЕДАГОГИК ТАЛЬСИР ТЕХНОЛОГИЯСИННИҢ ДАРСДА ҚҰЛЛАНІЛІШІ .....	74
14. ТАЛЬМИННИҢ АСОСІЙ ҚҰЗГАТУВЧИ МОТИВЛАРИ .....	79
15. МОСЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ .....	81
16. БОШЛАНГІЧ МАКТАБДА ҮҚУВ ЖАРАЕНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ .....	82
17. ТАРБИЯ МАҚСАДИНИ ИШІЛӘВ ЧИҚИШ ТҮРІСІДА .....	103
18. ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ИЖТІМОЙЛАШТИРИШ ҮРНІ ТҮРІСІДА .....	106
19. ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТИЗИМ .....	109
20. ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИЯЛАР .....	113
21. ИНТЕРАКТИВ ҮКИТИШНИҢ ШАКЛЛАРЫ .....	127
22. «ИНТЕРАКТИВ ҮКИТИШ МЕТОДЛАРЫ ВА УНИ ҮҚУВЧИЛАР БИЛІМЛАРINI РИВОЖЛАНТИРИШ» МУАММОСЫГА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ФАНЛАРАРО БОҒЛАНІШНИҢ ҮРНІ, ТАРИХИ, ТУРЛЯРИ .....	130
23. ИНТЕРАКТИВ ҮКИТИШНИҢ МЕТОДОЛОГИК ПРИНЦИПЛАРЫ .....	132
24. БОШЛАНГІЧ СИНФЛАР УЧУН ИЖОДІЙ ТАСАВВУРНИ РИВОЖЛАНГИРУВЧИ ҮММУМІЙ ЛАВХАЛАР КҮРІНІШЛАР .....	136
25. МАҢГУЛОТ ҮТКАЗИШ ТИЗИМИ .....	140
26. ТИЗИМЛАР ФУНКЦИЯСИ НІМА? .....	147
27. ҮКИТУВЧИНИҢ БАҲОСИДАН ҮҚУВЧИНИҢ ҰЗ ҰЗИННИ БАҲОЛАЦЫ .....	162





23 – буюртма. 200 нусха. Ҳажми 10,1 б.т.  
2007 йил 11 апрельда босишига рухсат этилди.  
Низомий әномидаги ТДПУ Ризографида  
нашр қилинди.